

*C. КУШКАРОВ*

**Сўфий шеърияти**



*S. KUSHKAROV*

**So‘fiy she’riyati**

*САПАРБОЙ КУШКАРОВ*

# **СҮФИЙ ШЕЪРИЯТИ**

**Тариқат**

**Шеърият моҳияти**

**Объекти ва асослари**

**Мазмуни ва мақсадлари**

**Илоҳийлиги**

**Таъсири ва кучи**

**SAPARBOY KUSHKAROV**

# **SO‘FIY SHE’RIYATI**

**Tariqat**

**She’riyat mohiyati**

**Obyekti va asoslari**

**Mazmuni va maqsadlari**

**Ilohiyligi**

**Ta’siri va kuchi**

86.38

65.89

K62

Муаллиф: Сапарбай Күшқаров

Күшқаров С.

Сүфий шеърияты, Тариқат. Шеърият мөхияти.


Объекти ва асослари: Мазмунни ва мақсадлари. Ило-

хийлиги. Таъсири ва кучи.

К.55.—Т. «ZAR QALAM» нашриёти. Лицензия  
A1.003. 2004. 304 б.

ББК 45.97

1031067  
391



C 456895  
1105-2004 2004

ISBN 68-5612-004-8

© С. Күшқаров. 2005 й.

## КИРИШ

Сўфийлик фано буржидаги энг гўзал ва беғубор санъат десак муболаға бўлмайди. Унинг замирида Аллоҳ ишқи мужассам бўлиб, сўфийликнинг олий саодати, илоҳий қуввати ҳақтўйлик, покдомонлик, тоат-ибодат, қироат ва Зикри маъво орқали юзага келади. Оlam яралиб, одамзод онгига Аллоҳнинг муқаррарлиги мустажо бўлгандан буён бу фано салтанатида неча минг сўфий яшаб ўтди. Уларнинг Аллоҳ йўлидаги илму ирфонлари авлоддан авлодга ўтиб, ўз тариқатлари асосида издошлар қолдирдилар. Ана шундай издошлардан бири замондошимиз Сафарбой ота шайх, пирга айланган мукаррам зотдир. Шариат шартларига амал қилган бу зоти ориф, кейинчалик сўфийликнинг мураккаб оламида ўзлигини топиб, тариқат салтанатида илму ирфон излаб мукаммаликка эришгандир. Айни дамда маърифат маъвосида нур излаб Ҳақнинг йўлида событқадамдир.

Сўфийлик — ўзликдан кечиш, тарки дунёчилик санъати. Унда фано иштиёқи йўқ. У туну кун Ҳақнинг ишқида ёнади. Унинг жамолини истайди. Ундан илоҳий қувват олади. Сўфийлик оламига қадам қўйганда, даставвал Яссавия тариқати давомчиси бўлган Сафарбой ота мукаммалик даражасига эришгандан сўнг даврлар ўтиши билан ўз қарашлари, сўфийликнинг янгича ғоялари асосида ўз тариқатига асос кола бошлади. Сўфийлик шундай оламки, унинг чеки-чегараси йўқ. Сафарбой ота йиллар мобайнида дунё кезиб,

илм ўрганиб, илоҳий қувват йиғиб, тариқатлар жавоҳиридан баҳра олиб келди. Комил инсон Нурсафардийя тариқатига асос солар экан, унинг та-мойиллари Аллоҳга интилиш, поклик, диёнат, оқибатлилик, иймон-эътиқодлилик ва Аллоҳ бандаларига меҳр-шафқатли бўлишидир. Нурсафардийя тариқати Яссавия тариқати асосида янгича фояларни ўзида мужассам этган. Ўтмишда бальзи тариқатларнинг Аллоҳ васлига етишнинг пассив жараёнлари ҳам бўлган. Улар, асосан, ишқни юракка жамлаб, куну тун фарёд чекканлар. Бу тариқат асосчиларининг Ҳақ йўлидаги фоявий асослари. Нурсафардийя тариқатининг фоявий мазмуни, унинг асоси фаолликдир. Яъни Аллоҳга Зикр орқали интилиш, Ҳақдан илоҳий қувват топишдир. Бу жараён эса ўз ўрнида инсонни мукаммалликка, комилликка кўтариб, унинг қувватий даражасини белгилаб беради. Нурсафардийя тариқатида узлатга чекиниш бирмунча йироқ. Унинг асосчиси инсоний туйгуларни ҳамиша ҳурмат қиласи (Агар у Аллоҳ ишқида бўлса албатта). Ҳақ йўлида событқадам зот инсон дардини бир четга суриб қўймайди. Унинг табобат илмидаги кашфиётлари инсонларнинг саломатлиги йўлида беминнат хизматдир. Сўфий жанг санъатининг янги қирралари ҳам Нурсафардийя тариқатининг фаоллигидан далолатдир. Тариқатнинг инсоният ҳаётига молик жабҳалари жуда кўп. Сафарбой ота Ҳаққа интилар экан, ўз ўрнида инсонларга ҳам яхшилик қолдириш йўлида тиним билмайди. Нурсафардийя тариқати дурдоналаридан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодлар ҳам баҳраманд бўлишларига шубҳа йўқ.

Сўфий дурдоналари ўлмас ва боқийдир. Ушбу рисола Нурсафардийя тариқатининг бешинчи

китобидир. Сўфий шеърияти мажмуасида Сиз, муҳтарам ўқувчи Сафарбой отанинг ҳикматлари, сўз жавоҳирлари ва тасаввуфга оид руҳий кечин-маларидан баҳраманд бўласиз, деган умиддамиз. Зотан пиру муршид, шайхул уламо Сафарбой ота барчани эзгуликка, Ҳақ йўлида событқадам бўлишга чорлайди. Аллоҳ Сизга қувват берсин.

### *Muriid*

Устоздан сўрадим:

- Одамзод нимадан қўрқмоғи лозим?
- Охират азобидан, — дедилар ул зот,— чунки гуноҳни ҳар қадамингда қилишинг мумкин, савоб қилмоқ эса ҳар кимнинг ҳам ҳунари эмас. Жаннатнинг калити иймонда, дўзахники шайтондадир.

*Ш. Аҳроров*



## KIRISH

So‘fiylik fano burjidagi eng go‘zal va beg‘ubor san’at desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Uning zamirida Alloh ishqisi mujassam bo‘lib, so‘fiylikning oliv saodati, ilohiy quvvati haqgo‘ylik, pokdomonlik, toat-ibodat, qiroat va Zikri ma’vo orqali yuzaga keladi. Olam yaralib, odamzod ongida Allohnинг muqarrarligi mustajo bo‘lgandan buyon bu fano sultanatida necha ming so‘fiy yashab o‘tdi. Ularning Alloh yo‘lidagi ilm-u irfonlari avloddan avlodga o‘tib, o‘z tariqatlari asosida izdoshlar qoldirdilar. Ana shunday izdoshlardan biri zamondoshimiz Safarboy ota ulug‘ shayx, pirga aylangan mukarram zotdir. Shariat shartlariga amal qilgan bu zoti orif, keyinchalik so‘fiylikning murakkab olamida o‘zligini topib, tariqat sultanatida ilm-u irfon izlab mukammallikka erishgandir. Ayni damda ma’rifat ma’vosida nur izlab Haqning yo‘lida sobitqadamdir.

So‘fiylik — o‘zlikdan kechish, tarki dunyochilik san’ati. Unda fano ishtiyobi yo‘q. U tun-u kun Haqning ishqida yonadi. Uning jamolini istaydi. Undan ilohiy quvvat oladi. So‘fiylik olamiga qadam qo‘yganda dastavval Yassaviya tariqati davomchisi bo‘lgan Safarboy ota mukammallik darajasiga erishgandan so‘ng davrlar o‘tishi bilan o‘z qarashlari, so‘fiylikning yangicha g‘oyalari asosida o‘z tariqatiga asos sola boshladi. So‘fiylik shunday olamki, uning cheki-chegarasi yo‘q. Safarboy ota yillar mobaynida dunyo kezib, ilm o‘rganib, ilohiy quvvat yig‘ib, tariqatlar javohiridan bahra olib keldi. Komil inson Nursafardiyya tariqatiga asos solar ekan, uning tamoyillari Allohga

intilish, poklik, diyonat, oqibatlilik , iymon-e'tiqodlik va Alloh bandalariga mehr shavqatli bo'lishdir. Nursafardiyya tariqati Yassaviya tariqati asosida yangicha g'oyalarni o'zida mujassam etgan. O'tmishda ba'zi tariqatlarning Alloh vasliga yetishning passiv jarayonlari ham bo'lgan. Ular, asosan, ishqni yurakka jamlab, kun-u tun faryod chekkanlar. Bu tariqat asoschilarining Haq yo'lidagi g'oyaviy asoslari. Nursafardiyya tariqatining g'oyaviy mazmuni, uning asosi faollikdir. Ya'ni Allohga Zikr orqali intilish, Haqdan ilohiy quvvat topishdir. Bu jarayon esa o'z o'rnida insonni mukammallikka, komillikka ko'tarib, uning quvvatiy darajasini belgilab beradi. Nursafardiyya tariqatida uzlatga chekinish birmuncha yiroq. Uning asoschisi insoniy tuyg'ularni hamisha hurmat qiladi (Agar u Alloh ishqida bo'lsa albatta). Haq yo'lida sobitqadam zot inson dardini bir chetga surib qo'ymaydi. Uning tabobat ilmidagi kashfiyotlari insonlarning salomatligi yo'lida beminnat xizmatdir. So'fiy jang san'atining yangi qirralari ham Nursafardiyya tariqatining faolligidan dalolatdir. Tariqatning insoniyat hayotiga molik jabhalari juda ko'p. Safarboy ota Haqqa intilar ekan, o'z o'rnida insonlarga ham yaxshilik qoldirish yo'lida tinim bilmaydi. Nursafardiyya tariqati durdonalaridan nafaqat hozirgi, balki kelajak avlodlar ham bahramand bo'lishlariga shubha yo'q.

So'fiy durdonalari o'lmas va boqiydir. Ushbu risola Nursafardiyya tariqatining beshinchi kitobidir. So'fiy she'riyati majmuasida Siz, muhtaram o'quvchi, Safarboy otaning hikmatlari, so'z javohirlari va tasavvufga oid ruhiy kechinmalaridan bahramand bo'lasiz, degan umiddamiz. Zotan pir-u murid, shayxul ulamo Safarboy ota barchani ezgulikka, Haq yo'lida sobitqadam bo'lishga chorlaydi. Alloh Sizga quvvat bersin.

### *Murid*

Ustozdan so‘radim:

- Odamzod nimadan qo‘rqmog‘i lozim?
- Oxirat azobidan, — dedilar ul zot, — chunki gunohni har qadamingda qilishing mumkin, savob qilmoq esa har kimning ham hunari emas. Jannatning kaliti iymonda, do‘zaxniki shaytondadir.

*Sh. Ahrorov*



# *Сўфийликда шебъриятнинг моҳияти*



*So‘fiylikda she’riyatning  
mohiyati*

## *Сўфийликда шеъриятнинг моҳияти\**

Инсоният яралибдикি, ўзлигини таниганидан буён турли хил қавмларга бўлинниб, турлича диний оламларга ажралиб, маълум даражаларда уйғунлашди ва шаклланди. Ҳар бир оқимнинг мақсадга мувофиқлиги уларнинг ягона Аллоҳга интилишларидир. Шуниси эътиборга сазоворки, асрлар оша ривожланиб келган мусулмон оламида кейинчалик тариқат ва ҳақиқат мазмун моҳияти билан шариат дунёсидан ажралиб чиқди. Аммо шариатни билмай туриб, тариқат ҳақида гапирмоқ ва тариқат илму ирфонини эгалламай, ҳақиқат остонасига қадам қўймоқ ножоиздир. Мұхаммад алайҳиссалом «Шариат — сўзим, тариқат — амалларим, ҳақиқат эса ҳолимдир» демишлар. Орифлар сultonи Аҳмад Яссавий, «Шариат — ҳурмат, тариқат — хизмат, Ҳақиқат ҳимматдир» дейдилар. Шариат йўлидан муносиб ўтган, тариқат ва ҳақиқат босқичида Аллоҳга Зикр қилганлар сўфийлар аталиб, Ҳақнинг йўлида бу дунёning завқу шавқидан кечиб, Ҳақнинг васли учун қалбан унга интилганлар. Албатта, Ҳақ йўлида ёнган сўфийларни шариат аҳкомлари ижобий қабул қилолмаганлар. Шариатдагилар Аллоҳга сиғиниб, Ҳақнинг олдida ўзларини қул ҳисобласалар, тариқат илмини эгаллаганлар Ҳаққа қўшилиш, у билан дўст бўлмоқ амалиётини илгари сурадилар. Бу борада Мансур Ҳалложнинг аянчли тақдирини эслаш кифоядир. Ҳусусан, Бобора-

\* Ушбу эссе-мақола шогирдимиз Ш. Аҳроров билан ҳамкорликда ёзилди.

ҳим Машраб ҳам шариат аҳкомининг қаҳр-ғазабига учраганлиги маълум. Алишер Навоий ҳам ўз даврининг сўфий уламоларидан бўлган. У Ҳаққа бўлган ишқи, Аллоҳ васлига нақадар ташналигини ўз шеърияти орқали ифода этган. Бироқ ўша даврларнинг шариат аҳли сўфийларнинг қарашларини қаттиқ қоралаганлар. Кези келганда қатл қилишдан ҳам тоймаганлар. Аммо сўфий даражасига етувчи, Аллоҳ қуввати билан унга эришувчи шахс ҳар неча юз йилда туғиладиган бир ҳодисадир. Бу шахслар Аллоҳ йўлида нафақат бу дунёнинг лаззатларидан, балки ўз жонларидан ҳам кечадилар. Ўша даврда, масалан, Алишер Навоий «Қуш тили»да ёзган шеърларида, асосан, Аллоҳни улуғлайди. Унинг васлида ёнади, унга интилади. Шариатнинг кучли таъсирида аксарият сўфийлар Аллоҳга бўлган интилишларини турли ниқоблар остида ёзишга мажбур бўлганлар. Сўфий шеъриятининг моҳияти Аллоҳда.

Орифлар султони Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф шеъриятининг атоқли вакили сифатида оламга машҳурдир. Ҳар замоннинг ўз муаммоси бўлганидек, Яссавий халқ бошига кўп қийинчиллик ва мусибатлар ёғдирилган даврда ижод қилди. У «Девони ҳикмат» асари билан жаҳоннинг бир неча мамлакатларида маълум ва машҳур бўлган. Бобораҳим Машраб фазалларидан бирида «Руҳи жоним ашға етди мен ўзим осмониман» деган эди. Шу матьнода Яссавий — Машрабга ўхшаш шоирларнинг раҳнамоларидан, юксак руҳ донишманди, унинг руҳий олами мураккаб ва зиддиятли бўлиб, булар ижодиётида бутун теранлиги билан акс этгандир. Яссавий турк ҳукмдорлари — Қорахонийлар билан Қорахитойлар ўртасидаги урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатларини кўрган, шеърларида бу фожиаларга муносабатини билдири-

ган. «Нокас, хасис, бедиёнат» золимлар ҳоким бўлган жамиятдаги шафқатсизлик ва маънавий айнишлар баҳсида Яссавий ҳикматларидан бирида бундай деган:

*На онода раҳм қолди, на отода,  
Оғо, ини бир-бирига можорода.  
Мусулмонлар даъво қилур, ичар бода,  
Мастлиғ билан қариндошдин тонди, кўрунг.*

Аҳмад Яссавийнинг дунёқараши унинг «Ҳикмат» асарида баён қилинган. Бу асар туркий адабиётнинг ноёб ёдгорликларидан бири бўлиб, муаллифнинг ислом дини, калом фалсафаси ва тасаввуф билан эмас, балки ўша давр ижтимоий тартиблари, деҳқонлар, хунармандлар ва чорвадорларнинг ҳаётини жуда яхши билганидан далилат беради. У Худо ишқи, яъни ишқи илоҳийни тан олади. Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб»да ишқни уч қисмга ажратиб, учинчисини «Ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг учун матлубдирлар» дейди.

Яссавий:

*«Ишқ йўлида кеча-кундуз йиглағонлар,  
Жондан кечиб белин маҳкам боғлағонлар.  
Хизмат қилиб Ҳақ сирини англағонлар  
Тун уйқуни ҳаром қилиб, нолон бўлур»,* —

каби эътирофларида Аллоҳни таниш ва унинг ишқини идрок қилиш эҳтиросларида ўртанган ошиқларни назарда тутган. У шу ошиқларга «ишқ сирини баён» қиласи. Бу сирнинг мушоҳадасига берилган ошиқ, аввало, «Ҳақиқатнинг маъносига етган киши». У «кеча-кундуз ишқ» истайди. «Бир соат ҳам Ҳақ ёдидан ғофил»лик йўқунда. У иймонда событ. Унингча «тан сўзламас, жон сўзламас, иймон сўзлар». Яссавийни иймони сўзлатган. Иймон тили билан муҳаббатни улуғлаган.

Рус ёзувчиси Л. Н. Толстой кундаликларида «ҳамма ишимни ёлғизликда Худо билан ҳал қилишм шарт» деб ёзган экан. Мистик шоирларда, жумладан, Аҳмад Яссавийда ҳам мана шундай «ёлғизланиш» қарийб доимий ҳолат ва фикрий бирлик жараёни бўлган. Яссавий мистикасининг ёруғлик манбай — руҳ ёлғизлигига, у Худога жуда яқин. Шу боис у «Жондин кечиб, молдин кечиб фарид бўлсам, биёбондан ёлғиз кезиб, нола қилсам», деган орзуларни баён қилган. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш — нафсни таслим этишга хизмат қиласиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шоҳ — қул, нафсдан устунликка эришган фарид — шоҳдир. Мана, Яссавий дунёқарашидаги таянч нуқталардан биттаси. Ибн Сино рубоийларидан бирида:

*«Дунё мансаб дема, учма ишвага  
Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет»* —

дейди. Бунда шоир назарда тутган ёв — нафс. Аллома ҳар нимадан, ҳаттоки дўстликдан ажраб бўлса ҳам, шу ғанимнинг бошини янчишга унданган. Навоий айтмоқчи нафсга тобеъ бўлиб, душманни банд этмоқ мардлик саналмайди. Уни енгиш чинакам шижаатdir:

*Бўлиб нафсингга тобиъ, банд этарсан тушса  
душманни,  
Санга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил  
банд.*

Аҳмад Яссавий ҳикматларининг катта бир қисми айнан шу масала талқинларига бағишланган. Шоир нафс бандаларига қаратса «Нафсни тепгил, нафсни тепгил, эй бадкирдикор», деб мурожаат этади ва:

*Нафсим мани йўлдан уриб хор айлади,  
Термултириб ҳалойиққа мани зор айлади»,* —

дея нафс учун «итдек кезиб» юрганларини ҳам сир сақтамайды. Хуллас, Яссавийнинг хulosалари шуки, нафс ички, лекин жуда катта душман. Яссавийда «Аллоҳ дарди сотқу эрмас, сотиб олсанг» деган мисра бор. У «Аллоҳ дардини ишқ ўтларида дилни ёқмоқ, покланиш изтироблари, таъна, ёлғон, макр, мансаб ва бойлик ҳисларига кул бўлмаслик» деб тушунган.

*Кўзим намлиқ, дилим ғамлиқ, ман аламлиқ,  
Нечук илож айларимни билмам, дўстлар.  
Бу ҳасратда, надоматда ёшим оқиб,  
Қаю тараф кетаримни билмам, дўстлар.*

Шоир бундай имконсизлик ҳолатларини ниҳоятда қадрлайди. Чунки у ҳасрат ва надоматда нақадар ортиқ ўртанса, ҳайратга ботса «ишқ сирини» шунча теранроқ ҳис этади. Унинг учун «ишқ сири» мана бундай моҳиятни қамраб олган: Инсон ҳақиқат қаршисида оёққа турға билиши, Аллоҳ олдида юзни ёруғ қилгандек, ҳар бир киши ўзлиги қаршисида ҳам қоматини букмаслиги керак. Аммо бу енгил вазифа эмас, балки шунинг учун Яссавий тақдирининг қоронғу ва туманли осмонларига ғамгин нигоҳ солгандир. Унинг «доно топмай, ер остига кирдим, мано» дейиши, ҳар қалай асоссиз бўлмаган. Юнус Эмро:

*«Мени менда дема, менда эмасман,  
Бир мен бордир менда — менинг ичимда»,—  
дейди.*

Бундай қараш Яссавий учун ҳам хос эди. У ана шу «Мен»нинг ҳақиқатларига ишонади. Унингча бу «Мен»да битта буюк мафкура бор. У — ишқ. Шу ишқ унинг қалбидаги бутун дунё ва коинот сирларини марказлаштиришга қодир. Демак, у камолот ишқи, у инсонни Худога етказади. Бу «Мен» нинг фикру хulosалари таҳминан қуйидагича:

*Олло дедим, шайтон мендан йироқ қочди,  
Хойи-ҳавас моуманлик турмай кўчди.*

Ушбу мантиқ IX асрда яшаб ўтган сўфий Боязид Бистомий айтган «Илон пўст ташлагандай, мен ўзимдан кечдим...» фикрларига уйғун келади. Хўш, илон нега пўст ташлайди? У шундай қилмаса, ўларкан. Мистик тафаккур ҳам ўзликдан кешишни ўлишмас, янгича тириклик, ҳақиқат, ҳаёт юксакликларига кўтарилиш, деб баҳолайди.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари учун кўповозлик ҳам хос хусусиятларданdir. Унинг ҳикматларида орифнинг овози ҳоким. Улардан шайхнинг овози эшлиллади. Баъзан бир ҳикматда ҳам ошиқ, ҳам дарвеш, ҳам донишманднинг овози янграйди. Лекин буларнинг орасида изчиллиги ва фаоллиги билан икки овоз алоҳида ажралиб туради. Улардан бири — гуноҳ «фалсафасини» тасдиқлайди. Бу — гуноҳкорлигини теран тушунган кишининг овози. У — шафқатсиз. Бу овоз хотирага бамисоли тиф бўлиб санчилади, юрак оромини бутунлай бузади.

*Сочи соқол ҳўп оқарди, кўнглим қаро,  
Рўзи маҳшар раҳм этмасанг ҳолим табоҳ.  
Сенга аён амалсизман, кўндир гуноҳ,  
Жумла малак ёзуқларим билди, дўстлар.*

Бу овоз соҳибининг назари ўткир. У ўз гуноҳларига мардона назар ташлайди. Ва бундан тоқатсизланади. «Тоқатим йўқ, агар боқсан гуноҳимга». Гуноҳни англаш гуноҳ қилмаслик чораси. Гуноҳкорлик туйғусига тобеълик — покланиш истагига эрк бериш. «Гуноҳ дарди касал қилди бемор бўлдум» деган киши «беморлик»да иймон соғлигини кўзлаган шахсдир. Унда тан беришмас, тан бердириш қобилияти ҳам бор. Унинг «Не қилғайсан гуноҳларинг тоғдин оғир», деган сўроқ сўзларини шунчаки эшлиш мумкин эмас. Энди иккинчи овоз ҳақида. У бошқа бир юксак моҳиятни очадиган илоҳий овоз. Инсон ҳаёти нечоғлик ўткинчи, кулфат ва машаққатларга тўла бўлма-

син, у комилликка интилиши шарт. Камолот йўлига тушган инсонни Виждон руҳий оғриқларга гирифтор қилиб, аламга юзма-юз қилиб қўяди, юракни гуноҳ ва кўркув, шубҳа ва ишонч оралаб ўтиб кетади. Уйғоқ виждон энг охирги чегараларгача одамни ёлғизлантиради. Шундан бошлаб ўлим чекинади. Абадиятга чинакам ишонч шундан бошланади. Шу йўлни топган одамгина Худо томонга талпинади. Талпинган сайин эса ўзига нисбатан муросасизлиги ортади. Аҳмад Яссавий ана шундай. Буни у «ҳақиқат дарёсидин» кечиш деб ҳам характерлаган:

*«Ҳақиқатни дарёсидин кечғон киши,  
Ўзи мунглуғ, кўнгил синуқ, кўзда ёши.  
Хорлиқ, зорлиқ, машаққатдур доим иши,  
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар».*

Яссавий «Ҳақ таоло бўйин олғон мунда турмас», «Ошиқ бўлсанг ишқ йўлида фано бўлғил, дийдор излаб, ҳасратида адо бўлғил» сингари сатрларида ўлим учун «ўлган» кишиларнинг илоҳий-фалсафий қарашларини ифодалаган бўлиб, ўлмасликнинг сирини ўзларича кашф этган зотлар шулардир.

Меҳр бир дарахт бўлса, саховат унинг меваси. Амалдорларнинг адолатсизликлари шу «дарахт» нинг ҳаётига, албатта, зиён етказади. Бу эса, ўз навбатида, одамлар орасида ҳурматсизлик, оқибатсизлик, шафқатсизлик ҳиссиётларини кучайтиради. Бу каби иллатларнинг юзага келишини Яссавий охир-оқибатда битта нарсага тақайди. Бунинг номи ишқсизлик. Ёки ёлғон ошиқликнинг томир ёзишидир. Аҳмад Яссавий қатор ҳикматларида айни шу фожианинг фикрий талқинларини беради. Шунинг учун у «Ишқ йўлида жон берганни армони йўқ», деган тушунчаларни эъти-

қод шиори қилиб, маънавий руҳий тозаланиш ранжу жафоларини бўйинга олмоқ шарт. Бу ҳақда Яссавий шундай ўгит беради:

*Жафо чекмай ошиқ бўлмас, тингла, ғофил,  
Жафо чекиб собир бўлғон бўлмас жоҳил.*

Демак, жафо чекиб ошиқликка етишиш, биринчидан, ғофилликни ҳайдайди. Иккинчидан, жоҳилликка йўл қўймайди.Faflatdan қочиш — фаол тасаввурларга кенг йўл очади. Бу орқали илоҳий бўлса-да, моҳият ахтарилади. Моҳият излаётган шахс, табиийки, атроф-муҳитда содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қаролмайди:

*Худавандо мени солғил ўз йўлингго,  
Нафс илгида хароб, адo бўлдим манo.  
Фисқу фужур тўлиб-тошиб, ҳаддин ошти,  
Farқоб бўлиб исён ичра қолдим манo.*

Яссавий «Худо йўлини — нафс илги»дан қутулмоқ, атрофда тўлиб-тошган фисқу фужурларга барҳам бермоқнинг йўлини излайди. Агар дикқат билан мушоҳада юритилса, Яссавийнинг диний-ахлоқий фалсафасида дунёдан юз бурилмайди. Ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, молпарастлик иллатларига ривож берган тубан дунёни юракдан қувишга даъват этади. Яссавий ўзи билан ўзи бемон курашадиганлар ижодкори сифатида жуда эътиборли. У одамга ўзини ўзи кечирмаслик сирларини ўргатади. Шоир ўз қалбининг энг чуқур жойларига назар ташлашни тарғиб этади. Шунинг учун ҳам унинг ахлоқий эътирозида шахснинг маънавий илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган инсондаги салбий хусусиятлар таҳлили тобеъ равишида изчилланиб боргандир. Аҳмад Яссавийдаги самимият — ошкораликда. Баъзан ундаги ошкоралик талабларига чидаш мушкул. Яссавий ҳикматларида маърифатли руҳни суядиган Дард

ва фарёл борки, улар инсоннинг ҳиссиёт фожи-аларини эрта англашга хизмат қиласи. Яссавий ҳикматларидағи марказий образ — Аллоҳ. Яссавийнинг дунёга назари, бизнинг давр кишилари мизга нисбатан бошқача шаклланган. Шоирнинг ишқ, ҳақиқат, адолат, қаноат, диёнат сингари масалаларга ёндошиши ўзгача йўналишларда кечганилиги ҳам шубҳасиз. У ўз даври фарзанди сифатида ислом дини кўрсатмалари ва исломий ақидаларга таянган. Буни унинг ўзи ҳам эътироф этган. Шоир ҳикматларидан бирида шундай дейди:

*Хушламайдир олимлар бизни ойғон туркини,  
Орифлардин эшишсанг, очар кўнгил мулкини.  
Оят, ҳадис маъноси туркий бўлса мувофиқ,  
Маъносига етганлар, ерга қўяр бўркими.*

Яссавий, албатта, «оят, ҳадис» мазмунларини арабчадан шундоққина ўзлаштира қолмаган. Фоявий, ахлоқий, фалсафий мақсадлар юзасидан ўрни-ўрни билан уларга мурожаат этган ва улардан фойдаланган. Дин ҳоким жамият ва даврлар учун бу табиий ҳодиса деб қаралиши керак. Бундан ташқари, араб тили — ҳукмрон ва нуфузли тил деб саналган даврларда миллий тилда ижод қилишнинг ўзи ҳам мардона интилиш эди.

Аҳмад Яссавий ижодиётининг мағзини исён-корона мистик мазмунлар ташкил қиласи. У бехудага «Фарқоб бўлиб исён ичра қолдим мано», демаган. Унинг исёни — Инсон ботинидаги исён. Берtrand Рассел «Мистицизм ва мантиқ» мақоласида ёзишича, дунёни мистик тарзда идрок этишда донишмандликнинг шундай бир унсури мавжудки, унга бошқа восита билан эришиб бўлмайди. Мана шу «донишмандлик унсури», «Худо олий ҳақиқат, унда ҳамма-ҳаммаси мукаммал, мусаффо ва гўзал. Унинг адолати парчаланмас. Қарашлари зиддиятсиз» дегандай мантиқлар-

ни акс эттирган. Мистик шоирларнинг ғоявий йўлларини, шартли равишда, вужуди мутлақ билан «суҳбат» йўли деб аташ мумкин. Чунки уларнинг диққат-эътиборлари муқаддас руҳга қаратилган. Улар фақат Худо ишқини тан оладилар. Ундан мұхаббат одамдан фавқулодда кўнгли поклик ва нафс эҳтиёжларидан озод бўлишни талаб этади. Мистик ошиқнинг битта ибратли хусусияти — ўз-ўзига муросасизлиги. Унингча «Зоҳир сўфий, ботин ичра эрмас содиқ». Шоир мұхаббатсиз халойиқдин қочиб, орифлар суҳбатига юз буришга чақиради. Яссавий таърифларида ориф куллар — «жондин кечиб» ҳақни жонға қўшиб, «дарё бўлиб» тошганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг кўнгли ёруғ, назари очик:

*Ҳар ким ҳақни қули бўлса ҳаққа ёқсун,  
Ҳаққа ёнмас ўзни деган нари борсун*, —

дейди улар. Ва орифлик учун дарду аламкашлик, бедорлик зарурат, айшу ишратлардан кечиши шарт қилиб қўйилади:

*Ориф ошиқ бўлай десанг алам торғил,  
Ҳақ васлига етай десанг тунлар қотғил.  
Бу дунёни ишратини ташлаб отғил,  
Ташлаб отсанг моумонлик кетар, дўстлар.*

Аҳмад Яссавий яна бир ўринда «Ҳақиқатни маъносига етган киши, беҳуд бўлиб куюб ёнар ичи тоши», дейди. Мутафаккир шоир ҳақиқат маъносига етиб, шу туфайли «ичи тоши» ёниб ёлқинланган одамлар дийдорини қўмсайди.

Кўнгил мулкининг султони, аҳли дилларнинг раҳнамоларидан бири Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» достонида дил аламининг ҳайратомуз манзараларини чизади. «Азол субҳида — тонгига Сунъ (санъат, қудрат, бунёдкорлик) дехқони (яъни Ҳақ таоло) одамнинг ҳақи тупроғини на-

фосат гулшанига айлантириди. Бу гулистон сари сунбулу сарвигулу район сари, насимлар сари шаббодалар эсди, бу район хуш бўйлари кашф этилиб, рух тан гулшанига кирди. Тангрининг бундан мақсади гул эмас «кўнгул эди». Навоий айтади:

*Эйки кўнгил васфин баён айладинг,  
Сен бу кўнгулни не гумон айладинг?*

«Эй, инсон, — деб уқтиради шоир, — Кўнгил гулшанида гул фунчаси очилар экан, у асли кўнгил фунчасидир, йўқ, бу кўнгил фунчаси деб ўйлаганинг кўнгил қонидир. Оlamda жони борки, ҳаммасининг кўнглида бу фунчасифат қони бор. Ҳатто Дажжол ҳам, нобий ҳам дил фунчасини топади. Бири (девсифат Одам) фунчани пайхон қилади, бири (дил аҳли) уни парвариш этиб, гулистон этади. Ҳатто хожа, эшон ҳам қандай кўнгил билан ўзини аҳли дил дея олади? Фақат ўз манфаатини (мол, дунёни) ўйлайдиган кўнглинг бўлса, ундан воз кечганинг яхши. Инсон кўксида уриб турган юрак (муҳим бўлса ҳам), у кўнгул эмас (чунки юрак тўхтаб, нобуд бўлганида ҳам кўнгул янада эркин парвоз этаверади)».

Навоий айттанидек:

*Кўнгул эрур булбули бўстониroz,  
Қудс ҳаримида бўлиб жилва соз.*

Яъни, кўнгил сирлар бўстонининг булбулидир, у муқаддаслик, илоҳиёт оламининг жилвасозидур.

*Солик они Арши муалло, деди,  
Суфий ани Олами кубро, деди.*

Назокат, покизаликда бу аъзам, буюк жаҳон барча жаҳон олимлари, аҳли кўзидан ниҳон, яшириндур. Ҳатто оламнинг қибласи бўлган Каъба қадрда кўнгил каъбасичалик эмасдур. Униси ха-

лойиқнинг саждагоҳи бўлса, буниси унинг жилвагоҳидир. Навоий яна бир байтида таъкидлага-нидек:

*Кимки бир кўнгил бузуқнинг хотирин шод айлагай,  
Онча билки, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.*

Хулласи калом, инсон дили илоҳий сирларнинг гулшани бўлиб, уни покиза сақлаш, азиз ва муқаддас билиш ҳар кимнинг инсонийлик шартидир.

Ислом динида сўфийлик оқими, дарвешлар пайғамбар замонасидаёқ вужудга келган. Сўфийлар шариат қоидаларини ўрганиб, бу билан чекланмай яна маърифат ва ҳақиқатга, Ҳаққа етишга интиладилар. Сўфийлар тариқатида зуҳд ва тақвога катта эътибор берилади. Зуҳд ва тақво — кўнгилни фоний дунё гуноҳларидан, ғараз таъмалардан тозалаш. Худо буюрганига амал қилиб, Аллоҳ ман этган ишлардан сақланиш демакдир. Сўфийлар фикрича, илоҳий ишқ ҳар қандай ғарали манфаатлардан ҳоли бўлиши зарур. Тасаввуф таълимотига кўра, борлиқдаги ҳамма хилқатларда, хусусан, одамзодда ҳам илоҳий зарралар бор. Сўфийнинг мақсади — кўнглидаги илоҳий зарраларни, узоқ ва машаққатли покланиш йўлидан бориб, яна Аллоҳга қайтаришдан иборат.

Аммо сўфийлик оқимлари яхлит бир бутун ва бир хил эмас, балки турличадир. Бу оқимлар зиддиятли фикрлар ранг-баранглиги туфайли ўз тараққиёти давомида кўп машаққатларга, қийинчиликларга учради. Айниқса, уларнинг Аллоҳ жамолига мұяссар бўлиб, унга қўшилиб кетиш ҳақидаги таълимоти жуда катта куфр, осийлик, шаккоклик саналарди. Ҳаққа етишиш деган тушунча ҳам турлича талқин этиларди. Ана шундай мутасаввуфлардан бири Мансур Ҳаллож шариат қозилари, ислом дини арбоблари ва халифалик

томонидан қаттиқ таъқиб этилган. Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»да тасаввуф пири Мансур Ҳаллож аҳволини қўйидаги байтларда шарҳ этади:

*Айтмагил «анал ҳақ» деб, кофир бўлдинг  
Мансур деб,*

*Куръон ичра булдур деб, ўлдурдилар тош отиб.  
Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,  
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорға осиб.*

*Кулин кўкка совурди, этиб дарёға солди,  
Завқ дарёси мавж урди, оқди дарё қайношиб.  
Ўшал куни ул дарё қилди авғон вовайло,  
Ошиқларға, Худоё, қилғил дийдоринг насиб.*

Бундай фикрга келиш учун Аҳмад Яссавий узоқ ва машаққатли муридлик — шогирдлик йўллари ни босиб ўтди ва сўфий дарвешлар пирига айланди.

Маълумки, тасаввуф аҳли — сўфийларнинг эътиқодига кўра, оламни Худо яратган. Унгача вужуди мутлақдан буюк ҳеч нима бўлмаган. Шунинг учун борлиқни Ҳақнинг ҳусну жамолини акс эттирадиган ойна тимсолида билиш керак. Инсон Худонинг севгисига сазовор. Шуни у мукаммал фаҳмламоги даркор. Худонинг ишқи бамисоли май. Бу «май»нинг қадаҳи инсон қалби. Шу «қадаҳ»га ишқ майи қанча ортиқ қуйилса, одамдаги юксак маънавий-руҳий интилишлар ўшанча кучаяди. Навоий ғазалларидан бирида:

*Сен гумон қилғондин ўзга жоми май мавжуд эрур,  
Билмайин нафъ этма бу майхона аҳлин, зоҳидо»,* —  
деганда худди ўша «жоми май»ни гапирган. Вужуди мутлақ висолига восил бўлмоқ учун ислом таълимоти бўйича шариат, тариқат, маърифат сингари қатор босқичларни ўтиш жоиз. Маърифат манзилида инсон Худо моҳиятини тўла англаб илму ахлоқда комиллашади ва ориф деган

олий номга эга бўлади. Фано эса «банданинг Худо тарафига сайри»нинг ниҳояси. У ўзлигидан кечиб, Худо билан топишади. Шундан эътиборан ҳақиқий ҳаёт бошланадиу, фонийлик ранжу ма-шаққатлари тугаб, боқийлик саодати юз очади. Бу ҳолатни, кўпинча, ўзни йўқ этиш, янада анироғи, ўлимга нисбат беришади.

Алишер Навоий дейди:

*Дединг: «Фано недур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак!»  
Ки шарҳин тиласанг, юз рисола бўлғусидур.*

Демак, «ўлмак» фанонинг энг муҳтасар шакли. Аммо бўлак изоҳлари «юз рисола» бўлмоғи мумкин экан. Жалолиддин Румий шеъриятида фано тушунчасини «Фавқулодда жасорат билан талқин этилган»лигини айтиб, қуидаги холосага келади: «Фано концепциясини такаббурликка қарши хокисорлик йўсинасида характерлаш мумкин, бу эса, алал оқибатда, ҳар бир инсон шахсининг улуғланиши демак, инсон эса мураккаб камолот йўлини босиб ўтиб, Худога етишади:

*Аё сиз, жон чекиб, ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий — сиз, илоҳий — сиз!*

Бизнингча, фанога доир энг тўғри шарҳлардан биттаси мана шудир. Яссавий ҳам фанодан, асосан, «такаббурликка қарши хокисорлик» фалсафаси сифатида фойдаланган ва уни шу мазмунларда кўпроқ ёритган:

*Аҳли дунё ҳалқимизда саховат йўқ,  
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ,  
Дарвешларнинг дуосида ижобат йўқ,  
Турлук бало ҳалқ устига ёғди, дўстлар.*

Савол туғилади: ҳалқ кўнглидан саховат туйгулари нега бу даражада барҳам топган? Шундай бўлиши мумкинми? Нима учун подшоларда, вазирларда адолат йўқ? Нега дарвешларнинг «дуо-

си» ижобатсиз? Эл устиға ёғилган «турлук бало»-ларга подшоларнинг золимлигию, вазирларнинг диёнатсизлиги сабабми? Яссавий буларнинг ҳаммасини аввал келтирганимиздек ишқизликка тақайди.

Нодонлик — халқнинг кулфати. Нодонлик — ўзига хос ёвузлик. Нодон — ақл жаллоди. Мана шунинг учун Яссавий «Дуо қилинг нодонларни юзин кўрмай» дея ёлворган ва ўнлаб ҳикматларини нодонликдин шикоят мазмунларида яратган:

*Дуо қилинг нодонларни юзин кўрмай,  
Ҳақ таоло рафиқ бўлса бир дам турмай,  
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай,  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдим, мано.*

Яссавий бу қарорга бирдан келмаган, албатта. У «нодон билан улфат»да ҳам бўлиб кўрган. Лекин бундай «улфатчилик»дан бафри куйиб, жондан тўйган:

*Аё, дўстлар, нодон билан улфат бўлуб,  
Бағрим куйиб, жондан тўюб, ўлдим мано,  
Тўғри айтсан эгри йўлға бўйин тўлғар,  
Конлар ютиб ғам заҳрига тўйдум мано.*

Яссавий «зоти олим либосидан маҳрум», калтабин ва ҳутпараст кимсаларнигина нодон санамаган. Балки «олимман деб китоб» ўқиб, «маъно уқмаслар» фикрсизлик зулматидан руҳи сим-сиёҳ амалдорларни ҳам ашаддий нодонлар сафига кўшган.

Шоир ҳалол-ҳаромнинг фарқига бора олмайдиган нафспараст ҳалойиқ учун «малойиқдин» шарм қиласди. У «оқил эрсанг эранларга хизмат қилғил» деганида «Муҳаббат майдонида жавлон» қилиб, «ҳақиқатни дарёсидан гавҳар олғон» мард

кишиларни эътиборда тутади. Бироқ унинг ўзи шундай одамларни излай-излай, охири мана бундай ҳолатга тушади:

*Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,  
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.  
Фарид жоним юз тасаддуқ донолардин,  
Доно топмай ер остиға кирдим, мано.*

Аҳмад Яссавийнинг донолик тўғрисидаги тушунчаси — идеал тушунча. Шунинг учун доно одамлардан унинг талаби ниҳоятда катта бўлган.

Аҳмад Яссавийнинг фано фалсафасини хокисорлик билан баробар беозорлик, фақирликни севмак, муҳтоҗликтан ўзни қутқармоқ маъноларида ҳам мушоҳада этмоқ даркор. У фано орқали эркка интилиш, илоҳий ҳурлика муҳаббат мояйилларига алоҳида ургу бергандир. У Аллоҳ висолига талпинмоқни сужди. Туну кун унинг хаёлида ёнади. Тангри даргоҳига ёруғ юз билан боролмаслигидан такрор-такрор ўқинади. Лекин буларнинг заминида кундалик ташвиши, ўткинчи ҳаваслардан кўнглини озод этишдек кучли истак ётади. Бу истакни эса руҳ эрки учун жонбозлик фалсафаси деб аташ мумкин бўлади:

*Дунёпараст ножинслардин бўйин товла,  
Бўйин товлаб, дарё бўлиб тошдим, мано.*

«Дарё бўлиб тошмоқ» фанолик шарофати. Давлатсевар, молпараст нокасларга бўйин эгмасликнинг асосий шарти фаноликдир. Инсон умрининг қисқа ва ўткинчилиги азалдан аён. Аммо шуни яхши билса-да, ўзини дунёда ўткинчи ҳисоблайвермайди. Нега? Негаки ишқ ва тафаккурда у боқийликни топади. Аҳмад Яссавий шеърларини ўқиб, «нима учун унинг ориф юраги бу даражада бекарор, бу қадар озурда ва мискин?»— деган хаёлларга берилиш мумкин. Бунинг асл сабаби

шундаки, илоҳий муҳаббатга берилған юрак осо-  
йишталигини бутунлай унугади. Азоб ва дард ҳук-  
мига тобе бўлиб қолади. Аслида, бу — юракнинг  
шодлик маросими. Чунки у энди ҳеч қачон гаф-  
лат тутқуни бўлмайди. У ердан, кўқдан, инсон-  
дан моҳият қидиради. Бу маъноларда Яссавий учун  
фано абадиятга интилишдан бўлак нарса эмасди.

Яссавий кўпчилик ҳикматларида шеърий об-  
разга хос миқёслик, теранлик имкониятлари-  
дан самарали фойдаланган:

*Бешак билинг бу дунё барча ҳалқдин ўтаро,  
Инномагил молингга, бир кун қўлдан кетаро.  
Ота-она, қариндош қаён кетди — фикр қил,  
Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун санга етаро...*

Ушбу сатрлардаги моҳият дунёнинг ўткинчи-  
лиги ҳақида. Ёлғиз шу тўғридами?

Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад  
Яссавий тасвирида ҳам «дунё» шеърий образга  
айлантирилгандир. «Бешак билинг бу дунё барча  
ҳалқдин ўтаро»даги «дунё» биринчидан, Аҳмад  
Юғнакий айтган, одамлар бир қўниб яна кетади-  
ган «работ» маъносига эга. Иккинчидан, у инсон  
умрининг кўзгусидек гап. Унга фикран назар таш-  
лаб, умрнинг нақадар нозиклигини билса бўла-  
ди. Учинчидан, у тақдир тимсоли. Умрнинг елдек  
ўтиши тақдирданми ё дунёнинг ишими — билиш  
қийин. Шуниси аниқки, тақдирнинг аёвсизлиги  
олдида мол-дунёга ишонмоқ нодонлик ва ғофил-  
ликдир. Тўртинчидан, бу олам шундай бир «май-  
дон»ки унда ҳамма ҳам охир-оқибатда «тўрт оёқли  
чўбин от» устида жонсиз ястаниб кетмоққа маҳ-  
кумдир.

Одам туғилса нега ўлади? Ўлса нега туғилади?  
Шарқ мутафаккирлари ўлимни тирикликтининг  
тескари ва тоза томони деб айтишган. Нега шун-  
дай дейишган? Бу ҳақиқатни қандай қилиб анг-

лаш мумкин. Турмушнинг майда ташвишлари ўлим қархисида нимага арзийди? Инсон тирик мурдага ўхшаб яшамаслиги учун вақтни ўлдирмаслиги керак эмасми? Вақт қаҳридан қўрқмаслик қандай оқибатларга олиб келади? Улимни англаш, ҳаётни маърифат билан қадрлаш, одам фарзандини ғанимат билиш, манманлик ва жаҳолат «тулпорларга миниб ҳовлиқмаслик» деган мантиқларни ҳам ўз ичига олади. Алишер Навоий:

*«Эй кўнгул, келким бало базмида жоми ғам тутай,  
Ўз қатиғ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.  
Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро,  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзим бу дам тутай»,* —  
дер экан, буни у асло бадбинлик ва тушқунликдан айтмаган. Ўз ўлимига ўзи йиғлаётган кишининг нақадар ёш, ҳаётта муҳаббати нечоғлик чуқурлигини тасаввур этасизми. Қариликда бундай бўлмайди. Қариликда хоҳланг-хоҳламанг ўлимга кўникма бор. У нари борса, «дард ёмони қариликдир, ёронлар» дейди. Лекин оҳи дудидин бошига қаро чирмаб йиғламайди. Навоий ёшликтин севгани, ёшликка хос шиҷоат ва муҳаббат туғёнлари қалбини тарқ этишига кўника олмаганидан ўша мунгли сўзларни ёзган. Яссавийни эса йўлсизлик пайтида саодатга бел боғлай олмаслик ҳислари қийнаган:

*Аё дўстлар, ҳеч билмадим мен йўлимни,  
Саодатқа боғламадим мен белимни.  
Фийбат сўздин ҳеч йиғмадим мен тилимни,  
Нодонлигим мени расво қилди, дўстлар.*

Аҳмад Яссавий учун саодат ва ҳақиқат ашёвий нарсаларга эга бўлиш эмас. Булар ҳатто мақсад ҳам эмас. Унингча ҳақиқат юракда. Ҳақиқат — руҳ. Борлиқ, олам билан руҳан уйғунликка киришиш — олий саодат. Саодат — маърифат нурларидан

онг ва дилни тиниқлаштириш. Шоир ўз мавжуд-лигини руҳ ва руҳий ҳаётдаги ўзгаришлар, тўлғонишлар, юксалишлар орқали идрок қилмоқни хоҳлайди. Аҳмад Яссавий инсондаги ички бойликни ҳамиша муқаддас билган.

Сўфий Аллоҳёр ўзбек ва тожик тилларида битилган лирик шеърларида бир томондан, дунёвий муҳаббатни, ернинг чиройи ҳамда нозу истифносини турли туман бадиий бўёқларда тасвиirlаса, иккинчи томондан, мавжуд ижтимоий тузум иллатларини, одамлар орасида учрайдиган гина-адоватни танқид қилиб, уларни пок ва рост йўлга даъват этади: нафис бадиий воситалар, ташбеҳлар ишлатади. Мутлақо ўзига хос қиёслар яратади:

*Кўрк учун пушти зилоли лаъли мушкин хатту ҳол,  
Тутти сухбат Қадр ила Кавсар қирогинда ҳилол.  
Наргизи мастиңг хумори бозадон гулгунмудир,  
Ё бу дурким лолазор ичра тушан ваҳший гизол.*

Биринчи байтда ернинг лаъли зилоли соҳилда турган мушк таратувчи хат (қора тук) ва ҳол жаннатнинг кавсар ҳовузи лабида Ҳизр билан сухбатлаштаётган ойта ўхшатилса, кейинги мисраларида, бозадон гулгун бўлған ернинг хумор кўзлари лолазорга тушган ҳуркич ёввойи кишига ўхшатлади. Қуйидаги байтлардан ҳам шоирнинг чинакам ҳаёт гўзалини васф этганлигини, маъшуқанинг вафосию жафоси ошиқ учун бирдай тотли, фараҳбахш эканлигини ҳис этамиз. Шунга кўра шоир ўз ёрини турли хил ҳаётий деталларга ўхшатади:

*Сен бу нозиклик била ё ҳур, ё айёрсан,  
Ё пари, ё лаъл, ё гулшан баҳорисан.*

«Ўлмаз» радифли ғазалида шоир ёр мақсад йўлида риёзат чекмоқлиги, албатта, устоз пирга

эрғашмоқ, қўл бермоқ лозимлиги, бул йўлдаги ҳар қандай тўсиқ, монеъликни «жон чекиб, фусса ютиб, жигарни қон қилиб» мардонавор енгиб ўтмоқ зарурлигини уқтиради:

*Бошини даша уриб, дона элакдин ўтмай,  
Мушт емай, ична солсалар, нон ўлмаз.  
Эй йигит, маслаҳатинг билгали пир керак,  
Бекамон ўқ неча тузлик ила паррон ўлмаз.*

Умрининг асосий қисмини Ҳақ йўлига, ирфоний билимлар тарғибига, сўфийлик таълимотини кенг ҳалқ оммасига сингдиришга сафарбар этган Сўфий Аллоҳёр зулм— зўрлик, такаббур, судхўрлик, вафосизлик, лоқайдлик, таъмагирлик, танбаллигу беҳунарликни, мансаб-мартаба, молдунёни деб жанжалкашлиқ қилиш, дилозор, ноиттифоқ бўлишни қаттиқ қоралайди, замондошларига танбех беради, бир мутафаккир сифатида панд-насиҳат қиласиди: «Арзимас» радифли ғазали ана шундан шаҳодат беради:

*Дўстлар, бу дунёда молу мулк учун,  
Бир-бирингни оғритиб ношод қилмоқ арзимас.  
Мансабу дунё учун аҳли ҳукумат олдида,  
Қўл қовуштириб турибон дод қилмоқ арзимас.  
Олиғу солиғ билан муллою ҳожи барчани  
Юз жафою жабр ила офтода қилмоқ арзимас.  
Турку тожик, ўзбеку саҳройиларни мол учун  
Кечаю кундуз уриб, ношод қилмоқ арзимас.*

Демак, маълум муддат давлат хизматини адо этган шоир ўз замонасидаги феодал ўзаро низоларни, меҳнаткаш ҳалқ бошига кулфат тушираётганларни лирик шеърларида рўйирост танқид қилган. Ҳукмрон табақаларни инсондўст, адолатли бўлишга ундалган. Тожик тилидаги ғазалларида ҳам ҳикматомуз байтлар кўплаб учрайди. Сўфий

Аллоҳёр маснавийлари мавзу доираси жиҳатидан ҳам, ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ҳам ўзбек дидактик шеъриятида катта ҳодиса бўлди. Зероки, уларда шоир комиллик сари йўллайдиган барча шарт ҳамда қарзларни бирма-бир баён этади, исломий фарз ва суннатларнинг мөҳиятини тушунтиради, уларни бажариш йўл-йўриқларини шарҳлайди, кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу мажмуалар ўтмишда мактаб ва мадрасаларда асосий қўлланмалардан бири ҳисобланган. Жумладан, «Саботул ожизин», «Муродул орифин» китобларида, асосан, Муршид ва Муриднинг бурч ҳамда вазифалари, сўфийларнинг дунёқараши, қандай билимларни ўрганиши ҳақида мулоҳаза юритилса-да, шоир толиблик, таъма қилмаслик, аҳд, вафо, сидқ, муҳаббат, саховат, тўғрилик, хиёнатдан йироқ бўлмоқ, чин эрга эргашмоқ ва бошқа жуда кўп ҳаётий масалалар хусусида фикр юритади; имонда собитқадамлик, аҳдга вафо инсон камолотида муҳим босқичдир. Шоир фикрича, инсон умр бўйи илм ўрганмоғи, маърифат касб этмоғи лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хокисорликни унутмаслик даркор.

*Муяссар бўлса тиллодин сенга таҳт,  
Ўзингдан настга зинҳор айтмагил саҳт.*

«Саботул ожизин»нинг «камтарлик ҳақида мавъиза» фаслида қуйидагиларни ўқиймиз:

*Такаббур қилмагил бомаоний  
Фулоний ўғлидурман деб фулоний.  
Ишонма онаға, қилма талабдин,  
Сўралмасдир қиёматда насабдин.*

Бошқа бир ўринда шоир кибру ҳаводан воз кечиб, ҳамжиҳатлигу биродарликка, дўстлигу рафо-

қатга, бир-бирига наф етказиб яшашга даъват этади, бир-биридан баҳраманд бўлишга ундаиди:

*Олур сұхбатда бир-биридин киши баҳр,  
Агар кўп чашма бир бўлса, бўлур наҳр,  
Жамоатдин ўзингни қилма мумтоз,  
Чопар кўп тўпдин айрилғон қўша боз.  
Югурсанг якка дев бошингни янчар,  
Қароқчи тўпдин айрилғонни санчар.  
Худонинг раҳмати бўлса жамоат,  
Эрур раҳматдин айрилғон маноат.*

Инсон ақли етадиган ишни қилиши, қўлдан келадиган юмушни бажармоғи лозим. Айни пайтда аҳдига содик, ваъдасига вафодор бўлиши зарур. Бажара олмайдиган ишга қўл уриб, ваъда бериб, аҳдида турмаслик инсонни бу дунёю у дунё бадном қиласи:

*Хилоф этган забунлардан забундир,  
Бу дунёю у дунёси нечундир.  
Хилоф этсанг агар айтғон сўзингдин,  
Кўтар эркаклик отини ўзингдин.  
Чиқормагул оғиздан қилмас ишни,  
Қилурман, дема қўлдан келмас ишни.  
Керак эрман дегоннинг ваъдаси туз,  
Агар туз бўлмаса, олдин кўнгил уз.*

Сўфий Аллоҳёр кишиларни билим эгаллаш, касб-хунар ўрганишга даъват этар экан, ҳалол меҳнат билан, пешона терисини тўкиб ризқу рўзи топиб ейиш, пок ва покдомон яшашга даъват этади: бирорвонинг миннати жабрини тортмасликка, сабр-қаноатли бўлишга ундаиди, таъмагирликни қоралайди:

*Худойим ҳар на берса қил қаноат,  
Юракка қилма миннатдин жароҳат.  
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,  
Кишининг миннатидан ўлур осон.*

*Таъма нонига лаб очгунча ўл оч,  
Таъма бўйи кўринмай бўйдин қоч.*

Хуллас, Сўфий Аллоҳёр асарларида ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, одамохун бўлиш, ёшлиқдан илм-маърифат эгаллаш, садоқатли, қаноатли бўлиш ўз аксини топган.

Жалолиддин Румийдан бизга қадар шеърлар девони, «Макотиб», «Фиҳ мо фиҳ» ҳамда «Маснавий маънавий» китоблари мерос бўлиб қолган. «Фиҳ мо фиҳ» насрый асар бўлиб, олимнинг турли мажлис ва суҳбатлардаги фалсафий нутқларининг мажмуасидир. «Макотиб» эса муаллифнинг замондошлари ва устозлари билан бўлган турли ёзишмалари — мактубларидан иборат. Ҳар икки китобда ҳам муаллифнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимиy мушоҳадалари, сўфиёна қарашлари ўз аксини топган. Шоир девони йигирма беш минг байтдан зиёд шеърларни ўз ичига олган. Жалолиддин Румий мажозий севги билан илоҳий ишқни шу қадар юқори пардада жўшу хуруш билан тасвирлайдики, профессор Р. Ходизода таъкидлаганларидек, «Ўқувчи ғазалларнинг сўфиёна маъносини батамом унутиб, уларни лирик шеъриятнинг тенгсиз намуналари сифатида қабул қилади. Шоирнинг аксарият шеърларида айрилиқ дарди ҳам, ошиқнинг ёрига илтижосию, ҳусну камоли ҳам ажиб бир жозибада инъикос этади:

*Аз руҳи лаб гулшакар бисёр дорад ҳусун ту,  
Кошки, бифурухту, то порае бихаридаме.*

(Сенинг ҳуснинг — юзингу лабларинг гулшакар манбаидир, кошки сотсанг эди бир оз харид қилган бўлар эдим.) Шунинг учун ҳам ўтмишда яратилган қўп қиссаларда гоҳ ошиқ тилидан, баъзан маъшуқа нутқидан Румий ғазаллари кўплаб келтирилади.

Шоир рубоийлари ҳам мавзу жиҳатидан ранг-баранг, гоявий йўналиши, бадиий қудрати нуқтаи назаридан фоятда мумтоз ва жозибалидир.

Уларда ишқ-муҳаббат, ахлоқ-одоб, ижтимоий-фалсафий масалалар ўзининг теран ифодасини топган:

*Дури зи борадари мунофиқ бехатар,  
Парҳез зи ёри номувофи бехатар.  
Ҳоки қадами ёри мувофиқ ҳаққо  
Аз хуни бародари мунофи бехатар.*

(Мунофиқ биродардан йироқ юрган яхши, но-мунофиқ ёрдан кўнгил узмоқ яхши. Ҳудо ҳаққи, содиқ ёрнинг ҳоки пойи мунофиқ биродар қонидан яхши.)

*Ҳоҳи ки ҳамиша шоду хуррам боши,  
Ҳаржо ки рави, азизу маҳрам боши.  
Покиза шаву рост бизи, илм омуз,  
Тожи наберагони Одам боши.*

(Ҳамиша шоду хуррам яшаб, қаерга борсанг азизу мукаррам бўлишни истасант, покиза бўл, тўғри яшаб, илм ўрган. Ўшанда Одам Ато набираларининг тожига айланасан.)

Буюк мутафаккирга оламшумул шуҳрат келтирган асар «Маснавий маънавий» китобидир. Зероки, бу маснавийнинг ўзига хос яратилиш тарихи бўлгани каби унда ифодаланган масалалар қамрови ҳам ҳудудсиздир. Етти жилд (дафтар) дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзив олиб, кейин таҳриридан ўтказган. Чалабий вафтидан сўнг Румий асар давомини ўн йилда ёзив тутатади. Китоб ўз вақтида ҳам, кейинчалик ҳам муаллиф номининг дунёга кенг тарқалишига сабаб бўлади. Чунки, биринчидан, Жалолиддин Румий маснавийда Шарқу Фарб олимларининг,

ҳатто антик дунё файласуфларининг фалсафий қарашларини кенг ўқувчилар оммасига тушунарли ва содда бир услубда шеърий йўл билан търифлаб беради, шарҳлайди; турли сўфиийлик оқимлари ҳамда уларнинг таълимот ва талаблари билан боғлиқ назария атамаларини лўнда тарзда тушунтиради. Иккинчидан, ўзининг ижтимоий-фалсафий, диний қарашлари тасвири жараёнида жуда кўп ҳикоят, афсона, масал ва латифалардан фойдаланади. Саноий ва Аттор каби сўфиий шоирлардан фарқли ўлароқ Румий ҳикоятлари ҳаёт ҳақиқатига жуда яқин.



## *So‘fiylikda she’riyatning mohiyati\**

Insoniyat yaralibdiki, o‘zligini taniganidan buyon turli xil qavmlarga bo‘linib, turlicha diniy olamlarga ajralib, ma’lum darajalarda uyg‘unlashdi va shakllandı. Har bir oqimning maqsadga muvofiqligi ularning yagona Allohga intilishlaridir. Shunisi e’tiborga sazovorki, asrlar osha rivojlanib kelgan musulmon olamida keyinchalik tariqat va haqiqat mazmun mohiyati bilan shariat dunyosidan ajralib chiqdi. Ammo shariatni bilmay turib tariqat haqida gapirmoq va tariqat ilm-u ifonini egallamay haqiqat ostonasiga qadam qo‘ymoq nojoizdir. Muhammad alayhissalom «Shariat — so‘zim, Tariqat — amallarim, Haqiqat esa holimdir» demishlar. Oriflar sultoni Ahmad Yassaviy, «Shariat — hurmat, Tariqat — xizmat, Haqiqat himmatdir» deydilar. Shariat yo‘lidan munosib o‘tgan, tariqat va haqiqat bosqichida Allohga Zikr qilganlar so‘fiylar atalib, Haqning yo‘lida bu dunyoning zavq-u shavqidan kechib, Haqning vasli uchun qalban unga intilganlar. Albatta, Haq yo‘lida yongan so‘fiylarni shariat ahkomlari ijobiq qabul qilolmaganlar. Shariatdagilar Allohga sig‘inib, Haqning oldida o‘zlarini qul hisoblasalar, tariqat ilmini egallaganlar Haqqa qo‘shilish, u bilan do‘sit bo‘lmoq amaliyotini ilgari suradilar. Bu borada Mansur Hallojning ayanchli taqdirini eslash kifoyadir. Xususan, Boborahim Mashrab ham shariat ahkomining qahr-g‘azabiga uchraganligi ma’lum. Alisher Navoiy ham o‘z davrining so‘fiy ulamolaridan bo‘lgan. U Haqqa bo‘lgan ishqisi,

---

\* Ushbu esse-maqola shogirdimiz Sh. Ahrorov bilan hamkorlikda yozildi.

Alloh vasliga naqadar tashnaligini o‘z she’riyati orqali ifoda etgan. Biroq o‘sha davrlarning shariat ahli so‘fiylarning qarashlarini qattiq qoralaganlar. Kezi kelganda qatl qilishdan ham toymaganlar. Ammo so‘fiy darajasiga yetuvchi, Alloh quvvati bilan unga erishuvchi shaxs har necha yuz yilda tug‘iladigan bir hodisadir. Bu shaxslar Alloh yo‘lida nafaqat bu dunyoning lazzatlaridan, balki o‘z jonlaridan ham kechadilar. O‘sha davrda, masalan, Alisher Navoiy «Qush tili»da yozgan she’rlarida, asosan, Alloho ulug‘laydi. Uning vaslida yonadi, unga intiladi. Shariatning kuchli ta’sirida aksariyat so‘fiylar Allohga bo‘lgan intilishlarini turli niqoblar ostida yozishga majbur bo‘lganlar. So‘fiy she’riyati shunchaki she’riyat emas. So‘fiy she’riyatining mohiyati Allohdha.

Oriflar sultoni Ahmad Yassaviy turkiy tasavvuf she’riyatining atoqli vakili sifatida olamga mashhurdir. Har zamonning o‘z muammoси bo‘lganidek, Yassaviy xalq boshiga ko‘p qiyinchilik va musibatlar yog‘dirilgan davrda ijod qildi. U «Devoni hikmat» asari bilan jahonning bir necha mamlakatlarida ma’lum va mashhur bo‘lgan. Boborahim Mashrab g‘azallaridan birida «Ruhi jonim ashg‘a yetdi men o‘zim osmoniman» degan edi. Shu ma’noda Yassaviy Mashrabga o‘xhash shoirlarning rahnamolaridan, yuksak ruh donishmandi, uning ruhiy olami murakkab va ziddiyatli bo‘lib, bular ijodiyotida butun teranligi bilan aks etgandir. Yassaviy turk hukmdorlari — Qoraxoniyalar bilan Qorxitoylar o‘rtasidagi urushlar va ularning dahshatli oqibatlarini ko‘rgan, she’rlarida bu fojalarga munosabatini bildirgan. «Nokas, xasis, bediyonat» zolimlar hokim bo‘lgan jamiyatdagi shafqatsizlik va ma’naviy aynishlar bahsida Yassaviy hikmatlaridan birida bunday degan:

*Na onoda rahm qoldi, na otoda,  
Og'o, ini bir-biriga majoroda.  
Musulmonlar da 'vo qilur, ichar boda,  
Mastlig' bilan qarindoshdin tondi, ko'rung.*

Ahmad Yassaviyning dunyoqarashi uning «Hikmat» asarida bayon qilingan. Bu asar turkiy adabiyotning noyob yodgorliklaridan biri bo'lib, muallifning islam dini, kalom falsafasi va tasavvuf bilan emas, balki o'sha davr ijtimoiy tartiblari, dehqonlar, hunarmandlar va chorvadorlarning hayotini juda yaxshi bilganidan dalolat beradi. U Xudo ishqni, ya'ni ishqni ilohiyini tan oladi. Navoiy «Mahbub-ul-qulub»da ishqni uch qismga ajratib, uchinchisini «Haqgo'ylar ishqni bo'lib, ular Haqning jamolini ochiq ko'rish umidi bilan yashaydilar va shuning uchun matlubdirlar» deydi.

Yassaviy:

*«Ishq yo'lida kecha-kunduz yig'lag'onlar,  
Jondan kechib belin mahkam bog'lag'onlar.  
Xizmat qilib Haq sirini anglag'onlar  
Tun uyquni harom qilib, nolon bo'lur», —*

kabi e'tiroflarida Allojni tanish va uning ishqini idrok qilish ehtiroslarida o'rtangan oshiqlarni nazarda tutgan. U shu oshiqlarga «ishq sirini bayon» qiladi. Bu sirning mushohadasiga berilgan oshiq, avvalo, «Haqiqatning ma'nosiga yetgan kishi». U «kecha-kunduz ishq» istaydi. «Bir soat ham Haq yodidan g'ofillik yo'q unda. U iyomonda sobit. Uningcha «tan so'zlamas, jon so'zlamas, iymon so'zlar». Yassaviyni iymoni so'zlatgan. Iymon tili bilan muhabbatni ulug'lagan.

Rus yozuvchisi L. N. Tolstoy kundaliklarida «hamma ishimni yolg'izlikda Xudo bilan hal qilishim shart» deb yozgan ekan. Mistik shoirlarda, jumladan, Ahmad Yassaviyda ham mana shunday «yolg'izlanish» qariyb

doimiy holat va fikriy birlik jarayoni bo'lgan. Yassaviy mistikasining yorug'lik manbayi — ruh yolg'izligida, u Xudoga juda yaqin. Shu bois u «Jondin kechib, moldin kechib g'arib bo'lsam, biyobondan yolg'iz kezib, nola qilsam», degan orzularni bayon qilgan. Yassaviy inson hayotidagi katta kurash — nafsni taslim etishga xizmat qiladigan kurash deb hisoblagan. Nafsga mag'lub shoh — qul, nafsdan ustunlikka erishgan g'arib — shohdir. Mana, Yassaviy dunyoqarashidagi tayanch nuqtalardan bittasi. Ibn Sino ruboilaridan birida:

*«Dunyo mansab dema, uchma ishvaga  
Do'stlardan ajrab ham yov boshiga yet»* —

deydi. Bunda shoir nazarda tutgan yov — nafs. Alloma har nimadan, hattoki do'stlikdan ajrab bo'lsa ham, shu g'animning boshini yanchishga undagan. Navoiy aytmoqchi nafsga tobe' bo'lib, dushmanni band etmoq mardlik sanalmaydi. Uni yengish chinakam shijoatdir:

*Bo'lib nafsingga tobi', band etarsan tushsa  
dushmanni,  
Sanga yo'q nafsdek dushman, qila olsang ani qil  
band.*

Ahmad Yassaviy hikmatlarining katta bir qismi aynan shu masala talqinlariga bag'ishlangan. Shoir nafs bandalariga qarata «Nafsni tepgil, nafsni tepgil, ey badkirdikor», deb murojaat etadi va:

*Nafsim mani yo'ldan urib xor ayladi,  
Termultirib xaloyiqqa mani zor ayladi», —*

deya nafs uchun «itdek kezib» yurganlarini ham sir saqlamaydi. Xullas, Yassaviyning xulosalari shuki, nafs ichki, lekin juda katta dushman. Yassaviyda «Alloh dardi sotqu ermas, sotib olsang» degan misra bor. U «Alloh dardini ishq o'tlarida dilni yoqmoq, poklanish

iztiroblari, tana, yolg'on, makr, mansab va boylik hislariga qul bo'lmaslik» deb tushungan.

*Ko 'zim namlik, dilim g'amlik, man alamlik,  
Nechuk iloj aylarimni bilmam, do'stlar.  
Bu hasratda, nadomatda yoshim oqib,  
Qayu taraf ketarimni bilmam, do'stlar.*

Shoir bunday imkonsizlik holatlarini nihoyatda qadrlaydi. Chunki u hasrat va nadomatda naqadar ortiq o'rtansa, hayratga botsa «ishq sirini» shuncha teranroq his etadi. Uning uchun «ishq siri» mana bunday mohiyatni qamrab olgan: Inson haqiqat qarshisida oyoqqa tura bilishi, Alloh oldida yuzni yorug' qilgandek, har bir kishi o'zligi qarshisida ham qomatini bukmasligi kerak. Ammo bu yengil vazifa emas, balki shuning uchun Yassaviy taqdirining qorong'u va tumanli osmonlariga g'amgin nigoh solgandir. Uning «dono topmay, yer ostiga kirdim, mano» deyishi, har qalay asossiz bo'lмаган. Yunus Emro:

*«Meni menda dema, menda emasman,  
Bir men bordir menda — mening ichimda»,—*

deydi.

Bunday qarash ham Yassaviy uchun ham xos edi. U ana shu «Men»ning haqiqatlariiga ishonadi. Uningcha bu «Men»da bitta buyuk mafkura bor. U — ishq. Shu ishq uning qalbida butun dunyo va koinot sirlarini markazlashtirishga qodir. Demak, u kamolot ishqisi, u insonni Xudo darajasiga yetkazadi. Bu «Men»ning fikr-u xulosalari taxminan quyidagicha:

*Olloh dedim, shayton mendan yiroq qochdi,  
Hoyi-havas moumanlik turmay ko'chdi.*

Ushbu mantiq IX asrda yashab o'tgan so'fiy Boyazid Bistomiy aytgan «Ilon po'st tashlaganday, men o'zimdan kechdim...» fikrlariga uyg'un keladi. Xo'sh, ilon nega po'st tashlaydi? U shunday qilmasa, o'larkan.

Mistik tafakkur ham o'zlikdan kechishni o'lishmas, yangicha tiriklik, haqiqat, hayot yuksaliklariga ko'tarilish deb baholaydi.

Ahmad Yassaviy hikmatlari uchun ko'povozlik ham xos hususiyatlardandir. Uning hikmatlarida orifning ovozi hokim. Ulardan shayxning ovozi eshitiladi. Ba'zan bir hikmatda ham oshiq, ham darvesh, ham donishmandning ovozi yangraydi. Lekin bularning orasida izchilligi va faolligi bilan ikki ovoz alohida ajralib turadi. Ulardan biri — gunoh «falsafasini» tasdiqlaydi. Bu — gunohkorligini teran tushungan kishining ovozi. U — shafqatsiz. Bu ovoz xotiraga bamisolitig' bo'lib sanchiladi, yurak oromini butunlay buzadi.

*Sochi sqol xo 'p ogardi, ko 'nglim qaro,  
Ro 'zi mahshar rahm etmasang holim taboh.  
Senga ayon amalsizman, ko 'pdir gunoh,  
Jumla malak yozuqlarim bildi, do 'stlar.*

Bu ovoz sohibining nazari o'tkir. U o'z gunohlariga mardona nazar tashlaydi. Va bundan toqatsizlanadi. «Toqatim yo'q, agar boqsam gunohimga». Gunohni anglash gunoh qilmaslik chorasi. Gunohkorlik tuyg'usiga tobe'lik — poklanish istagiga erk berish. «Gunoh dardi kasal qildi bemor bo'ldum» degan kishi «bemorlik»da iymon sog'ligini ko'zlagan shaxsdir. Unda tan berishmas, tan berdirish qobiliyati ham bor. Uning «Ne qilg'aysan gunohlarin tog'din og'ir», degan so'roq so'zlarini shunchaki eshitish mumkin emas. Endi ikkinchi ovoz haqida. U boshqa bir yuksak mohiyatni ochadigan ilohiy ovoz. Inson hayoti nechog'lik o'tkinchi, kulfat va mashaqqatlarga to'la bo'lmasin u komillikka intilishi shart. Kamolot yo'liga tushgan insonni Vijdon ruhiy og'riqlarga giriftor qilib, alamga yuzma-yuz qilib qo'yadi, yurakni gunoh va qo'rquv, shubha va ishonch oralab o'tib ketadi. Uyg'oq vijdon eng oxirgi chegaralargacha odamni yolg'izlan-

tiradi. Shundan boshlab o'lim chekinadi. Abadiyatga chinakam ishonch shundan boshlanadi. Shu yo'ini topgan odamgina Xudo tomonga talpinadi. Talpingan sayin esa o'ziga nisbatan murosasizligi ortadi. Ahmad Yassaviy ana shunday. Buni u «haqiqat daryosidin» kechish deb ham xarakterlagan:

*«Haqiqatni daryosidin kechg'on kishi,  
O'zi munslug', ko 'ngil sinuq, ko 'zda yoshi.  
Xorliq, zorliq, mashaqqatdур doim ishi,  
Diydorini talab qilib topar, do 'stlar».*

Yassaviy «Haq taolo bo'yin olg'on munda turmas», «Oshiq bo'lsang ishq yo'lida fano bo'lg'il, diydor izlab, hasratida ado bo'lg'il» singari satrlarida o'lim uchun «o'lgan» kishilarning ilohiy-falsafiy qarashlarini ifodalagan bo'lib, o'lmaslikning sirini o'zlaricha kashf etgan zotlar shulardir.

Mehr bir daraxt bo'lsa, saxovat uning mevasi. Amaldorlarning adolatsizliklari shu «daraxt»ning hayotiga, albatta, ziyon yetkazadi. Bu esa, o'z navbatida, odamlar orasida hummatsizlik, oqibatsizlik, shafqatsizlik hissiyotlarini kuchaytiradi. Bu kabi illatlarning yuzaga kelishini Yassaviy oxir-oqibatda bitta narsaga taqaydi. Buning nomi ishqszilik. Yoki yolg'on oshiqlikning tomir yozishidir. Ahmad Yassaviy qator hikmatlarida ayni shu fojianing fikriy talqinlarini beradi. Shuning uchun u «Ishq yo'lida jon berganni armoni yo'q», degan tushunchalarni e'tiqod shiori qilib, ma'naviy-ruhiy tozalanish ranj-u jafolarini bo'yinga olmoq shart. Bu haqda Yassaviy shunday o'git beradi:

*Jafo chekmay oshiq bo'lmas, tingla, g'ofil,  
Jafo chekib sobir bo'lg'on bo'lmas johil.*

Demak, jafo chekib oshiqlikka yetishish, birinchidan, g'ofillikni haydaydi. Ikkinchidan, johillikka yo'l qo'ymaydi. G'aflatdan qochish — faol tasavvurlarga

keng yo‘l ochadi. Bu orqali ilohiy bo‘lsa-da, mohiyat axtariladi. Mohiyat izlayotgan shaxs, tabiiyki, atrof-muhitda sodir etilayotgan voqeа-hodisalarga befarq qarolmaydi:

*Xudavando meni solg‘il o‘z yo‘linggo,  
Nafs ilgida xarob, ado bo‘ldim mano.  
Fisq-u fujur to‘lib-toshib, haddin oshti,  
G‘arqob bo‘lib isyon ichra qoldim mano.*

Yassaviy «Xudo yo‘lini — nafs ilgi»dan qutulmoq, atrofda to‘lib-toshgan fisq-u fujurlarga barham bermoqning yo‘lini izlaydi. Agar diqqat bilan mushohada yuritsa, Yassaviyning diniy-axloqiy falsafasida dunyodan yuz burilmaydi. Yomonlik, nodonlik, jaholat, molparastlik illatlariga rivoj bergen tuban dunyoni yurakdan quvishga da‘vat etadi. Yassaviy o‘zi bilan o‘zi beomon kurashadiganlar ijodkori sifatida juda e’tiborli. U odamga o‘zini o‘zi kechirmaslik sirlarini o‘rgatadi. Shoir o‘z qalbining eng chuqur joylariga nazar tashlashni targ‘ib etadi. Shuning uchun ham uning axloqiy e’tirozida shaxsning ma’naviy ilohiy kamolotiga to‘siq bo‘ladigan insondagi salbiy xususiyatlar tahlili tobe‘ ravishda izchillanib borgandir. Ahmad Yassaviydagи samimiyat — oshkoraliкda. Ba’zan undagi oshkoraliк talablariga chidash mushkul. Yassaviy hikmatlarida ma’rifatli ruhni suyaydigan dard va faryod borki, ular insonning hissiyot fojialarini erta anglashga xizmat qiladi. Yassaviy hikmatlaridagi markaziy obraz — Alloh. Yassaviyning dunyoga nazari, bizning davr kishilarini mzga nisbatan boshqacha shakllangan. Shoirning ishq, haqiqat,adolat, qanoat, diyonat singari masalalarga yondoshishi o‘zgacha yo‘nalishlarda kechganligi ham shubhasiz. U o‘z davri farzandi sifatida islom dini ko‘rsatmalari va islomiy aqidalarga tayangan. Buni uning o‘zi ham e’tirof etgan. Shoir hikmatlaridan birida shunday deydi:

*Hushlamaydir olimlar bizni oyg'on turkini,  
Oriflardin eshitsang, ochar ko'ngil mulkini.  
Oyat, hadis ma'nosi turkiy bo'lsa muvofiq,  
Ma'nosiga yetganlar, yerga qo'yar bo'rkini.*

Yassaviy, albatta, «oyat, hadis» mazmunlarini arab-chadan shundoqqina o'zlashtira qolmagan. G'oyaviy, axloqiy, falsafiy maqsadlar yuzasidan o'rni-o'mi bilan ularga murojaat etgan va ulardan foydalangan. Din hokim jamiyat va davrlar uchun bu tabiiy hodisa deb qaralishi kerak. Bundan tashqari, arab tili — hukmron va nufuzli til deb hisoblangan davrlarda milliy tilda ijod qilishning o'zi ham mardona intilish edi.

Ahmad Yassaviy ijodiyotining mag'zini isyonkorona mistik mazmunlar tashkil qiladi. U behudaga «G'arqob bo'lib isyon ichra qoldim mano», demagan. Uning isyoni — Inson botinidagi isyon. Bertran Rassel «Mistsitsizm va mantiq» maqolasida yozishicha, dunyoni mistik tarzda idrok etishda donishmandlikning shunday bir unsuri mavjudki, unga boshqa vosita bilan erishib bo'lmaydi. Mana shu «donishmandlik unsuri», «Xudo oliy haqiqat, unda hamma-hammasi mukammal, musaffo va go'zal. Uningadolati parchalanmas. Qarashlari ziddiyatsiz» deganday mantiqlarni aks ettirgan. Mistik shoirlarning g'oyaviy yo'llarini, shartli ravishda, vujudi mutlaq bilan «suhbat» yo'li deb atash mumkin. Chunki ularning diqqat-e'tiborlari muqaddas ruhga qaratilgan. Ular faqat Xudo ishqini tan oladilar. Unday muhabbat odamdan favqulodda ko'ngli poklik va nafs ehtiyojlaridan ozod bo'lishni talab etadi. Mistik oshiqning bitta ibratli xususiyati — o'z-o'ziga murosasizligi. Uningcha «Zohir so'fiy, botin ichra ermas sodiq». Shoир muhabbatsiz xaloyiqdin qochib, oriflar suhabatiga yuz burishga chaqiradi. Yassaviy ta'riflarida orif qullar — «jondin kechib» haqni jong'a

qo'shib, «daryo bo'lib» toshganlar. Shuning uchun ham ularning ko'ngli yorug', nazari ochiq:

*Har kim haqni quli bo'lsa haqqa yoqsun,  
Haqqa yonmas o'zni degan nari borsun»,* —

deydi ular. Va oriflik uchun dard-u alamkashlik, bedorlik zarurat, aysh-u ishratlardan kechish shart qilib qo'yiladi:

*Orif oshiq bo'lay desang alam tortg'il,  
Haq vasliga yetay desang tunlar qotg'il.  
Bu dunyoni ishratini tashlab otg'il,  
Tashlab otsang moumonlik ketar, do'stlar.*

Ahmad Yassaviy yana bir o'rinda «Haqiqatni ma'nosig'a yetgan kishi, behud bo'lib kuyub yonar ichi toshi», deydi. Mutafakkir shoir haqiqat ma'nosiga yetib, shu tufayli «ichi toshi» yonib yolqinlangan odamlar diydorini qo'msaydi.

Ko'ngil mulkining sultonini, ahli dillarning rahnamolardidan biri Alisher Navoiy «Hayrat-ul abror» dostonida dil alamining hayratomuz manzaralarini chizadi. «Azol subhida — tongida Sun' (san'at, qudrat, bунyodkorlik) dehqoni (ya'ni Haq taolo) odamning haqi tuprog'ini nafosat gulshaniga aylantirdi. Bu guliston sari, sunbul-u sarvigul-u rayhon sari, nasimlar sari, shabbodalar esdi, bu rayhon xush bo'ylari kashf etilib, ruh tan gulshaniga kirdi. Tangrining bundan maqsadi gul emas «ko'ngul edi». Navoiy aytadi:

*Eyki ko'ngil vasfin bayon aylading,  
Sen bu ko'ngulni ne gumon aylading?*

«Ey, inson, — deb uqtiradi shoir, — Ko'ngil gulshanida gul g'unchasi ochilar ekan, u asli ko'ngil g'unchasisidir, yo'q, bu ko'ngil g'unchasi deb o'ylaganing ko'ngil qonidir. Olamda joni borki, hammasining ko'nglida bu g'unchasisifat qoni bor. Hatto Dajjol ham,

nobiy ham dil g‘unchasini topadi. Biri (devsifat Odam) g‘unchani payhon qiladi, biri (dil ahli) uni parvarish etib, guliston etadi. Hatto xoja, eshon ham qanday ko‘ngil bilan o‘zini ahli dil deya oladi? Faqat o‘z manfaatini (mol, dunyoni) o‘ylaydigan ko‘ngling bo‘lsa, undan voz kechganining yaxshi. Inson ko‘ksida urib turgan yurak (muhim bo‘lsa ham), u ko‘ngul emas (chunki yurak to‘xtab, nobud bo‘lganida ham ko‘ngul yanada erkin parvoz etaveradi)».

Navoiy aytganidek:

*Ko‘ngul erur bulbuli bo‘stoni roz,  
Quds harimida bo‘lib jilva soz.*

Ya’ni ko‘ngil sirlar bo‘stonining bulbulidir, u muqaddaslik, ilohiyot olamining jilvasozidur.

*Solik oni Arshi muallo, dedi,  
Sufiy ani Olami kubro, dedi.*

Nazokat, pokizalikda bu a’zam, buyuk jahon barcha jahon olimlari, ahli ko‘zidan nihon, yashirindur. Hatto olamning qiblesi bo‘lgan Ka’ba qadrda ko‘ngil ka’basichalik emasdur. Unisi xaloyiqning sajdagohi bo‘lsa, bunisi uning jilvagohidir. Navoiy yana bir baytida ta’kidlaganidek:

*Kimki bir ko‘ngil buzuqning xotirin shod aylagay,  
Oncha bilki, Ka’ba vayron bo‘sa obod aylagay.*

Xullasi kalom, inson dili ilohiy sirlarning gulshani bo‘lib, uni pokiza saqlash, aziz va muqaddas bilish har kimning insoniylik shartidir.

Islom dinida so‘fiylik oqimi, darveshlar payg‘ambar zamonasidayoq vujudga kelgan. So‘fiylar shariat qoidalarini o‘rganib, bu bilan cheklanmay yana ma’rifat va haqiqatga, haqqa yetishga intiladilar. So‘fiylar tariyatida zuhd va taqvoga katta e’tibor beriladi. Zuhd va taqvo — ko‘ngilni foniy dunyo gunohlaridan, g‘araz

ta'malardan tozalash. Xudo buyurganiga amal qilib, Alloh man etgan ishlardan saqlanish demakdir. So'fiylar fikricha, ilohiy ishq har qanday g'arazli manfaatlardan holi bo'lishi zarur. Tasavvuf ta'limotiga ko'ra, borliq-dagi hamma xilqatlarda, xususan, odamzodda ham ilohiy zarralar bor. So'fiyning maqsadi — ko'nglidagi ilohiy zarralarni, uzoq va mashaqqatli poklanish yo'lidan borib, yana Allohg'a qaytarishdan iborat.

Ammo so'fiylik oqimlari yaxlit bir butun va bir xil emas, balki turlichadir. Bu oqimlar ziddiyatli fikrlar rang-barangligi tufayli o'z taraqqiyoti davomida ko'p mashaqqatlarga, qiyinchiliklarga uchradi. Ayniqsa, ularning Alloh jamoliga tuyassar bo'lib, unga qo'shilib ketish haqidagi ta'limoti juda katta kufr, osiylik, shakkoklik sanalardi. Haqqa yetishish degan tushuncha ham turlicha talqin etilardi. Ana shunday mutasavvuflardan biri Mansur Halloj shariat qozilar, islam dini arboblari va xalifalik tomonidan qattiq ta'qib etilgan. Ahmad Yassaviy «Devoni hikmat»da tasavvuf piri Mansur Halloj ahvolini quyiladi baytlarda sharh etadi:

*Aytmagil «anal haq» deb, kofir bo'lding Mansur deb,  
Qur'on ichra buldur deb, o'ldurdilar tosh otib.  
Rivoyatlar bitildi, holin ani bilmadi,  
Mansurdek avliyonи qo'ydilar dorg'a osib.*

*Kulin ko'kka Sovurdi, etib daryog'a soldi,  
Zavq daryosi mavj urdi, oqdi daryo qaynoshib.  
O'shal kuni ul daryo qildi avg'on vovaylo,  
Oshiqlarg'a, Xudoyo, qilg'il diydoring nasib.*

Bunday fikrga kelish uchun Ahmad Yassaviy uzoq va mashaqqatli muridlik — shogirdlik yo'llarini bosib o'tdi va so'fiy darveshlar piriga aylandi.

Ma'lumki, tasavvuf ahli — so'fiylarning e'tiqodiga ko'ra, olamni Xudo yaratgan. Ungacha vujudi mutlaqdan buyuk hech nima bo'limgan. Shuning uchun borliqni Haqning husn-u jamolini aks ettiradigan oyna

timsolida bilish kerak. Inson Xudoning sevgisiga sazovor. Shuni u mukammal fahmlamog'i darkor. Xudoning ishqibamisoli may. Bu «may»ning qadahi inson qalbi. Shu «qadah»ga ishq mayi qancha ortiq quyilsa, odamdagiyuksak ma'naviy-ruhiy intilishlar o'shancha kuchayadi. Navoiy g'azallaridan birida:

*Sen gumon qilg'ondin o'zga jomi may mavjud erur,  
Bilmayin naf' etma bu mayxona ahlin, zoxido», —*

deganda xuddi o'sha «jomi may»ni gapirgan. Vujudi mutlaq visoliga vosil bo'lmoq uchun islom ta'limoti bo'yicha shariat, tariqat, ma'rifat singari qator bosqichlarni o'tish joiz. Ma'rifat manzilida inson Xudo mohiyatini to'la anglab ilm-u axloqda komillashadi va orif degan oliv nomga ega bo'ladi. Fano esa «bandanning Xudo tarafiga sayri»ning nihoyasi. U o'zligidan kechib, Xudo bilan topishadi. Shundan e'tiboran haqiqiy hayot boshlanadi-yu, foniylirk ranj-u mashaqqatlari tugab, boqiylik saodati yuz ochadi. Bu holatni, ko'pincha, o'zni yo'q etish, yanada aniqrog'i, o'limga nisbat berishadi.

Alisher Navoiy deydi:

*Deding: «Fano nedur?» Muxtasar deyin: «O'lmak!»  
Ki sharhin tilasang, yuz risola bo'lg'usidur.*

Demak, «o'lmak» fanoning eng muxtasar shakli. Ammo bo'lak izohlari «yuz risola» bo'lmog'i mumkin ekan. Jaloliddin Rumiy she'riyatida fano tushunchasini «Favqulorra jasorat bilan talqin etilgan»ligini aytib, quyidagi xulosaga keladi: «Fano konsepsiyasini takabburlikka qarshi xokisorlik yo'sinida xarakterlash mumkin, bu esa, alal oqibatda, har bir inson shaxsining ulug'lanishi demak, inson esa murakkab kamolot yo'lini bosib o'tib, Xudoga yetishadi:

*Ayo siz, jon chekib, har lahza izlarsiz ilohiyni,  
Ani izlashga hojat yo'q, ilohiy — siz, ilohiy — siz!»*

Bizningcha, fanoga doir eng to‘g‘ri sharhlardan bittasi mana shudir. Yassaviy ham fanodan, asosan, «takabburlikka qarshi xokisorlik» falsafasi sifatida foydalangan va uni shu mazmunlarda ko‘proq yoritgan:

*Ahli dunyo xalqimizda saxovat yo‘q,  
Podsholarda, vazirlardaadolat yo‘q,  
Darveshlarning duosida ijobat yo‘q,  
Turluk balo xalq ustiga yog‘di, do‘srlar.*

Savol tug‘iladi: xalq ko‘nglidan saxovat tuyg‘ulari nega bu darajada barham topgan? Shunday bo‘lishi mumkinmi? Nima uchun podsholarda, vazirlardaadolat yo‘q? Nega darveshlarning «duosi» ijobatsiz? El ustig‘a yog‘ilgan «turluk balo» larga podsholarning zolimligi-yu, vazirlarning diyonatsizligi sababmi? Yassaviy bularning hammasini avval keltirganimizdek ishqiszlikka taqaydi.

Nodonlik — xalqning kulfati. Nodonlik — o‘ziga xos yovuzlik. Nodon — aql jallodi. Mana shuning uchun Yassaviy «Duo qiling nodonlarni yuzin ko‘rmay» deya yolvorgan va o‘nlab hikmatlarini nodonlikdin shikoyat mazmunlarida yaratgan:

*Duo qiling nodonlarni yuzin ko‘rmay,  
Haq taolo rafiq bo‘lsa bir dam turmay,  
Bemor bo‘lsa nodonlarni holin so‘rmay,  
Nodonlardin yuz ming jafo ko‘rdim, mano.*

Yassaviy bu qarorga birdan kelmagan, albatta. U «nodon bilan ulfat»da ham bo‘lib ko‘rgan. Lekin bunday «ulfatchilik»dan bag‘ri kuyib, jondan to‘yan:

*Ayo, do‘srlar nodon bilan ulfat bo‘lub,  
Bag‘rim kuyib, jondan to‘yub, o‘ldim mano.  
To‘g‘ri aytsam egri yo‘lg‘a bo‘yin to‘lg‘ar,  
Qonlar yutib g‘am zahriga to‘ydim mano.*

Yassaviy «zoti olim libosidan mahrum», kaltabin va hutparast kimsalarnigina nodon sanamagan. Balki

«olimman deb kitob» o‘qib, «ma’no uqmaslar» fiksizlik zulmatidan ruhi sim-siyoh amaldorlarni ham ashaddiy nodonlar safiga qo‘shtan.

Shoir halol-haromning farqiga bora olmaydigan nafsparast xaloyiq uchun «maloyiqdin» sharm qiladi. U «oqil ersang eranlarga xizmat qilg‘il» deganida «Muhabbat maydonida javlon» qilib, «haqiqatni daryosidan gavhar olg‘on» mard kishilarni e’tiborida tutadi. Biroq uning o‘zi shunday odamlarni izlay-izlay, oxiri mana bunday holatga tushadi:

*Yer ostiga qochib kirdim nodonlardin,  
Ilkim ochib duo tilab mardonlardin.  
G‘arib jonim yuz tasadduq donolardin,  
Dono topmay yer ostig‘a kirdim, mano.*

Ahmad Yassaviyning donolik to‘g‘risidagi tushunchasi — ideal tushuncha. Shuning uchun dono odamlardan uning talabi nihoyatda katta bo‘lgan.

Ahmad Yassaviyning fano falsafasini xokisorlik bilan barobar beozorlik, faqirlikni sevmak, muhtojlikdan o‘zni qutqarmoq ma’nolarida ham mushohada etmoq darkor. U fano orqali erkka intilish, ilohiy hurlikka muhabbat moyillariga alohida urg‘u bergandir. U Allah visoliga talpinmoqni suyadi. Tun-u kun uning xayolida yonadi. Tangri dargohiga yorug‘ yuz bilan borolmasligidan takror-takror o‘kinadi. Lekin bularning zaminida kundalik tashvishi, o‘tkinchi havaslardan ko‘nglini ozod etishdek kuchli istak yotadi. Bu istakni esa ruh erki uchun jonbozlik falsafasi deb atash mumkin bo‘ladi:

*Dunyoparast nojinslardin bo‘yin tovla,  
Bo‘yin tovlab, daryo bo‘lib toshdim, mano.*

«Daryo bo‘lib toshmoq» fanolik sharofati. Davlat-sevar, molparast nokaslarga bo‘yin egmaslikning asosiy sharti fanolikdir. Inson umri qisqa va o‘tkinchiligi

azaldan ayon. Ammo shuni yaxshi bilsa-da, o'zini dunyoda o'tkinchi hisoblayvermaydi. Nega? Negaki ishq va tafakkurda u boqiylikni topadi. Ahmad Yassaviy she'rlarini o'qib, «nima uchun uning orif yuragi bu darajada beqaror, bu qadar ozurda va miskin?»—degan xayollarga berilish mumkin. Buning asl sababi shundaki, ilohiy muhabbatga berilgan yurak osoyish-taligini butunlay unutadi. Azob va dard hukmiga tobe bo'lib qoladi. Aslida, bu — yurakning shodlik marosimi. Chunki u endi hech qachon g'aflat tutquni bo'lmaydi. U yerdan, ko'kdan, insondan mohiyat qidiradi. Bu ma'nolarda Yassaviy uchun fano abadiyatga intilishdan bo'lak narsa emasdi.

Yassaviy ko'pchilik hikmatlarida she'riy obrazga xos miqyoslilik, teranlik imkoniyatlaridan samarali foydalangan:

*Beshak biling bu dunyo barcha xalqdin o'taro,  
Inonmag'il molingga, bir kun qo'ldan ketaro.  
Ota-onas, qarindosh qayon ketdi — fikr qil,  
To'rt oyog'lig' cho 'bin ot bir kun sanga yetaro...*

Ushbu satrlardagi mohiyat dunyoning o'tkinchiligi haqida. Yolg'iz shu to'g'ridami?

Ahmad Yugnakiy, Yusuf Xos Hojib va Ahmad Yassaviy tasvirida ham «dunyo» she'riy obrazga aylantirilgandir. «Beshak biling bu dunyo barcha xalqdin o'taro»dagi «dunyo», birinchidan, Ahmad Yugnakiy aytgan, odamlar bir qo'nib yana ketadigan «rabot» ma'nosiga ega. Ikkinchidan, u inson umrining ko'zgusidek gap. Unga fikran nazar tashlab, umrning naqadar nozikligini bilsa bo'ladi. Uchinchidan, u taqdir timsoli. Umrning yeldek o'tishi taqdirdanmi yo dunyoning ishimi — bilish qiyin. Shunisi aniqki, taqdirning ayovsizligi oldida mol-dunyoga ishonmoq nodonlik va g'ofillikdir. To'rtinchidan, bu olam shunday bir «maydon»ki unda hamma ham oxir-

oqibatda «to'rt oyoqli cho'bin ot» ustida jonsiz yastanib ketmoqqa mahkumdir.

Odam tug'ilsa nega o'ladi? O'lsa nega tug'iladi? Sharq mutafakkirlari o'limni tiriklikning teskari va toza tomoni deb aytishgan. Nega shunday deyishgan? Bu haqiqatni qanday qilib anglash mumkin. Turmushning mayda tashvishlari o'lim qarshisida nimaga arziydi? Inson tirik murdaga o'xshab yashamasligi uchun vaqtini o'ldirmasligi kerak emasmi? Vaqt qahridan qo'rmaslik qanday oqibatlarga olib keladi? O'limni anglash, hayotni ma'rifat bilan qadrlash, odam farzandini g'animat bilish, manmanlik va jaholat «tulporlarga minib hovliqmaslik» degan mantiqlarni ham o'z ichiga oladi. Alisher Navoiy:

*«Ey ko'ngul, kelkim balo bazmida jomi g'am tutay,  
O'z qatig' holimg'a o'lmastin burun motam tutay.  
Yig'labon boshimg'a ohim dudidin chirmab qaro,  
Motamim el so'ngra tutquncha, o'zim bu dam tutay»,* —

der ekan, buni u aslo badbinlik va tushkunlikdan aytmagan. O'z o'limiga o'zi yig'layotgan kishining naqadar yosh, hayotga muhabbati nechog'lik chuqurligini tasavvur etasizmi. Qarilikda bunday bo'lmaydi. Qarilikda xohlang-xohlamang o'limga ko'nikma bor. U nari borsa, «dard yomoni qarilikdir, yoronlar» deydi. Lekin ohi dudidin boshiga qaro chirmab yig'lamaydi. Navoiy yoshlikni sevgani, yoshlikka xos shijoat va muhabbat tug'yonlari qalbini tark etishiga ko'nika olmaganidan o'sha mungli so'zlarni yozgan. Yassaviyni esa yo'lsizlik paytida saodatga bel bog'lay olmaslik hislari qiyanagan:

*Ayo do'stlar, hech bilmadim men yo'limni,  
Saodatqa bog'lamadim men belimni.  
G'iybat so'zdin hech yig'madim men tilimni,  
Nodonligim meni rasvo qildi, do'stlar.*

Ahmad Yassaviy uchun saodat va haqiqat ashyoviy narsalarga ega bo'lish emas. Bular hatto maqsad ham emas. Uningcha haqiqat yurakda. Haqiqat — ruh. Borliq, olam bilan ruhan uyg'unlikka kirishish — oliy saodat. Saodat — ma'rifat nurlaridan ong va dilni tiniqlashtirish. Shoir o'z mavjudligini ruh va ruhiy hayotdag'i o'zgarishlar, to'lg'onishlar, yuksalishlar orqali idrok qilmoqni xohlaydi. Ahmad Yassaviy insondagi ichki boylikni hamisha muqaddas bilgan.

So'fiy Allohyor o'zbek va tojik tillarida bitilgan lirik she'rларида bir томондан, dunyoviy muhabbatni, yerning chiroyi hamda noz-u istig'nosini turli-tuman badiiy bo'yoqlarda tasvirlasa, ikkinchi томондан, mavjud ijtimoiy tuzum illatlarini, odamlar orasida uchraydigan gina-adovatni tanqid qilib, ularni pok va rost yo'lga da'vat etadi: nafis badiiy vositalar, tashbehlар ishlataladi. Mutlaqo o'ziga xos qiyoslar yaratadi:

*Ko 'rk uchun pushti ziloli la 'li mushkin xatt-u hol,  
Tutti suhbat Qadr ila Kavsar qirog 'inda hilol.  
Nargizi masting xumori bozadon gulgunmudir,  
Yo bu durkim lolazor ichra tushan vahshiy g'izol.*

Birinchi baytda yerning la'li ziloli sohilda turgan mushk taratuvchi xat (qora tuk) va hol jannatning kavsar hovuzi labida Hizr bilan suhbatlashayotgan oyga o'xhatilsa, keyingi misralarida bozadon gulgun bo'lg'an yerning xumor ko'zlari lolazorga tushgan hurkich yovvoyi kishiga o'xhatiladi. Quyidagi baytlardan ham shoirning chinakam hayot go'zalini vasf etganligini, ma'shuqaning vafosi-yu jafosi oshiq uchun birday totli, farahbaxsh ekanligini his etamiz. Shunga ko'ra shoir o'z yorini turli xil hayotiy detallarga o'xhatadi:

*Sen bu noziklik bila yo hur, yo ayyorsan,  
Yo pari, yo la'l, yo gulshan bahorisan.*

«O'lmaz» radifli g'azalida shoir yor maqsad yo'lida  
riyoza chekmoqligi, albatta, ustoz pirga ergashmoq,  
qo'l bermoq lozimligi, bul yo'ldagi har qanday to'siq,  
mone'likni «jon chekib, g'ussa yutib, jigarni qon qilib»  
mardonavor yengib o'tmoq zarurligini uqtiradi:

*Boshini dasha urib, dona elakdin o'tmay,  
Musht yemay, ichna solsalar, non o'lmaz.  
Ey yigit, maslahating bilgali pir kerak,  
Bekamon o'q necha tuzlik ila parron o'lmaz.*

Umrining asosiy qismini haq yo'liga, irfoniy bilimlar  
targ'ibiga, so'fiylik ta'limotini keng xalq ommasiga  
singdirishga safarbar etgan So'fiy Allohyor zulm —  
zo'rlik, takabbur, sudxo'rlik, vafosizlik, loqaydlik,  
ta'magirlilik, tanballig-u behunarlikni, mansab-martaba,  
mol-dunyoni deb janjalkashlik qilish, dilozor, noittifoq  
bo'lishni qattiq qoralaydi, zamondoshlariga tanbeh  
beradi, bir mutafakkir sifatida pand-nasihat qiladi:  
«Arzimas» radifli g'azali ana shundan shahodat beradi:

*Do'stlar, bu dunyoda mol-u mulk uchun,  
Bir-biringni og'ritib noshod qilmoq arzimas.  
Mansab-u dunyo uchun ahli hukumat oldida,  
Qo'l qovushtirib turibon dod qilmoq arzimas.  
Olig'-u solig' bilan mullo-yu hoji barchani  
Yuz jafo-yu jabr ila oftoda qilmoq arzimas.  
Turk-u tojik, o'zbek-u sahroyilarni mol uchun  
Kecha-yu kunduz urib, noshod qilmoq arzimas.*

Demak, ma'lum muddat davlat xizmatini ado etgan  
shoir o'z zamonasidagi feodal o'zaro nizolarni,  
mehnatlash xalq boshiga kulfat tushirayotganlarni lirik  
she'ralarida ro'yirost tanqid qilgan. Hukmron taba-  
qalarni insondo'st, adolatli bo'lishga undagan. Tojik  
tilidagi g'azallarida ham hikmatomuz baytlar ko'plab  
uchraydi. So'fiy Allohyor masnaviylari mavzu doirasi  
jihatidan ham, g'oyaviy yo'nalishi nuqtayi nazaridan

ham o'zbek didaktik she'riyatida katta hodisa bo'ldi. Zeroki ularda shoir komillik sari yo'llaydigan barcha shart hamda qarzlarni birma-bir bayon etadi, islomiy farz va sunnatlarning mohiyatini tushuntiradi, ularni bajarish yo'l-yo'riqlarini sharhlaydi, ko'rsatadi. Shuning uchun ham bu majmualar o'tmishda maktab va madrasalarda asosiy qo'llanmalardan biri hisoblangan. Jumladan, «Sabotul ojizin», «Murod-ul orifin» kitoblarida, asosan, Murshid va Muridning burch hamda vazifalari, so'fiylarning dunyoqarashi, qanday bilimlarni o'rganishi haqida mulohaza yuritsa-da, shoir tolilik, ta'ma qilmaslik, ahd, vafo, sidq, muhabbat, saxovat, to'g'rilik, xiyonatdan yiroq bo'lmoq, chin erga ergashmoq va boshqa juda ko'p hayotiy masalalar xususida fikr yuritadi; imonda sobitqadamlik, ahdga vafo inson kamolotida muhim bosqichdir. Shoir fikricha, inson umr bo'yi ilm o'rganmog'i, ma'rifat kasb etmog'i lozim. Har qanday holatda ham xokisorlikni unutmaslik darkor.

*Muyassar bo'lsa tillodin senga taxt,  
O'zingdan pastga zinhor aytmagil saxt.*

«Sobotul ojizin»ning «kamtarlik haqida mav'iza» faslida quyidagilarni o'qiymiz:

*Takabbur qilmagil bomaoniy  
Fuloni o'g'lidurman deb fuloniy  
Ishonma onag'a, qilma talabdin,  
So'ralmasdir qiyomatda nasabdin.*

Boshqa bir o'rinda shoir kibr-u havodan voz kechib, hamjihatlig-u birodarlikka, do'stlig-u rafoqatga, bir-biriga naf yetkazib yashashga da'vat etadi, bir-biridan bahramand bo'lishga undaydi:

*Olur suhbatda bir-biridin kishi bahr,  
Agar ko'p chashma bir bo'lsa, bo'lur nahr.*

*Jamoatdin o'zingni qilma mumtoz,  
Chopar ko'p to'pdin ayrilg'on qo'sha boz.  
Yugursang yakka dev boshingni yanchar,  
Qaroqchi to'pdin ayrilg'onni sanchar.  
Xudoning rahmati bo'lsa jamoat,  
Erur rahmatdin ayrilg'on manoat.*

Inson aqli yetadigan ishni qilishi, qo'ldan keladigan yumushni bajarmog'i lozim. Ayni paytda ahdiga sodiq, va'dasiga vafodor bo'lishi zarur. Bajara olmaydigan ishga qo'l urib, va'da berib, ahdida turmaslik insonni bu dunyo-yu u dunyo badnom qiladi:

*Xilof etgan zabunlardan zabundir,  
Bu dunyo-yu u dunyosi nechundir.  
Xilof etsang agar aytg'on so'zingdin,  
Ko'tar erkaklik otini o'zingdin.  
Chiqormag'ul og'izdan qilmas ishni,  
Qilurman, dema qo'ldan kelmas ishni.  
Kerak erman degonning va'dasi tuz,  
Agar tuz bo'lmasa, oldin ko'ngil uz.*

So'fiy Allohyor kishilarni bilim egallahsh, kasbhunar o'rganishga da'vat etar ekan, halol mehnat bilan, peshona terisini to'kib rizq-u ro'zi topib yeishish, pok va pokdomon yashashga da'vat etadi: birovni minnati jabrini tortmaslikka, sabr-qanoatli bo'lishga undaydi, ta'magirlilikni qoralaydi:

*Xudoyim har na bersa qil qanoat,  
Yurakka qilma minnatdin jarohat.  
Bu mehnat birla topsang parcha non,  
Kishining minnatidan o'lur oson.  
Ta'ma noniga lab ochguncha o'l och,  
Ta'ma bo'yisi ko'rinday bo'ydin qoch.*

Xullas, So'fiy Allohyor asarlarida halollik, rostgo'ylik, mehnatsevarlik, odamoxun bo'lish, yoshlik-

dan ilm ma'rifat egallash, sadoqatli, qanoatli bo'lish o'z aksini topgan.

Jaloliddin Rumiydan bizga qadar she'rlar devoni, «Makotib», «Fih mo fih» hamda «Masnaviy ma'naviy» kitoblari meros bo'lib qolgan. «Fih mo fih» nasriy asar bo'lib, Olimning turli majlis va suhbatlarda falsafiy nutqlarining majmuasidir. «Makotib» esa muallifning zamondoshlari va ustozlari bilan bo'lgan turli yozishmalari — maktublaridan iborat. Har ikki kitobda ham muallifning ijtimoiy-falsafiy, axloqiyta'limiy mushohadalari, so'fiyona qarashlari o'z aksini topgan. Shoir devoni yigirma besh ming baytdan ziyod she'rlarni o'z ichiga olgan. Jaloliddin Rumiy majoziy sevgi bilan ilohiy ishqni shu qadar yuqori pardada jo'sh-u xurush bilan tasvirlaydiki, professor R. Xodizoda ta'kidlaganlaridek, «O'quvchi g'azallarning so'fiyona ma'nosini batamom unutib, ularni lirik she'riyatning tengsiz namunalari sifatida qabul qiladi. Shoirning aksariyat she'rlarida ayriliq dardi ham, oshiqning yoriga iltijosi-yu, husn-u kamoli ham ajib bir jozibada in'ikos etadi:

*Az ruhi lab gulshakar bisyor dorad husun tu,  
Koshki, bifuruxtu, to poraye bixaridame.*

(Sening husning — yuzing-u lablaring gulshakar manbayidir, koshki sotsang edi biroz xarid qilgan bo'lar edim). Shuning uchun ham o'tmishda yaratilgan ko'p qissalarda goh oshiq tilidan, ba'zan ma'shuqa nutqidan Rumiy g'azallari ko'plab keltiriladi.

Shoir ruboilyari ham mavzu jihatidan rang-barang, g'oyaviy yo'nalishi, badiiy qudrati nuqtayi nazaridan g'oyatda mumtoz va jozibalidir.

Ularda ishq-muhabbat, axloq-odob, ijtimoiy-falsafiy masalalar o'zining teran ifodasini topgan:

*Duri zi boradari munofiq bexatar,  
Parhez zi yori nomuvofiq bexatar.  
Hoki qadami yori muvofiq haqqa  
Az xuni barodari munofiq bexatar.*

(Munofiq birodardan yiroq yurgan yaxshi, nomunofiq yordan ko'ngil uzmoq yaxshi. Xudo haqqi, sodiq yorning hoki poyi munofiq birodar qonidan yaxshi.)

*Xohi ki hamisha shod-u xurram boshi,  
Harjo ki ravi, aziz-u mahram boshi.  
Pokiza shav-u rost bizi, ilm omuz,  
Toji naberagoni Odam boshi.*

(Hamisha shod-u xurram yashab, qayerga borsang aziz-u mukarram bo'lishni istasang, pokiza bo'l, to'g'ri yashab, ilm o'rghan. O'shanda Odam Ato nabiralarining tojiga aylanasan.)

Buyuk mutafakkirga olamshumul shuhrat keltirgan asar «Masnaviy ma'naviy» kitobidir. Zeroki, bu masnaviyning o'ziga xos yaratilish tarixi bo'lgani kabi unda ifodalangan masalalar qamrovi ham hududsizdir. Yetti jild (daftarni)dan iborat asarning dastlabki qismlarini shogirdi Hisomiddin Chalabiy ustozи og'zidan yozib olib, keyin tahriridan o'tkazgan. Chalabiy vafotidan so'ng Rumiy asar davomini o'n yilda yozib tugatadi. Kitob o'z vaqtida ham, keyinchalik ham muallif nomini dunyoga keng tarqalishiga sabab bo'ladi. Chunki, birinchidan, Jaloliddin Rumiy masnaviyda Sharq-u G'arb olimlarining, hatto antik dunyo faylasuflarining falsafiy qarashlarini keng o'quvchilar ommasiga tushunarli va sodda bir uslubda she'riy yo'l bilan ta'riflab beradi, sharhlaydi; turli so'fiylik oqimlar hamda ularning ta'limot va talablari bilan bog'liq nazariya atamalarini

lo‘nda tarzda tushuntiradi. Ikkinchidan, o‘zining ijtimoiy-falsafiy, diniy qarashlari tasviri jarayonida juda ko‘p hikoyat, afsona, masal va latifalardan foydalanadi. Sanoiy va Attor kabi so‘fiy shoirlardan farqli o‘laroq Rumiy hikoyatlari hayot haqiqatiga juda yaqin.



# *Сўфийликда сулук*



*So‘fiylikda suluk*

## *Сўфийликда сулук*

Азиз китобхон! Маълумингизким, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнгтина авлод-аждодларимизнинг тасаввуфга оид илмий мерослари ўрганила бошланди. Тасаввуф аслида сўфийлик маъносини англатади. Шариат ислом динининг пўсти — зоҳири бўлса, тасаввуф мағзи — ботинидир. Имом Кушайрий шариат билан тасаввуфни шундай қиёслайди: Шариат — бадан, тасаввуф руҳдир. Шариат — сўз, тасаввуф маънодир. Шариат — шакл, тасаввуф — моҳият, шариат — денгиз, тасаввуф ундаги дур. Шариат — сут, тасаввуф — қаймоқ. Шариат — дараҳт, тасаввуф мевадир. Шариат дараҳтида пишмаган ҳол, важд ва маърифат меваларининг қадри йўқдир. Шу боис шариатсиз тасаввуфни қабул қилиб бўлмайди.

Тасаввуф йўлидагилар шариат, тариқат ва ҳақиқат йўлинин ўз даражалари билан босиб ўтиб, унинг мashaққатли йўли орқали Ҳаққа ошно бўладилар. Шу ўринда шариат ҳақида аввал тўхтам қилсак. Орифлар сultonи Аҳмад Яссавий демишлар:

— Эргашиладиган инсонлар уч қисмдир: шариат раҳнамолари бўлган олимлар ва ҳукмдорлар, тариқат раҳбарлари бўлган шайх ва сўфийлар, ҳақиқат йўлбошчилари бўлган орифлар ва Ҳаққа яқин бўлган муршиidlар. Агар олимлар ва ҳукмдорлар шариатда амри маъруф ва наҳи мункарга риоя қилсалар ва бошқаларни ҳам шуларга амал қилишни буюрсалар, тўғри йўлдан адашмайдилар. Агар бу шариатга мувофиқ бўлмасалар, шариат йўлидан озадилар. Шайхлар ва сўфийлар риёзат ва мashaққат чекиш натижасида кўнгил

оламини очсалар, етмиш мақомдан ўтиб, ғойиб арвоҳлар ва фаришталар билан сұхбат қуришга эришадилар, бундай шайх ва сўфийлар тариқат йўлидан озмайдилар.

Яна орифлар султони айтадиларки, «Шариат аъзолар билан, яъни зоҳирда амал қилишдир». «Аъзолар билан» калимасидан мақсад фарз, во-жиб, суннат ва барча одоблардир. Билингки, «шариатда юрибман» дея даъво қилганлар мусулмон аталдилар.

Шайх Нажмиддин Кубро (Аллоҳ ул зотни ўз раҳматига олган бўлсин) дейдиларки: «Баъзи кишилар «шариатда юрибман» десалар, баъзилари «тариқатдаман», яна баъзилари «ҳақиқат йўлидаман» дейди. «Шариатда юрибман» дея даъво қилувчиларни мўмин ва мусулмон дейилади. «Тариқатдаман» дегувчилар шайх, сўфий ва зоҳид дейилади. «Ҳақиқат йўлидаман» дейдиганларни эса ориф, ошиқ ва муҳиб каби исмлар билан аталади.

Орифлар султони айтганидек, шариат аъзолар билан, яъни зоҳирда амал қилиш бўлса, тариқат камолотга олиб борувчи муқаддас тўрт йўлнинг иккинчисидир. Муҳаммад алайҳисалом: «Шариат — сўзим, тариқат — амалларим, ҳақиқат эса ҳолимдир» демишилар. Аҳмад Яссавий эса «Шариат — хурмат, тариқат — хизмат, ҳақиқат ҳимматдир. Шариат — дараҳт, гул гунчаси — вафо; тариқат — азим дараҳт, самараси — фано; ҳақиқат — бир ёғоч, меваси — бақо» демиш.

Ҳақиқат — камолотга олиб борувчи тўрт йўлнинг охиргиси Жаноби Ҳақнинг соликдаги башарий сифатларни олиб, ўз илоҳий сифатларини қўшишдир. Яъни ҳақиқат аҳли башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган зотлардир.

Кушайрийнинг ёзишича, шариат фиқҳ илми бўлса, ҳақиқат тасаввуф илмидир. Ҳақиқат билан шариат бир тантанинг икки томонидир.

Ҳақиқат даражасини олган мұкаррам зотлар сүфийлардир. Сүфий тасаввуф йўлида юрган, тариқат одоби арконига риоя қиласидиган, халқ орасыда бўлса ҳам Ҳақ билан бирга бўлган кишидир. Сүфий — тақводор, қаноаткор, саховатпеша бўлиб, жамият, инсоният ва ҳайвонот манфаати учун хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Сүфий қалбини нафсоний ҳислардан мусаффо айлаб, дунёвий чиркинликлардан поклайди. Сүфийлар Тавҳид орқали Аллоҳнинг ягоналигини қалбан ҳис этадилар. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканлигини биладилар ва халққа билдирадилар. Тасаввуфда тавҳид ҳоли шундайки, сүфий фақатгина бир Аллоҳни кўради ва уни билади. Ундан бошқа борлиқни кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Шу жиҳатдан нафсидан фоний ва Ҳақ билан боқийлик ҳолига эришган мутасаввифларга муваҳҳид ва тавҳид ҳам дейилади. Ҳалқнинг тавҳиди — Худои таолони Бир эшитиш, зиёлилар тавҳиди — Бир билиш, хосларнинг тавҳиди — Бир кўришдир. Тавҳид мақомларидан «ла машхуда иллаллоҳ»нинг уч мартабаси бор: феъл тавҳиди — Ҳақ таоло феъллари билан соликка тажалли этганда, солик барча феълларни Ҳақдан кўради ва «ла фоъила иллалоҳ дейди; сифат тавҳиди — Ҳақ соликка сифатлари билан тажалли этганда, солик Аллоҳни ва унинг сифатларини кўради; зот тавҳиди — Ҳақ соликка зоти билан тажалли этганда, солик мавжуд ўлароқ фақатгина Аллоҳни кўради ва «ла мавжуда иллалоҳ» дейди. Ваҳадиди вужуд аҳлининг тавҳиди ҳам шудир.

Тарихдан маълумки, тасаввуф илмига оид жуда кўплаб манбалар мұкаррам зотлар, улуғ машоийхлар томонидан ёзиб қолдирилган. Ҳозирги давримизнинг тасаввуф йўлидаги зотлар ҳақида тўхталмоқни ўзимизга фарз деб билдик. Ҳўш,

үтган асрларда мұкаррам зотлар яшаб, Ҳақ йўлида жонларини фидо қилиш даражасида Аллоҳни таниб, мұкаммал шахс даражасига етганлар. Шариат йўлидан бориб, тариқат поғонасига кўтарилилганлар ва ундан сўнггина ҳақиқатга эришганлар. Сўфийлар олам қуёшидирлар. Улар бу дунёning завқу шавқидан кечиб, ўзларини Ҳақ йўлида таниганлар. Ҳожа Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Ҳаллож, Машраб ошиқлар Ҳақ йўлида жонларини қурбон қилганлар. Маълумингизким, ана шундай сўфийлар Аллоҳга бўлган муҳаббатларини шеърият орқали ифода этганлар. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Йиллар ўтди, асрлар ўтди, шариатда кенг йўл, тариқатда озод илм, ҳақиқатда мусаффо осмон, шундай экан замонамизда хоҳ Яссавия, хоҳ Нақшбандия, хоҳ Мавлавия тариқати давомчилари борми?

Тўғри, тасаввуф оламида янгича талқин, кашфиётлар, албатта, тарих нуқтай назаридан олимларимиз томонидан ўрганилаяпти ва муҳтасар китоб шаклида чоп этилиб, кенг омма ҳукмига ҳавола этилаётир. Бу борада тасаввуфчи олимларимиз Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов, Маҳкам Маҳмудов, Асқар Маҳкам ва Ҳамидjon Ҳамидийларнинг хизматлари бекиёсdir. Аммо замона зайлимида даврнинг тариқат давомчилари ҳақида аҳли оламда қизиқиш уйғониши табиий. Мен бу борада ўзининг Нурсафардийя тариқатига асос сола бошлаган замондошимиз Сафарбой ота ҳақида тўхталмоқчиман. Бу мұкаррам зот шариат йўлидан муносиб ўтган, тариқатда ўз изланишлари орқали ҳақиқат остонасига қадам кўйган, ўтмишда сўфий дарвешлар илм излаб дунё кезгандари сингари дунёning деярли барча мамлакатларида бўлиб илму ирфон ўрганиб қайтган шахсадир. Ўз қарашларини Яссавия

тариқати давомчиси деб бошлаган Сафарбой ота тасаввуф оламида ўзининг янгича дунёқараши орқали Ҳаққа етишмоқнинг мақбул йўлларини том мъянода тасвирлаб беради. Чин мъянода айтадиган бўлсак, замонамизнинг ҳақиқий сўфийси. Нурсафардийя тариқатига асос сола бошлаган Сафарбой ота буюк аждодлар йўлидан бориб, сўфийлик оламида ўзини таниган инсондир. Аввалдан маълумки, сўфийларнинг ҳаёти ҳар доим таҳликада кечган. Тариқат босқичи ёхуд ҳақиқат оламидаги сўфийнинг қарашлари шариат аҳкомларига тўғри келавермаган. Бунинг исботини машҳур ва буюк тасаввуфчи олим Мансур Ҳаллож тақдирида кўришимиз мумкин.

Тариқат йўлидаги уламо, ориф Ҳақ жамолини истайди. Унинг қувватидан қувват олиб, Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлади. Пағамбаримиз Муҳаммад расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам (ул зотга Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин) дейдиларки, сен Аллоҳга шундай зикр-ибодат қилгинки, майли, сени жинни деб ўйласинлар.

Балки сўфийлар Аллоҳга бўлган кучли иштиёқи, борлиқдан кечиб, фано ташвишларидан озод, бақо нафаси билан яшаганлари учун ҳам дарвеш номини олгандирлар.

Сўфий ким? У ўзлигидан кечган, ёлғиз Аллоҳнинг ишқида ёниб, унга туну кун зикр қилувчи орифдир. Сўфийлар бўлмаганда, балки тасаввуф олами бўлмасди. Айни дамда аждодларимиз сўфийлари илмини ўрганяпмиз, мушоҳада этяпмиз. Тариқат асосчиларининг Аллоҳ йўлидаги илму ирфонларидан баъзан ҳайратга тушамиз. Ҳикматларидан баҳра оламиз. Бу манбалар Аллоҳни танишда муҳим қўлланма ҳисобланади.

Маълумки, ўтмишда кўплаб сўфийларнинг илмлари бизга мерос бўлиб қолган. Уларнинг илму ирfonларини ёзма манбалар орқали ўрганамиз.

Сўфийлик чексиз олам экан. Унинг қирралари кўп дейишиди. Ана шу кўп қиррали сўфий оламида ўзлигини топган Сафарбой ота ўз қарашларини, яъни Нурсафардийя тариқатининг мевасини назариётда эмас, у орқали амалиётда қўлламоқда. Ўтмишда яшаб ўтган буюк сўфийлар билан ҳозирги замон сўфийсининг фарқи нимада, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, ўтмишда сўфийлар ўзлиқдан кечган, гоҳо узлатга чекиниб, тарки дунёчилик орқали Ҳаққа интилган. Дарвешона кун кечириб, ҳикмату насиҳатлар битганлар. Бу ўлмас асарлар то бизнинг кунимизга қадар ва бундан кейин ҳам яшаши шубҳасиз. Замонамиз сўфийси аждодлар илмини мукаммал эгаллаб, Ҳақ йўлида ўзлиқдан кечаркан, сўфийлик назариясини амалиётда қўллаб, уни кенг омма ҳукмига ҳавола этмоқда. Бундай ҳол, хусусан, шарқ ислом оламида ҳали кузатилмаган экан. Сўфий амалиёти нима? Бунга яққол мисол қилиб сўфий табобати, сўфий жанг санъати ва сўфий ҳаракати тизимини кўрсатиш мумкин. Сафарбой отанинг айтишича, ҳар замоннинг ўзига яраша зайлар бор. Ҳозирда динга озодлик, тариқатга ҳурмат билдирилган демократик жамиятда узлатга чекиниш шарт эмас. Яъниким, ҳар бир киши Аллоҳни доимиий зикр этган ҳолда ҳалқ манфаати йўлида жонфидолик, жонбозлик кўрсатиши керак. Сўфий табобати ҳалқ манфаати йўлидаги сўфиёна хизматнинг кўринишларидан бири. Табиблик илмини мукаммал эгаллаган Сафарбой ота Бахмал ва баланд Тяншань тоғларида ёзнинг иссиқ жазира маҳалларида ялангоёқ кезиб, ҳалқнинг дардига даво излаб, ўт-тиёҳлар йигади. Айни дамда Тошкентда яқдиллик сўфий табобати, Жиззах шаҳрида «Яссавий Туркистон ҳалқ маркази» фаолият юритиб, дардига шифо излаб келганларга дармон

бўлмоқда. Марказга нафақат республикамиз, балки қўшни Қозоғистон, Россия ва бир қанча ҳориж давлатлари мижозлари ҳам мурожаат этишмоқда. Сўфий табобати мукаммал табобат. Чунки Аллоҳ йўлида турган уламои табиб, авваламбор, мижозга қувватий меҳрини беради. Сафарбой ота дейдик: Қодир Аллоҳ ўз қудрати ила Одам алайҳиссаломни яратиб, унга умр ваъда қилиб, унинг соғлигини ўзи ҳимоя остига олган. Унга ер юзида яшашни, озиқ-овқат топишни ўргатган. Шис алайҳиссаломга эллик варақ саҳифа нозил этганида шундан ўн етти варағида одам ўзининг соғлигини сақлаш мақсадидаги амаллар, яъни илоҳий табобат берган. Сўфийлик ва сўфий табобати унинг ҳиммати ва саховати ила бошланган. Сўфийлик амали, аввало, олам машҳари Аллоҳга зикр қилмоқ, сўнгра табобат илмини қўллашдир.

Сўфий табобати Нурсафардий тариқатининг асосий кўринишларидан бири. Сафарбой ота ўзининг энергетик қуввати билан даволаш хусусиятига ҳам эга. Қувват Аллоҳдан, дейди у киши.

Сафарбой отанинг янги тариқатга асос солишида ҳам маъно бор. Яъни унинг ота-боболари, авлод-аждодлари буюк уламолар ўтишган. Отаси Нурбой ота илмда кучли бўлиб, ўз паҳлавонлиги билан донг таратган. Бобоси Кўчқор мулла табиб ўз кароматлари билан замонасининг машхур уламоларидан бўлган. Демак, сўфийлик аломатлари қондан-қонга ўтиб, унинг давомчиси Сафарбой ота ўз қарашларини амалиётда қўлламоқда. Яна шуни айтиб ўтмоқ жоизки, Сафарбой отанинг аждодлари Холиқул Зўрмерган, Бўрта ва Бача ботирлар сўфий жанг санъатининг моҳир устала-ри бўлган эканлар. Сўфий жанг санъатини ҳам Сафарбой ота кенг омма аҳлига ҳавола этиб, гўзал бу санъатдан кўплаб ёшлар баҳра олмоқдалар. Айни

дамда Сафарбой отанинг ушбу йўналишда йигирма беш мингдан зиёд шогирди бор. Бу борада у киши шундай дейди: Сўфий жанг санъатининг моҳияти шундаки, каратэ, таэквандо, ушу, кунг-фу жанг санъати тўртинчи осмон бўлса, сўфий жанг санъати еттинчи осмондир. Шундан маълумки, тарихда сўфийлар Аллоҳдан тенгсиз қувват манбай олганлар. Улар Ҳақ йўлидаги илм ва интилишлари билан бирга шундай жанг санъатига ҳам сазовор бўлганларким, бундай илоҳий қувват билан етти иқлимини қўрқмасдан дарвешона кезганлар. Сўфий жанг санъати чегара билмас манбадир.

Сўфий жанг санъати илоҳий илмга асосланган мукаммал инсоннинг жанг санъатидир. Нурсафардийя тариқати асосчиси Сафарбой ота ана шундай удумларни кашф этиб, унга янгича асос солди. Бу фояларнинг амалиётда қўлланиши халқимиз учун янгилик ва қувонарли ҳолдир. Ушбу рисолада тариқат ҳақида қисқача тўхталдик, холос. Асосий мақсадимиз эса Сиз, азиз китобхонни сўфий шеърияти орқали Нурсафардийя ҳикматлари ва илоҳий қувватга йўғрилган шеърий ҳиссиётлардан хушнуд этишдир.

Бу рисола ушбу тариқатнинг бешинчи китобидир. Илгари «Сўфий жанг санъати», «Сўфий табобати», «Сўфий гимнастикаси», «Сўфий нафасиёти» номли китоблар нашрдан чиқиб, омма аҳлига этиб борганди. Энди рисолани Сафарбой ота «Сўфий шеърияти» деб атаганлар. Аксарият сўфийлар Аллоҳга бўлган ишқларини шеърият орқали баён этганлар. Бошида ўзини Яссавия тариқати давомчиси деб ҳис этган Сафарбой ота ушбу удумдан узоқлашмай ўз дарду ошуфталигини Аллоҳга зикр-ла бошлаб, шеърият орқали тараннум этади.

Хожа Аҳмад Яссавий:

*Пирни лутфи, Ҳақни лутфи тариқатда  
Ҳақ инъоми пирга етар ҳақиқатда.  
Ходий бўлиб йўлға солғон маърифатда  
Эшишиб, ўқуб, хизмат қилинг, дўстларимо,—*

деса, Нурсафардий:

*Йўлнинг боши калимаи шариатда,  
Пирнинг йўли калимаи тариқатда.  
Нур излабон тилдан қўйма маърифатни,  
Боқий сана, Аллоҳ илми ҳақиқатда,—*

дейди.

Мана, икки тариқатнинг бир хил, яъни Аллоҳга интилиш йўлидаги армони. Албатта, Сафарбой ота Яссавия тариқатининг давомчиси бўлган. Аммо ўз тариқатига асос кола бошласада, пирнинг қарашларига зид йўл тутмайди. Сўфийлик бир қолипдаги шахс эмас. Ҳақиқий сўфий доим изланишда бўлади. Чунки Аллоҳнинг сир-синоатлари чексиздир. Сўфий Сафарбой ота ўз шеърияти орқали Ҳақни тараннум этган ҳолда ундан саволлар сўрайди, унга етишмоқни қийин ва армонли ҳис қилса-да, ўзи тўхтаб турмайди. Бу йўлдаги янги кашфиётлар, доимий зикр, халқ йўлидаги беминнат хизматлари унинг учун Ҳақнинг жамолини ойдинлаштиради. Мукаммаллик даражаси билан унга яқинлашади. Сўфий шеърияти, асосан, Ҳақни куйлади. Шеърият орқали ўз қарашларини Аллоҳга нисбатан намоён этиб, унга интилади. Сафарбой отанинг ҳам шеъриятида Ҳақ йўлида курашмоқ, Ҳақни танимоқ ўз ифодасини топган. У киши шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатда тутган йўлини шундай тасвирлайди, яъни шариатда:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Шариатда бўлдим Аллоҳга қулдек,  
Ончаким ҳамду саноларим гулга ошиқ булбулдек.*

Маъноси: шариатда Аллоҳнинг барча амалларига риоя этдим. Булбул гулга ошиқ бўлиб, унинг ишқида ёнгани каби менинг ҳам Аллоҳга ҳамду саноларим шу қадар.

Бу биринчи босқич. У шариатда Аллоҳга қул бўлишни истамай, Аллоҳ йўлини излаб, Тариқатга қадам қўяди. Тариқатдаги ҳолини Сафарбой ота қуидагича тасвирлайди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Тариқатда излаб Ҳақ жамолини,  
Ишқи билан ёндим, вужудда жо этдим ҳолини.*

Демак, Ҳақ йўлини истаган инсон Аллоҳ йўлида риёзат чекади. Ҳақ жамолида ёниб, у сари интилар экан, сўфийнинг ҳақиқий камолот чўққисига етганидан дарак беради. Тариқат йўли риёзат бўлса, маърифат маъво, демак, комил инсон маърифатга эришгач, ундан чексиз илму ирфон топади. Сафарбой ота маърифатни шундай тасвирлайди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Маърифатда маъво топдим,  
Аллоҳ жамолини кўриб, ҳусни жамолига донг  
қотдим.*

Сўфийликка мойил киши ўзлигидан кечган, бу дунёning икир-чикирлари унга бегона. У фаялот Аллоҳ ишқида ёнади. Кечаю кундуз унинг жамоли учун зикр қилади. Маърифат Аллоҳ билан сўфий орасидаги парданинг йўқ бўлиши, яъни сўфий маърифатга эришгач, Ҳақ жамолини кўра бошлайди. Сўфийнинг мақсади Ҳақ жамолини кўриб ва охир-оқибат унга қўшилиб кетиш экан.

Унинг ифодасини Сафарбой ота қуидагича тас-  
вирлайди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Хақиқатда, Ҳақ бирла ўзни жо эттим,  
Ва анинг қувватига мустажо кеттим.*

Шеърнинг мазмун-моҳияти инсоннинг энг юқори камолот даражасига етганидан сўнг Аллоҳга қул эмас, дўст сифатида ўзни намоён этиб, унга қўшилиб кетиш маъносини англатади. Қуръони каримда ҳам «Валикуллин даражатун мимма амилу» дейилган. Аллоҳ дейдики, ўз даражангизни изланг. Сўфий ана шу даража ҳақида қайғуради, риёзат чекади.

Сафарбой ота Аллоҳ йўлига интилишда, асан, зикрга эътибор қаратган. У нафақат ўз йўлида, балки замондошлари тасавурида ҳам Аллоҳ ишқини уйғотишга, унинг йўлида событқадам бўлишга чорлайди. Гоҳида танбех беради:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Қилма дилингни ҳайрон,  
Ишқисизликданки, дил ошёни вайрон.*

*Менким Нурсафардий дедим:  
Молу дунё ишқида ўтдинг, дафъатан,  
Ётганинг бўйраки, топганинг кафан.*

Яъни сўфий дейдиларки, молу дунё талашиб, кибру ҳавога берилиб, куч-куватингга ҳайрон бўлма, дилингни ишқисизликдан вайрон этма, молу дунё ишқида ёндинг, куйдинг, охир-оқибат топганинг кафан бўлди.

Сафарбой ота дейди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Кибру ҳаводан сақлан,  
Аллоҳнинг йўлини танлагил ақлан.*

*Менким Нурсафардий дедим:  
Билки, гуноҳингга сўнгра даво йўқ,  
Жаннат эшигида сенга маъво йўқ.*

Кибру ҳаво, диёнатсизлик, оқибатсизлик Аллоҳга хуш эмас. Демакки, бундай хусуматли, меҳршафқатдан йироқ кимсалар гуноҳкордирлар. Уларнинг охиратда жаннат эшиги олдида бош эгиб ўтиришларидан фойда йўқдир. Шу боис тўрт кунлик омонат дунёда Аллоҳ йўлини танламоқ, унга доимий ҳамду санода бўлмоқ жаннат қалитидир. Шундай хулоса қилган Сафарбой ота дейди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Онча қилсанг ният,  
Ниятким ондан топдинг моҳият.*

*Менким Нурсафардий дедим:  
Гуноҳдан этиб ор,  
Ки сен Аллоҳ йўлида тақвадор.*

Маълумки, Сафарбой отанинг қалбида Аллоҳга ишқ бўлса, ҳунари табиблиқдир. У ҳалқ саломатлиги йўлида тинимсиз изланиб, мусаффо ўт-гиёҳлардан касаллик турларига қарши курашади.

Сафарбой ота дейди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳаста ҳоли надур,  
Чи дарди чиқди ўлдирдим қуввату дармондан.*

Камолотга етган сўфий табиб қувватга ишонади. Аллоҳ қуввати орқали хасталикни осон енгади. Қанча-қанча беморларнинг турли хил дардларига шифо берган табиб бир шеърида:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Давоси йўқдир ажалнинг,  
Топгай ўзга дард даво, топма даргумондан, —  
дейди.*

Демак, дард бошқа, ажал бошқа. Ажалнинг давоси йўқ экан, бошқа не дард борки, давоси

бор. Сўфий табиб бу борада кучли тажрибага эга. Унинг ўтган авлод-аждодлари ҳам табиб ўтган. Бу кўринишни у шундай дейди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Сулолаи табибман,  
Ота мерос чун юракка ўтди қондан.*

Сафарбой отанинг бобоси Кўчқор мулла кучли табиб ўтган. Ўз замонасининг машхур уламосини табиб шундай тасвирлайдилар:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Бобом эрур Кўчқор мулла табиб,  
Табибларнинг табибиидур, улким уламои ҳабиб.*

Дарҳақиқат, Кўчқор мулла табиб кароматда тенгсиз шахс бўлган. У ҳатто ҳайвонлар билан суҳбатлашиш қобилиятига эга эди. Кунлардан бир куни камбағал бир йигитчани қирда чаён чақади. Уни ўлимидан олдин, чиқмаган жондан умид қабилида Кўчқор мулла табибининг олдига олиб келишади. Сафарбой ота бу воқеани шундай тасвирлайди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Кўчқор мулла табиб тенгсиз кароматда,  
Ҳар кимни балодан асрар эрди қолса гар  
маломатда.*

*Менким Нурсафардий дедим:  
Нотавонни чақди чаён,  
Анингким бечоранинг ўлмоғи бўлди аён.*

*Менким Нурсафардий дедим:  
Олиб келдилар они ўлмак бурун қилиб сифо,  
Ва лек улким, табиб дуосидин топди шифо.*

*Менким Нурсафардий дедим:  
Кўчқор мулла табиб дуо қилмиш,  
Анинг бу каромати халойиқقا бўлди миши-миши.*

*Менким Нурсафардий дедим:  
Шу ҳол бўлдики аён  
Остонадан ҳатлаб келди, бегуноҳни чаққан чаён.*

Кўчкор мулла табиб шундай дуо ўқиганки, ўша чаён остона ҳатлаб кирган. Табиб уни игнада санчиб, совунга қадаб, токчага қўйган ва энди ўзи ўқиб тузатади, деганча хонадан чиқиб кетган. Эртаси эрталаб йигитча соғ-омон уйдан чиққан экан.

Сафарбой ота шеъриятида Аллоҳга интилиш, унинг ишқи биринчи галда турса, жамиятдаги ҳолдан ҳам четламайди. Инсонларни меҳр-оқибатга, диёнатга, садоқатли бўлишга ундайди. Ўз касбини севган табиб инсонларга доимий соғлик тилаб, шундай дейди:

*Менким Нурсафардий дедим:  
Дардлар эрур душманим,  
Гар кимни соғ кўрдим, кўнглим хуш маним.*

Замонамиз сўфийси Сафарбой ота ҳамиша шариатни хурмат билиб, тариқатда нур топганча, маърифатдан маъво излаб халқ манфаати йўлида beminnat хизмат қилган ориф инсондир.

Устоздан сўрадим:  
— Саломатликнинг калити нимада?

Ҳаким ул-тиббиёт дедилар:  
— Биринчиси улки, яъни тоза қалб, иккинчи-  
си улдир — Аллоҳга эътиқод ва зикр, охиргиси  
ўту гиёҳлар. Ана шу ҳислати ила ихлоси бўлмаган  
одам bemordir.

Устоздан сўрадим:  
— Коинотда борлиқни қандай изоҳлайсиз?

Ул ориф дедилар:  
— Она-замин коинот бўшлиғида муаллақдир.  
Фалакнинг бошқа сокинлик аъзолари каби ҳаётий  
салтанатни ягона Аллоҳ ўз қуввати ила мўътадил  
ҳолатда ушлаб турибди. Одамларнинг гуноҳи орт-

гани сари, бу замин жаҳаннам оламига айланиб, қиёматта юз тутади.

Бир киши шайх Сафарбой отага деди:

— Айтингчи, шайх, мана мени Аллоҳ яратди, ҳаётимда тақдир йўлимни ҳам белгилаб берди. Мен шу йўлда гуноҳлар қилдим. Ахир Аллоҳ тақдиримга гуноҳи азимни битган бўлса, нега жазоланишим керак?

Ул ориф дедилар:

— Аллоҳ сенга умр берганда тақдир йўлингда гуноҳларни сочиб қўядики, бандам мен берган синовлардан мардона ўтиб кетармикин, деб. Одамзодга онг нечун? Гуноҳ билан савобни ажратиш учун. Демакким, синовдан ўта олмабсан.

Устоздан сўрадим:

— Инсон қандай мавжудот?

Ул ориф дедилар:

— Одамзод коинот олдида кичкина бир заррадир. Лекин ана шу заррада атомдан ҳам кучли, қудратли қувват мавжуд.



## *So‘fiylikda suluk*

Aziz kitobxon! Ma'lumingizkim, yurtimiz mustaqillikka erishganidan so'nggina avlod-ajdodlarimizning tasavvufga oid ilmiy meroslari o'rganila boshlandi. Tasavvuf aslida so‘fiylik ma’nosini anglatadi. Shariat islam dinining po‘sti — zohiri bo‘lsa, tasavvuf mag‘zi — botinidir. Imam Kushayriy shariat bilan tasavvufni shunday qiyoslaydi: Shariat — badan, tasavvuf ruhdir. Shariat — so‘z, tasavvuf ma’nodir. Shariat — shakl, tasavvuf — mohiyat, shariat — dengiz, tasavvuf undagi dur. Shariat — sut, tasavvuf — qaymoq. Shariat — daraxt, tasavvuf mevadir. Shariat daraxtida pishmagan hol, vajd va ma’rifat mevalarining qadri yo‘qdir. Shu bois shariatsiz tasavvufni qabul qilib bo‘lmaydi.

Tasavvuf yo‘lidagilar shariat, tariqat va haqiqat yo‘lini o‘z darajalari bilan bosib o‘tib, uning mashaqqatli yo‘li orqali Haqqa oshno bo‘ladilar. Shu o‘rinda shariat haqida avval to‘xtam qilsak. Oriflar sultonni Ahmad Yassaviy demishlar:

— Ergashiladigan insonlar uch qismdir: shariat rahnamolari bo‘lgan olimlar va hukmdorlar, tariqat rahbarlari bo‘lgan shayx va so‘fiylar, haqiqat yo‘lboshchilari bo‘lgan oriflar va Haqqa yaqin bo‘lgan murshidlar. Agar olimlar va hukmdorlar shariatda amri ma'ruf va nahi munkarga riyoga qilsalar va boshqalarni ham shularga amal qilishni buyursalar, to‘g‘ri yo‘ldan adashmaydilar. Agar bu shariatga muvofiq bo‘imasalar, shariat yo‘ldan ozadilar. Shayxlar va so‘fiylar riyozat va mashaqqat chekish natijasida ko‘ngil olamini ochsalar, yetmish maqomdan o‘tib, g‘oyib arvoхlар va farishtalar bilan

suhbat qurishga erishadilar, bunday shayx va so‘fiylar tariqat yo‘lidan ozmaydilar.

Yana oriflar sultoni aytadilarki, «Shariat a’zolar bilan, ya’ni zohirda amal qilishdir». «A’zolar bilan» kalimasidan maqsad farz, vojib, sunnat va barcha odoblardir. Bilingki, «shariatda yuribman» deya da’vo qilganlar musulmon ataldilar.

Shayx Najmuddin Kubro (Alloh ul zotni o‘z rahmatiga olgan bo‘lsin) deydilarki: «Ba’zi kishilar «shariatda yuribman» desalar, ba’zilari «tariqatdaman», yana ba’zilari «haqiqat yo‘lidaman» deydi. «Shariatda yuribman» deya da’vo qiluvchilarni mo‘min va musulmon deyiladi. «Tariqatdaman» deguvchilar shayx, so‘fiy va zohid deyiladi. «Haqiqat yo‘lidaman» deydiganlarni esa orif, oshiq va muhib kabi ismlar bilan ataladi.

Oriflar sultoni aytganidek, shariat a’zolar bilan, ya’ni zohirda amal qilish bo‘lsa, tariqat kamolotga olib boruvchi muqaddas to‘rt yo‘Ining ikkinchisidir. Muhammad alayhissalom: «Shariat — so‘zim, tariqat — amallarim, haqiqat esa holimdir» demishlar. Ahmad Yassaviy esa «Shariat — hurmat, tariqat — xizmat, haqiqat himmatdir. Shariat — daraxt, gul g‘unchasi — vafo; tariqat — azim daraxt, samarası — fano; haqiqat — bir yog‘och, mevasi — baqo» demish.

Haqiqat — kamolotga olib boruvchi to‘rt yo‘Ining oxirgisi Janobi Haqning solikdagagi bashariy sifatlarni olib, o‘z ilohiy sifatlarini qo‘shishdir. Ya’ni haqiqat ahli bashariy sifatlardan ilohiy sifatlarga yuksalgan zotlardir.

Kushayriyning yozishicha, shariat fiqh ilmi bo‘lsa, haqiqat tasavvuf ilmidir. Haqiqat bilan shariat bir tanganing ikki tomonidir.

Haqiqat darajasini olgan mukarram zotlar so‘fiylardir. So‘fiy tasavvuf yo‘lida yurgan, tariqat odobi arkoniga rioya qiladigan, xalq orasida bo‘lsa ham Haq bilan birga bo‘lgan kishidir. So‘fiy — taqvodor,

qanoatkor, saxovatpesha bo'lib, jamiyat, insoniyat va hayvonot manfaati uchun xizmat qilishni o'zining vazifasi deb biladi. So'fiy qalbini nafsoniy hislardan musaffo aylab, dunyoviy chirkinliklardan poklaydi. So'fiylar Tavhid orqali Allohnинг yagonaligini qalban his etadilar. Haqning yagona va tengsiz ekanligini biladilar va xalqqa bildiradilar. Tasavvufda tavhid holi shundayki, so'fiy faqatgina bir Allohn ko'radi va uni biladi. Undan boshqa borliqni ko'rmaydi ham, bilmaydi ham. Shu jihatdan nafsidan foniylar Haq bilan boqiylik holiga erishgan mutasavviflarga muvahhid va tavhid ham deyiladi. Xalqning tavhidi — Xudoyi taoloni Bir eshitish, ziyolilar tavhidi — Bir bilish, xoslarning tavhidi — Bir ko'rishdir. Tavhid maqomlaridan «la mashhuda illalloh»ning uch martabasi bor: fe'l tavhidi — Haq taolo fe'llari bilan solikka tajalli etganda, solik barcha fe'llarni Haqdan ko'radi va «la foila illalloh deydi; sifat tavhidi — Haq solikka sifatlari bilan tajalli etganda, solik Allohn va uning sifatlarini ko'radi; zot tavhidi — Haq solikka zoti bilan tajalli etganda, solik mavjud o'laroq faqatgina Allohn ko'radi va «la mavjuda illalloh» deydi. Vahdadi vujud ahlining tavhidi ham shudir.

Tarixdan ma'lumki, tasavvuf ilmiga oid juda ko'plab manbalar mukarram zotlar, ulug' mashoyixlar tomonidan yozib qoldirilgan. Hozirgi davrimizning tasavvuf yo'lidagi zotlar haqida to'xtalmoqni o'zimizga farz deb bildik. Xo'sh, o'tgan asrlarda mukarram zotlar yashab, Haq yo'lida jonlarini fido qilish darajasida Allohn tanib, mukammal shaxs darajasiga yetganlar. Shariah yo'lidan borib, tariqat pog'onasiga ko'tarilganlar va undan so'nggina haqiqatga erishganlar. So'fiylar olam quyoshidirlar. Ular bu dunyoning zavq-u shavqidan kechib, o'zlarini Haq yo'lida taniganlar. Xoja Ahmad Yassaviy, Mahmud Halloj, Mashrab oshiqlar Haq yo'lida jonlarini qurban

qilganlar. Ma'lumingizkim, ana shunday so'fiylar Allohga bo'lgan muhabbatlarini she'riyat orqali ifoda etganlar. Shu o'rinda savol tug'ilishi tabiiy. Yillar o'tdi, asrlar o'tdi, shariatda keng yo'l, tariqatda ozod ilm, haqiqatda musaffo osmon, shunday ekan zamonamizda xoh Yassaviya, xoh Naqshbandiya, xoh Mavlaviya tariqati davomchilari bormi?

To'g'ri, tasavvuf olamida yangicha talqin, kashfiyotlar, albatta, tarix nuqtayi nazaridan olimlarimiz tomonidan o'rganilayapti va muxtasar kitob shaklida chop etilib, keng omma hukmiga havola etilayotir. Bu borada tasavvufchi olimlarimiz Najmiddin Komilov, Ibrohim Haqqulov, Mahkam Mahmudov, Asqar Mahkam va Hamidjon Hamidiylarning xizmatlari beqiyosdir. Ammo zamona zaylimizda davrning tariqat davomchilari haqida ahli olamda qiziqish uyg'onishi tabiiy. Men bu borada o'zining Nursafardiyya tariqatiga asos sola boshlagan zamondoshimiz Safarboy ota haqida to'xtalmoqchiman. Bu mukarram zot shariat yo'lidan munosib o'tgan, tariqatda o'z izlanishlari orqali haqiqat ostonasiga qadam qo'ygan, o'tmishda so'fiy darveshlar ilm izlab dunyo kezganlari singari dunyoning deyarli barcha mamlakatlarda bo'lib, ilm-u irfon o'rganib qaytgan shaxsdir. O'z qarashlarini Yassaviya tariqati davomchisi deb boshlagan Safarboy ota tasavvuf olamida o'zining yangicha dunyoqarashi orqali Haqqa yetishmoqning maqbul yo'llarini tom ma'noda tasvirlab beradi. Chin ma'noda aytadigan bo'lsak, zamonamizning haqiqiy so'fiysi. Nursafardiyya tariqatiga asos sola boshlagan Safarboy ota buyuk ajdodlar yo'lidan borib, so'fiylik olamida o'zini tanigan insondir. Avvaldan ma'lumki, so'fiylarning hayoti har doim tahlikada kechgan. Tariqat bosqichi yoxud haqiqat olamidagi so'fiyning qarashlari shariat ahkomlariga to'g'ri kelavermagan. Buning isbotini

mashhur va buyuk tasavvufchi olim Mansur Halloj taqdirida ko'rishimiz mumkin.

Tariqat yo'lidagi ulamo, orif Haq jamolini istaydi. Uning quvvatidan quvvat olib, Allohning muhabbatiga sazovor bo'ladi. Payg'ambarimiz Muhammad rasuli akram sollallohu alayhi vasallam (ul zotga Allohning salavoti va salomi bo'lsin) deydilarki, sen Allohga shunday zikr ibodat qilginki, mayli, seni jinni deb o'ylasinlar.

Balki so'fiylar Allohga bo'lgan kuchli ishtiyoqi, borliqdan kechib, fano tashvishlaridan ozod, baqo nafasi bilan yashaganlari uchun ham darvesh nomini olgandirlar.

So'fiy kim? U o'zligidan kechgan, yolg'iz Allohning ishqida yonib, unga tun-u kun zikr qiluvchi orifdir. So'fiylar bo'limganda balki tasavvuf olami bo'lmasdi. Ayni damda ajdodlarimiz so'fiylari ilmini o'rganyapmiz, mushohada etyapmiz. Tariqat asoschilarining Alloh yo'lidagi ilm-u irfonlaridan ba'zan hayratga tushamiz. Hikmatlaridan baha olamiz. Bu manbalar Allohnini tanishda muhim qo'llanma hisoblanadi.

Ma'lumki, o'tmishda ko'plab so'fiylarning ilmlari bizga meros bo'lib qolgan. Ularning ilm-u irfonlarini yozma manbalar orqali o'rGANAMIZ. So'fiylik cheksiz olam ekan. Uning qirralari ko'p deyishadi. Ana shu ko'p qirrali so'fiy olamida o'zligini topgan Safarboy ota o'z qarashlarini, ya'ni Nursafardiyha tariqatining mevasini nazariyotda emas, u orqali amaliyotda qo'llamoqda. O'tmishda yashab o'tgan buyuk so'fiylar bilan hozirgi zamon so'fiysining farqi nimada, degan savol tug'ilishi tabiiy. Ma'lumki, o'tmishda so'fiylar o'zlikdan kechgan, goho uzlatga chekinib, tarki dunyochilik orqali Haqqa intilgan. Darveshona kun kechirib, hikmat-u nasihatlar bitganlar. Bu o'lmas asarlar to bizning kunimizga qadar va bundan keyin ham yashashi shubhasiz. Zamonamiz so'fiysi ajdodlar ilmini mukammal egallab, Haq yo'lida o'zlikdan kecharkan, so'fiylik nazariyasini amaliyotga qo'llab,

uni keng omma hukmiga havola etmoqda. Bunday hol, xususan, sharq islom olamida hali kuzatilmagan ekan. So‘fiy amaliyoti nima? Bunga yaqqol misol qilib so‘fiy tabobati, so‘fiy jang san’ati va so‘fiy harakati tizimini ko‘rsatish mumkin. Safarboy otaning ayti-shicha, har zamonning o‘ziga yarasha zayli bor. Hozirda denga ozodlik, tariqqatga hurmat bildirilgan demokratik jamiyatda uzlatga chekinish shart emas. Ya’nikim, har bir kishi Allohnin doimiy zikr etgan holda xalq manfaati yo‘lida jonfidolik, jonbozlik ko‘rsatishi kerak. So‘fiy tabobati xalq manfaati yo‘lidagi so‘fiyona xizmatning ko‘rinishlaridan biri. Tabiblik ilmini mukammal egallagan Safarboy ota Baxmal va baland Tyanshan tog‘larida yozning issiq jazirama kunlarida yalangoyoq kezib, xalqning dardiga davo izlab, o‘t-giyohlar yig‘adi. Ayni damda, Toshkentda yakdillik so‘fiy tabobati, Jizzax shahrida «Yassaviy Turkiston xalq markazi» faoliyat yuritib, dardiga shifo izlab kelganlarga darmon bo‘lmoqda. Markazga nafaqat respublikamiz, balki qo‘shni Qozog‘iston, Rossiya va bir qancha xorij davlatlari mijozlari ham murojaat etishmoqda. So‘fiy tabobati mukammal tabobat. Chunki Allah yo‘lida turgan ulamoyi tabib, avvalambor, mijozga quvvatiy mehrini beradi. Safarboy ota deydiki: Qodir Allah o‘z qudrati ila Odam alayhissalomni yaratib, unga umr va’da qilib, uning sog‘ligini o‘zi himoya ostiga olgan. Unga yer yuzida yashashni, oziq-ovqat topishni o‘rgatgan. Shis alayhisalomga ellik varaq sahifa nozil etganida shundan o‘n yetti varag‘ida odam o‘zining sog‘ligini saqlash maqsadidagi amallar, ya’ni ilohiy tabobat bergen. So‘fiylik va so‘fiy tabobati uning himmati va saxovati ila boshlangan. So‘fiylik amali, avvalo, olam mashhari Allahga zikr qilmoq, so‘ngra tabobat ilmini qo‘llashdir.

So‘fiy tabobati Nursafardiyya tariqatining assosiy ko‘rinishlaridan biri. Safarboy ota o‘zining energetik

quvvati bilan davolash xususiyatiga ham ega. Quvvat Allohdan, deydi u kishi.

Safarboy otaning yangi tariqatga asos solishida ham ma'no bor. Ya'ni uning ota-bobolari, avlod-ajdodlari buyuk ulamolar o'tishgan. Otasi Nurboy ota ilmda kuchli bo'lib, o'z pahlavonligi bilan dong taratgan. Bobosi Qo'chqor mulla tabib o'z karomatlari bilan zamonasining mashhur ulamolaridan bo'lgan. Demak, so'fiylik alomatlari qondan-qonga o'tib, uning davomchisi Safarboy ota o'z qarashlarini amaliyatda qo'llamoqda. Yana shuni aytib o'tmoq joizki, Safarboy otaning ajdodlari Xoliqul Zo'rmergan, Bo'rta va Bacha botirlar so'fiy jang san'atining mohir ustalari bo'lgan ekanlar. So'fiy jang san'atini ham Safarboy ota keng omma ahliga havola etib, go'zal bu san'atdan ko'plab yoshlar bahra olmoqdalar. Ayni damda Safarboy otaning ushbu yo'nalishda yigirma besh mingdan ziyod shogirdi bor. Bu borada u kishi shunday deydi: So'fiy jang san'atining mohiyati shundaki, karate, taekvando, ushu, kungfu jang san'ati to'rtinchi osmon bo'lsa, so'fiy jang san'ati yettinchi osmondir. Shundan ma'lumki, tarixda so'fiylar Allohdan tengsiz quvvat manbayi olganlar. Ular Haq yo'lidagi ilm va intilishlari bilan birga shunday jang san'atiga ham sazovor bo'lganlarkim, bunday ilohiy quvvat bilan yetti iqlimni qo'rmasdan darveshona kezganlar. So'fiy jang san'ati chegara bilmas manbadir.

So'fiy jang san'ati ilohiy ilmgaga asoslangan mukammal insonning jang san'atidir. Nursafardiyya tariqati asoschisi Safarboy ota ana shunday udumlarni kashf etib, unga yangicha asos soldi. Bu g'oyalarning amaliyotda qo'llanishi xalqimiz uchun yangilik va quvonarli holdir. Ushbu risolada tariqat haqida qisqacha to'xtaldik, xolos. Asosiy maqsadimiz esa Siz, aziz kitobxonni so'fiy she'riyati orqali Nursafardiyya

hikmatlari va ilohiy quvvatga yo‘g‘rilgan she’riy his-siyotlardan xushnud etishdir.

Bu risola ushbu tariqatning beshinchchi kitobidir. Ilgari «So‘fiy jang san’ati», «So‘fiy tabobati», «So‘fiy gim-nastikasi», «So‘fiy nafasiyoti» nomli kitoblar nashrdan chiqib, omma ahliga yetib borgandi. Endi risolani Safarboy ota «So‘fiy she’riyati» deb ataganlar. Aksariyat so‘fiylar Allohgaga bo‘lgan ishqlarini she’riyat orqali bayon etganlar. Boshida o‘zni Yassaviya tariqati davomchisi deb his etgan Safarboy ota ushbu udum-dan uzoqlashmay, o‘z dard-u oshuftaligini Allohgaga zikr-la boshlab, she’riyat orqali tarannum etadi.

Xoja Ahmad Yassaviy:

*Pirni lutfi, Haqni lutfi tariqatda,  
Haq in’omi pirga yetar haqiqatda.  
Xodiy bo‘lib yo‘lg‘a solg‘on ma’rifatda  
Eshitib, o‘qub, xizmat qiling, do’starimo,—*

desa, Nursafardiy:

*Yo‘lning boshi kalimayi shariatda,  
Pirning yo‘li kalimayi tariqatda.  
Nur izlabon tildan qo‘yma ma’rifatni  
Boqiy sana, Alloh ilmi haqiqatda,—*

deydi.

Mana, ikki tariqatning bir xil, ya’ni Allohgaga intilish yo‘lidagi armoni. Albatta, Safarboy ota Yassaviya tariqatining davomchisi bo‘lgan. Ammo o‘z tariqatiga asos sola boshlasa-da, pirning qarashlariga zid yo‘l tutmaydi. So‘fiylik bir qolipdagi shaxs emas. Haqiqiy so‘fiy doim izlanishda bo‘ladi. Chunki Allohnning sir-sinoatlari cheksizdir. So‘fiy Safarboy ota o‘z she’riyati orqali Haqni tarannum etgan holda undan savollar so‘raydi, unga yetishmoqni qiyin va armonli his qilsada, o‘zi to‘xtab turmaydi. Bu yo‘ldagi yangi kashfiyotlar, doimiy zikr, xalq yo‘lidagi beminnat xizmatlari uning uchun Haqning jamolini oydinlashtiradi. Mukammallik darajasi bilan unga yaqinlashadi. So‘fiy

she'riyati, asosan, Haqni kuylaydi. She'riyat orqali o'z qarashlarini Allohga nisbatan namoyon etib, unga intiladi. Safarboy otaning ham she'riyatida Haq yo'lida kurashmoq, Haqni tanimoq o'z ifodasini topgan. U kishi shariat, tariqat, ma'rifat va haqiqatda tutgan yo'lini shunday tasvirlaydi, ya'ni shariatda:

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Shariatda bo'ldim Allohga quldek,*

*Onchakim hamd-u sanolarim gulga oshiq bulbuldek.*

Ma'nosi, shariatda Allohning barcha amallariga rioya etdim. Bulbul gulga oshiq bo'lib, uning ishqida yongani kabi, mening ham Allohga hamd-u sanolarim shu qadar.

Bu birinchi bosqich. U shariatda Allohga qul bo'lishni istamay, Alloh yo'lini izlab, Tariqatga qadam qo'yadi. Tariqatdagi holini Safarboy ota quyidagicha tasvirlaydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Tariqatda izlab Haq jamolini,*

*Ishqi bilan yondim, vujudda jo etdim holini.*

Demak, Haq yo'lini istagan inson Alloh yo'lida riyozat chekadi. Haq jamolida yonib, u sari intilar ekan, so'fiyning haqiqiy kamolot cho'qqisiga yet-ganidan darak beradi. Tariqat yo'li riyozat bo'lsa, ma'rifat ma'vo, demak, komil inson ma'rifatga erishgach, undan cheksiz ilm-u irfon topadi. Safarboy ota ma'rifatni shunday tasvirlaydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Ma'rifatda ma'vo topdim,*

*Alloh jamolini ko'rib, husni jamoliga dong qotdim.*

So'fiylikka moyil kishi o'zligidan kechgan, bu dunyoning ikir-chikirlari unga begona. U faqat Alloh ishqida yonadi. Kecha-yu kunduz uning jamoli uchun zikr qiladi. Ma'rifat Alloh bilan so'fiy orasidagi

pardaning yo‘q bo‘lishi, ya’ni so‘fiy ma’rifatga erish-gach, Haq jamolini ko‘ra boshlaydi. So‘fiyning maqsadi Haq jamolini ko‘rib va oxir-oqibat unga qo‘silib ketish ekan. Uning ifodasini Safarboy ota quyidagicha tasvirlaydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Haqiqatda, Haq birla o‘zni jo ettim,  
Va aning quvvatiga mustajo kettim.*

She’rning mazmun-mohiyati insonning eng yuqori kamolot darajasiga yetganidan so‘ng Allohga qul emas, do‘sit sifatida o‘zni namoyon etib, unga qo‘silib ketish ma’nosini anglatadi. Qur’oni karimda ham «Valikullin darajatun mimma amilu» deyilgan. Alloh deydiki, o‘z darajangizni izlang. So‘fiy ana shu daraja haqida qayg‘uradi, riyozat chekadi.

Safarboy ota Alloh yo‘lida intilishda, asosan, zikrga e’tibor qaratgan. U nafaqat o‘z yo‘lida, balki zamon-doshlari tasavvurida ham Alloh ishqini uyg‘otishga, uning yo‘lida sobitqadam bo‘lishga chorlaydi. Gohida tanbeh beradi.

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Qilma dilingni hayron,  
Ishqsizlikdanki, dil oshyon ni vayron.*

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Mol-u dunyo ishqida o‘tding, daf’atan,  
Yotganing bo‘yraki, topganing kafan.*

Ya’ni, so‘fiy deydilarki, mol-u dunyo talashib, kibr-u havoga berilib, kuch-quvvatingga hayron bo‘lma, dilingni ishqszlikdan vayron etma, mol-u dunyo ishqida yonding, kuyding, oxir-oqibat topganing kafan bo‘ldi. Safarboy ota deydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Kibr-u havodan saqlan,  
Allohnинг yo‘lini tanlagil aqlan.*

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Bilki, gunohingga so 'ngra davo yo 'q,*

*Jannat eshigida senga ma 'vo yo 'q.*

Kibr-u havo, diyonatsizlik, oqibatsizlik Allohga xush emas. Demakki, bunday xusumatli, mehr-shafqatdan yiroq kimsalar gunohkordirlar. Ularning oxiratda jannat eshigi oldida bosh egib o'tirishlaridan foyda yo'qdir. Shu bois to'rt kunlik omonat dunyoda Alloh yo'lini tanlamoq, unga doimiy hamd-u sanoda bo'lmoq jannat kalitidir. Shunday xulosa qilgan Safarboy ota deydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Oncha qilsang niyat,*

*Niyatkim ondan topding mohiyat.*

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Gunohdan etib or,*

*Ki sen Alloh yo 'lida taqvodor.*

Ma'lumki, Safarboy otaning qalbida Allohga ishq bo'lisa, hunari tabiblikdir. U xalq salomatligi yo'lida tinimsiz izlanib, musaffo o't-giyohlardan kasallik turlariga qarshi kurashadi. Safarboy ota deydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Xasta holi nadur,*

*Chi dardi chiqdi o 'ldirdim quvvat-u darmondan.*

Kamolotga yetgan so'fiy tabib quvvatga ishonadi. Alloh quvvati orgali xastalikni oson yengadi. Qancha-qancha bemorlarning turli xil dardlariga shifo bergen tabib bir she'rida:

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Davosi yo 'qdir ajalning,*

*Topgay o 'zga dard davo, topma dargumondan, —*  
deydi.

Demak, dard boshqa, ajal boshqa. Ajalning davosi yo'q ekan, boshqa ne dard borki, davosi bor. So'fiy tabib bu borada kuchli tajribaga ega. Uning o'tgan

avlod-ajdodlari ham tabib o'tgan. Bu ko'rinishni u shunday deydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Sulolayi tabibman,  
Ota meros chun yurakka o'tdi qondan.*

Safarboy otaning bobosi Qo'chqor mulla tabib kuchli tabib o'tgan. O'z zamonasining mashhur ularmosini tabib shunday tasvirlaydilar:

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Bobom erur Qo'chqor mulla tabib,  
Tabiblarning tabibidur ulkim ulamoyi habib.*

Darhaqiqat, Qo'chqor mulla tabib karomatda tengsiz shaxs bo'lgan. U hatto hayvonlar bilan suhbatlashish qobiliyatiga ega edi. Kunlardan bir kuni kambag'al bir yigitchani qirda chayon chaqadi. Uni o'limidan oldin, chiqmagan jordan umid qabilida Qo'chqor mulla tabibning oldiga olib kelishadi. Safarboy ota bu voqeani shunday tasvirlaydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Qo'chqor mulla tabib tengsiz karomatda,  
Har kimni balodan asrar erdi qolsa gar malomatda.*

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Notavonni chaqdi chayon,  
Aningkim bechoraning o'lmog'i bo'ldi ayon.*

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Olib keldilar oni o'lmak burun qilib sifo,  
Va lek ulkim, tabib duosidin topdi shifo.*

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Qo'chqor mulla tabib duo qilmish,  
Aning bu karomati xaloyiqqa bo'ldi mish-mish.*

*Menkim Nursafardiy dedim:  
Shu hol bo'ldiki ayon,  
Ostonadan hatlab keldi, begunohni chaqqan chayon.*

Qo'chqor mulla tabib shunday duo o'qiganki, o'sha chayon ostona hatlab kirgan. Tabib uni ignada sanchib,sovunga qadab, tokchaga qo'ygan va endi o'zi o'qib tuzatadi, degancha xonadan chiqib ketgan. Ertasi ertalab yigitcha sog'-omon uydan chiqqan ekan.

Safarboy ota she'riyatida Allohga intilish, uning ishqil birinchi galda tursa, jamiyatdag'i holdan ham chetlamaydi. Insonlarni mehr-oqibatga, diyonatga, sadoqatli bo'lishga undaydi. O'z kasbini sevgan tabib insonlarga doimiy sog'lik tilab, shunday deydi:

*Menkim Nursafardiy dedim:*

*Dardlar erur dushmanim,*

*Gar kimni sog' ko'rdim, ko'nglim xush manim.*

Zamonamiz so'fiysi Safarboy ota hamisha shariatni hurmat bilib, tariqatda nur topgancha, ma'rifatdan ma'vo izlab xalq manfaati yo'lida beminnat xizmat qilgan orif insondir.

Ustozdan so'radim:

— Salomatlikning kaliti nimada?

Hakim ul-tibbiyot dedilar:

— Birinchisi ulki, ya'ni toza qalb, ikkinchisi uldir — Allohga e'tiqod va zikr, oxirgisi o't-u giyohlar. Ana shu hislati ila ixlosi bo'Imagan odam bemordir.

Ustozdan so'radim:

— Koinotda borliqni qanday izohlaysiz?

Ul orif dedilar:

— Ona-zamin koinot bo'shlig'ida muallaqdir. Falakning boshqa sokinlik a'zolari kabi hayotiy saltanatni yagona Alloh o'z quvvati ila mo'tadil holatda ushlab turibdi. Odamlarning gunohi ortgani sari, bu zamin jahannam olamiga aylanib, qiyomatga yuz tutadi.

Bir kishi shayx Safarboy otaga dedi:

— Aytingchi, shayx, mana meni Alloh yaratdi, hayotimda taqdir yo'limni ham belgilab berdi. Men

shu yo'lda gunohlar qildim. Axir Alloh taqdirimga gunohi azimni bitgan bo'lsa, nega jazolanishim kerak.

Ul orif dedilar:

— Alloh senga umr berganda taqdir yo'lingda gunohlarni sochib qo'yadiki, bandam men bergen sinovlardan mardona o'tib ketarmikin, deb. Odamzodga ong nechun? Gunoh bilan savobni ajratish uchun. Demakkim, sinovdan o'ta olmabsan.

Ustozdan so'radim:

— Inson qanday mavjudot?

Ul orif dedilar:

— Odamzod koinot oldida kichkina bir zarradir. Lekin ana shu zarrada atomdan ham kuchli, qudratli quvvat mavjud.



# *Нұрсафардий ҳикматлари*



*Nursafardiy hikmatlari*



Менким Нурсафардий дедим:  
Шариатда бўлдим Аллоҳга қулдек,  
Ончаким ҳамду саноларим гулга ошиқ  
булбулдек.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Shariatda bo'ldim Allohga quldek,  
Onchakim hamd-u sanolarim gulga oshiq  
bulbuldek.



Менким Нурсафардий дедим:  
Тариқатда излаб Ҳақ жамолини,  
Ишқи билан ёндим вужудда жо эттим  
ҳолини.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Tariqatda izlab Haq jamolini,  
Ishqi bilan yondim vujudda jo ettim holini.





Менким Нурсафардий дедим:  
Маърифатда маъво топдим,  
Аллоҳ жамолини кўриб, ҳусни камолига  
донг қоттим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ma'rifatda ma'vo topdim,  
Alloh jamolini ko'rib, husni kamoliga  
dong qottim.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳақиқатда Ҳақ бирла ўзни жо этдим  
Ва анинг қувватига мустажо кеттим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Haqiqatda Haq birla o'zni jo etdim  
Va aning quvvatiga mustajo kettim.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ўтди Ҳақ деб Мансур Ҳаллож,  
Улким олди Худодан қувват ила мулки  
ривож.

Menkim Nursafardiy dedim:  
O'tdi Haq deb Mansur Halloj,  
Ulkim oldi Xudodan quvvat ila mulki  
rivoj.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳаллож каби тақдирим ўхшаш,  
Балким керакмасдир қул каби яшаш.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Halloj kabi taqdirim o'xshash,  
Balkim kerakmasdir qul kabi yashash.





Менким Нурсафардий дедим:  
Аллоҳ, даражамни берким, ўшал он  
Ризоман қўксимга отсинлар камон.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Alloh, darajamni berkim, o'shal on  
Rizoman ko'ksimga otsinlar kamon.



Менким Нурсафардий дедим:  
Аллоҳ ишқида ишқи парвонаман,  
Васли жамоли пинҳон ҳамон ҳайронаман.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Alloh ishqida ishqii parvonaman,  
Vasli jamoli pinhon hamon hayronaman.





Менким Нурсафардий дедим:  
Тариқатда ҳолни уйғотдим,  
Ўзлигимни қувват йўлида топдим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Tariqatda holni uyg'otdim,  
O'zligimni quvvat yo'lida topdim.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳақнинг жамолида ёна бил,  
Тариқат ашъорини дурдона бил.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Haqning jamolida yona bil,  
Tariqat ash'orini durdona bil.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳикматларим мўл,  
Аллоҳнинг йўлида событқадам бўл.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Hikmatlarim mo'l,  
Allohning yo'lida sobitqadam bo'l.



Менким Нурсафардий дедим:  
Вафони ишқ бил,  
Аллоҳ қуввати-ла ўзни ошиқ бил.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Vafoni ishq bil,  
Alloh quvvati-la o'zni oshiq bil.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ишқдан ишқ изладим,  
Ишқнинг ишқи имкон, ишқсиз бўзладим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ishqdan ishq izladim,  
Ishqning ishqqi imkon, ishqqsiz bo'zladim.



Менким Нурсафардий дедим:  
Анча йиғлама,  
Дунё молини деб бағринг тиғлама.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ancha yig'lama,  
Dunyo molini deb bag'ring tig'lama.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ки дунё талашур, қуриб ошёна,  
Фариб, Ҳақ йўлин истаб, мен долу девона.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ki dunyo talashur, qurib oshyona,  
G'arib, Haq yo'lin istab, men dol-u devona.



Менким Нурсафардий дедим:  
Дунё ҳасратинг,  
Ки тоатга етмас ҳамон фурсатинг.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Dunyo hasrating,  
Ki toatga yetmas hamon fursating.





Менким Нурсафардий дедим:  
Хою ҳавасдасан ҳар он,  
Гуноҳдан бино қурубсан, билмайсан  
ҳамон.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Hoy-u havasdasan har on,  
Gunohdan bino qurubsan, bilmaysan hamon.



Менким Нурсафардий дедим:  
Молу дунё қўлнинг кири,  
Ҳаққа ишон, жаннат нури Ҳақнинг сири.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Mol-u dunyo qo'lning kiri,  
Haqqa ishon, jannat nuri Haqning siri.





Менким Нурсафардий дедим:  
Имонни пок айла,  
Фаразу кибру ҳавони ҳар дам чок айла.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Imonni pok ayla,  
G'araz-u kibr-u havoni har dam chok ayla.



Менким Нурсафардий дедим:  
Умрни омонат бил,  
Аллоҳни зикр айлаб,  
Ҳақ учун матонат қил.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Umrni omonat bil,  
Allohni zikr aylab,  
Haq uchun matonat qil.





Менким Нурсафардий дедим:  
Зикрда маъво бор,  
Гуноҳинг ювилса гар, жаннатга даъво бор.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Zikrda ma'vo bor,  
Gunohing yuvilsa gar, jannatga da'vo bor.



Менким Нурсафардий дедим:  
Оlamни жаннат билма,  
Омонат жаннат недур, тоатинг канда  
қилма.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Olamni jannat bilma,  
Omonat jannat nedur, toating kanda qilma.





Менким Нурсафардий дедим:  
Қилма дилингни ҳайрон,  
Ишқсизликдан ки дил ошёни вайрон.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qilma dilingni hayron,  
Ishqsizlikdan ki dil oshyonи vayron.



Менким Нурсафардий дедим:  
Молу дунё ишқида ўтдинг, дафъатан,  
Ётганинг бўйраки, топганинг кафан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Mol-u dunyo ishqida o'tding, daf'atan,  
Yotganing bo'yraki, topganing kafan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Дийдори Ҳақ қиёматда,  
Ҳақ юзини кўрмоқ, оқибат диёнатда.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Diydori Haq qiyomatda,  
Haq yuzini ko'tmoq, oqibat diyonatda.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ишқим Худодан,  
Ишқимни ишқини асра жудодан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ishqim Xudodan,  
Ishqimni ishqini asta judodan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ишқингнинг зори,  
Қалбим ташна сенга, эй, қувват  
Шунқори.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ishqingning zori,  
Qalbim tashna senga, ey, quvvat Shunqori.



Менким Нурсафардий дедим:  
Кечдим бу фано,  
Фаноким, анда сенсиз йўқ маъно.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Kechdim bu fano,  
Fanokim, anda sensiz yo‘q ma’no.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кўрмай диёнат,  
Одамдан яралди хирсу хиёнат.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ko‘rmay diyonat,  
Odamdan yaraldi xirs-u xiyonat.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳамон лол эдим,  
Бу не каромату, бу не ҳол, дедим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Hamon lol edim,  
Bu ne karomat-u, bu ne hol, dedim.





Менким Нурсафардий дедим:  
Покни расо кўрмадим,  
Ки ақли нопокни расво кўрмадим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Pokni raso ko'rmadim,  
Ki aqli nopolni rasvo ko'rmadim.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳамон адоман,  
Жамолингни кўрсат, ғамгин гадоман.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Hamon adoman,  
Jamolingni ko'rsat, g'amgin gadoman.





Менким Нурсафардий дедим:  
Зебга йўқ ҳавас,  
Сенинг ишқинг бирла олганда нафас.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Zebga yo‘q havas,  
Sening ishqing birla olganda nafas.



Менким Нурсафардий дедим:  
Йўлим тариқатда,  
Тилим шариатда, кўнглим ҳақиқатда.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Yo‘lim tariqatda,  
Tilim shariatda, ko‘nglim haqiqatda.





Менким Нурсафардий дедим:  
Қалбим муҳаббатда,  
Даражам ҳолимда, фикрим маърифатда.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qalbim muhabbatda,  
Darajam holimda, fikrim ma'rifatda.



Менким Нурсафардий дедим:  
Пойи эмасман,  
Үтса умрим кетди зое демасман.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Poyi emasman,  
O'tsa umrim ketdi zoye demasman.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ибрат фунчаси,  
Камолот бобида йўқдир унчаси.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ibrat g'unchasi,  
Kamolot bobida yo'qdir unchasi.



Менким Нурсафардий дедим:  
Хикматим бисёр,  
Тингланг, бўлғусидир илоҳий ҳис ёр.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Hikmatim bisyor,  
Tinglang, bo'lg'usidir ilohiy his yor.





Менким Нурсафардий дедим:  
Хақдин тила паноҳ,  
Дўзах остонасида чи кора оҳ-воҳ.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Haqdin tila panoh,  
Do'zax ostonasida chi kora oh-voh.



Менким Нурсафардий дедим:  
Аллоҳ, қувват бер,  
Туну кун бедорман, ишқим сени дер.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Alloh, quvvat ber,  
Tun-u kun bedorman, ishqim seni der.





Менким Нурсафардий дедим:  
Висол арши аълода,  
Жамоли пинҳондир, анинг шиддати арши  
амлода.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Visol arshi a'loda,  
Jamoli pinhondir, aning shiddati arshi amloda.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳар он, ҳар нафас,  
Аллоҳга меҳр қўй, Аллоҳдан ҳавас.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Har on, har nafas,  
Allohga mehr qo'y, Allohdan havas.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кибран сақлан,  
Аллоҳнинг йўлини танлагин ақлан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Kibrdan saqlan,  
Allohning yo'lini tanlagin aqlan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Билки, гуноҳингга сўнгра даво йўқ,  
Жаннат эшигига сенга маъво йўқ.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Bilki, gunohingga so'ngra davo yo'q,  
Jannat eshigida senga ma'vo yo'q.





Менким Нурсафардий дедим:  
Тилингда Аллоҳу, дилингда ғараз,  
Хақнинг жамолини қилмайсан ғараз.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Tilingda Alloh-u, dilingda g‘araz,  
Haqning jamolini qilmaysan faraz.



Менким Нурсафардий дедим:  
Оламни омонат билмайсан, аммо  
Биласан, охират оғир муаммо.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Olamni omonat bilmaysan, ammo  
Bilasan, oxirat og‘ir muammo.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кўнглимни пок этсам Аллоҳ нуридан,  
Имонга жой берсам қалбим тўридан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ko'nglimni pok etsam Alloh nuridan,  
Imonga joy bersam qalbim to'ridan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Иномнанг токи  
Мен аршга етгунча қувват зўридан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Inonmang toki  
Men arshga yetguncha quvvat zo'ridan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Замона зайлига қаранг,  
Хақдин узоқлашдилар, ҳай, ҳай, ҳай  
аттанг.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Zamona zayliga qarang,  
Haqdin uzoqlashdilar, hay, hay, hay attang.



Менким Нурсафардий дедим:  
Аёлда хиёнат бисёр,  
Айтинг-чи, чин вафо қай хаёлда бор.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ayolda xiyonat bisyor,  
Ayting-chi, chin vafo qay xayolda bor.





Менким Нурсафардий дедим:  
Қайдан онча хиёнат,  
Эрларнинг бошига ёғди маломат.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qaydan oncha xiyonat,  
Erlarning boshiga yog'di malomat.



Менким Нурсафардий дедим:  
Нур бер, аёлга,  
Токи бормасинлар нопок хаёлга.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Nur ber, ayoغا,  
Toki bormasinlar nopol xayolga.





Менким Нурсафардий дедим:  
Аёл фарзанд онаси,  
Бағри бутун бўлса, бутдир хонаси.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ayol farzand onasi,  
Bag‘ri butun bo‘lsa, butdir xonasi.



Менким Нурсафардий дедим:  
Эркакда не сир бор,  
Эркаклар ичинда кўплаб сўқир бор.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Erkakda ne sir bor,  
Erkaklar ichinda ko‘plab so‘qir bor.





Менким Нурсафардий дедим:  
Иmonsiz erkak  
Хирсу ҳавасларга бўлдилар эрмак.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Imonsiz erkak  
Hirs-u havaslarga bo'ldilar ermak.



Менким Нурсафардий дедим:  
Нур бер эркакка,  
Ўфри, каззоб, қаллоблар қолсин эртакка.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Nur ber erkakka,  
O'g'ni, kazzob, qalloblar qolsin ertakka.





Менким Нурсафардий дедим:  
Дардан эзилар бағир,  
Иймони йўқларнинг гуноҳи оғир.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Darddan ezilar bag'ir,  
Iymoni yo'qlarning gunohi og'ir.



Менким Нурсафардий дедим:  
Меҳр бир яшна,  
Фарзанддан кечганга дўзах ҳам ташна.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Mehr bir yashna,  
Farzanddan kechganga do'zax ham tashna.





Менким Нурсафардий дедим:  
Хақ танимас харобдир,  
Гуноҳга ботганлар бағри саробдир.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Haq tanimas xarobdir,  
Gunohga botganlar bag'ri sarobdir.



Менким Нурсафардий дедим:  
Покликни дилга хон эттим,  
Аллоҳ ишқини вужудда жон эттим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Poklikni dilga xon ettim,  
Alloh ishqini vujudda jon ettim.





Менким Нурсафардий дедим:  
Бобом эрур Кўчқор мулла табиб,  
Табибларнинг табибидур, улким уламои  
ҳабиб.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Bobom erur Qo‘chqor mulla tabib,  
Tabiblarning tabibidur, ulkим ulamoyi habib.



Менким Нурсафардий дедим:  
Онча ўтмаган ориф ҳаргиз,  
Ончаким, бир дуо бирла bemorni etti  
фарангиз.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Oncha o‘tmagan orif hargiz,  
Onchakim, bir duo birla bemorni etti  
farangiz.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ул зот биларди ҳайвон тили,  
Илону ўргимчак бирла суҳбатдаким,  
одамизод ноёб хили.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ul zot bilardi hayvon tili,  
Ilon-u o'rgimchak birla suhbatdakim,  
odamizod noyob xili.



Менким Нурсафардий дедим:  
Кўчқор мулла табиб, тенгсиз кароматда,  
Ҳар кимни балодан асрар эрди, қолса  
гар маломатда.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qo'chqor mulla tabib, tengsiz karomatda,  
Har kimni balodan asrar erdi, qolsa gar  
malomatda.





Менким Нурсафардий дедим:  
Нотавонни чақди чаён,  
Анингким, бечоранинг ўлмоғи бўлди аён.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Notavonni chaqdi chayon,  
Aningkim, bechoraning o'lmoshi bo'ldi  
ayon.



Менким Нурсафардий дедим:  
Олиб келдилар ани, ўлмак бурун қилиб  
сифо,  
Ва лек улким, табиб дуосидин топди  
шифо.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Olib keldilar ani, o'lmak burun qilib sifo,  
Va lek ulkim, tabib duosidin topdi shifo.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кўчқор мулла табиб дуо қилмиш,  
Анинг бу каромати, халойиқقا бўлди  
миш-миш.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qo'chqor mulla tabib duo qilmish,  
Aning bu karomati, xaloyiqqa bo'ldi  
mish-mish.



Менким Нурсафардий дедим:  
Шу ҳол бўлдиким аён,  
Остонадан хатлаб келди бегуноҳни  
чаққан чаён.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Shu hol bo'ldikim ayon,  
Ostonadan xatlab keldi begunohni chaqqan  
chayon.





Менким Нурсафардий дедим:  
Онча каромат кимда бор,  
Кимда борким, анингда ишқим бор.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Oncha karomat kimda bor,  
Kimda borkim, aningda ishqim bor.



Менким Нурсафардий дедим:  
Этти bemor қалбларни шод,  
Гар bemor salomatkim, анинг хонадони  
обод.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Etti bemor qalblarni shod,  
Gar bemor salomatkim, aning xonadoni  
obod.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кўчқор мулла табиб фикри,  
Аллоҳ қувватида эрди, ҳамду сано қилиб  
зикри.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qo‘chqor mulla tabib fikri,  
Alloh quvvatida erdi, hamd-u sano qilib  
zikri.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ҳирсу ҳавас табибга ёт,  
Учунким ул эришди, қалби тўла  
илоҳиёт.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Hirs-u havas tabibga yot,  
Uchunkim ul erishdi, qalbi to‘la ilohiyot.





Менким Нұрсафардий дедим:  
Хаққа яқин ерди, ул зот,  
Тариқат илміда қувват олар ончаким,  
Хақ, одамизод.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Haqqa yaqin erdi ul zot,  
Tariqat ilmida quvvat olar onchakim,  
Haq, odamizod.



Менким Нұрсафардий дедим:  
Табибким ҳикмат олами,  
Кароматин битмоққа камина ожиз  
қалами.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Tabibkim hikmat olami,  
Karomatin bitmoqqa kamina ojiz qalami.





Менким Нурсафардий дедим:  
Онам эрса кўқда бир ой,  
Ой васлига кўнгли етти, кўкси баланд  
отам Нурбой.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Onam ersa ko'kda bir oy,  
Oy vasliga ko'ngli yetti, ko'ksi baland otam  
Nurboy.



Менким Нурсафардий дедим:  
Отам севган баҳор фасли,  
Қалтис онлардаким, касби синиқчи асли.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Otam sevgan bahor fasli,  
Qaltis onlardakim, kasbi siniqchi asli.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кўпкарими, курашми, лек  
Кўл-оёқлар синиб қолса даволарди, хўб  
аслидек.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ko‘pkarimi, kurashmi, lek  
Qo‘l-oyoqlar sinib qolsa davolardi, xo‘b  
aslidek.



Менким Нурсафардий дедим:  
Отам эрди Ҳақ-ла бирга,  
Ончаким эрди полвон от кўтариб чиқар  
қирга.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Otam erdi Haq-la birga,  
Onchakim erdi polvon ot ko‘tarib chiqar  
qirga.





Менким Нурсафардий дедим:  
Авлод аҳли узун булоқ,  
Бахмал донишларга, дониш, тутинг  
кулоқ.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Avlod ahli uzun buloq,  
Baxmal donishlarga, donish, tuting quloq.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ул жой маскани авлиёлар,  
Азалдан маълум эрмиш, илоҳий  
анбиёлар.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ul joy maskani avliyolar,  
Azaldan ma'lum ermiss, ilohiy anbiyolar.





Менким Нурсафардий дедим:  
Табиати адир-қирлар,  
Бу не жаннатким, жаннати беҳишт дерлар.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Tabiatı adır-qırlar,  
Bu ne jannatkım, jannatı behisht derlar.



Менким Нурсафардий дедим:  
Үтди бунда буюк зотлар,  
Ҳикмати жонга даво, ҳамиша суюк  
зотлар.

Menkim Nursafardiy dedim:  
O'tdi bunda buyuk zotlar,  
Hikmati jonga davo, hamisha suyuk zotlar.





Менким Нурсафардий дедим:  
Қалбингга тубанлик солмасин соя,  
Ибодат қил, Аллоҳ мулки ҳимоя.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qalbingga tubanlik solmasin soya,  
Ibodat qil, Alloh mulki himoya.



Менким Нурсафардий дедим:  
Аллоҳ зикрин дилингда тутгин,  
Борлиқни бор дема, буткул унутгин.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Alloh zikrin dilingda tutgin,  
Borliqni bor dema, butkul unutgin.





Менким Нурсафардий дедим:  
Қилким яхшиликни одат,  
Йўлингни йўқотма, хушдир ибодат.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qilkim yaxshilikni odat,  
Yo'lingni yo'qotma, xushdir ibodat.



Менким Нурсафардий дедим:  
Аллоҳ, қувватингдан қалбим қонадир,  
Гар жамолинг пинҳон, ишқим девонадир.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Alloh, quvvatingdan qalbim qonadir,  
Gar jamoling pinhon, ishqim devonadir.





Менким Нурсафардий дедим:  
Назаринг қизғонсанг жонсиз вужуд,  
Анингким вужудда қувватинг мавжуд.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Nazaring qizg'onsang jonsiz vujud,  
Aningkim vujudda quvvating mavjud.



Менким Нурсафардий дедим:  
Гоҳида адашдим, бўлдиму гумроҳ,  
Мани ўз бағрига олди шум гуноҳ.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Gohida adashdim, bo'ldim-u gumroh,  
Mani o'z bag'rige oldi shum gunoh.





Менким Нурсафардий дедим:  
Имон бер, ўзинг ягонасан,  
Қалбимга нур берган дуру дурдонасан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Imon ber, o'zing yagonasan,  
Qalbimga nur bergan dur-u durdonasan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Сабр қилмоқ покларга хос,  
Саробсиз сабрда поклар қилурлар ихлос.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Sabr qilmoq poklarga xos,  
Sarobsiz sabrda poklar qilurlar ixlos.





Менким Нурсафардий дедим:  
Хаққа интилмоқ одатим,  
Саховатким қуввати олий саодатим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Haqqa intilmoq odatim,  
Saxovatkim quvvati oliv saodatim.



Менким Нурсафардий дедим:  
Кўзимда Ҳақ жамоли нур  
Тоатким, йўлида жон парвона эрур.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ko'zimda Haq jamoli nur  
Toatkim, yo'lida jon parvona egut.





Менким Нурсафардий дедим:  
Дилда номинг, қўлимда соз,  
Ҳақ жамолинг истаб, топдим эъзоз.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Dilda noming, qo'limda soz,  
Haq jamoling istab, topdim e'zoz.



Менким Нурсафардий дедим:  
Васфингни қилдим иноят,  
Бердинг олий ҳиммат, олий ҳидоят.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Vasfingni qildim inoyat,  
Berding oliy himmat, oliy hidoyat.





Менким Нурсафардий дедим:  
Ишқинг-ла дилни хуш эттим,  
Бедор тунлар зикримни фаромуш эттим.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ishqing-la dilni xush ettim,  
Bedor tunlar zikrimni faromush ettim.



Менким Нурсафардий дедим:  
Васлинг дардида илму толиб,  
Хирсу ҳавасдан кечдим, ҳолим ғолиб.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Vasling dardida ilm-u tolib,  
Hirs-u havasdan kechdim, holim g'olib.





Менким Нурсафардий дедим:  
Жамолингга менман орзуманд,  
Кўнглимга ўзгаси сигмас сен ила банд.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Jamolingga menman orzumand,  
Ko'nglimga o'zgasi sig'mas sen ila band.



Менким Нурсафардий дедим:  
Табиблик касби коримдир,  
Шифо бергум қувват ила қувватим  
туморимдир.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Tabiblik kasbi korimdir,  
Shifo bergum quvvat ila quvvatim  
tumorimdir.





Менким Нурсафардий дедим:  
Гиёхларим тогу Тяньшондан,  
Аллоҳим назар солган дуру  
нурофшондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Giyohlarim tog‘-u Tyanshondan,  
Allohim nazar solgan dur-u nurafshondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Йифдим ўт-гиёхлар излаб даво,  
Менки, ялангоёқ кечдим  
Зарафшондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Yig‘dim o‘t-giyohlar izlab davo,  
Menki, yalangoyoq kechdim  
Zarafshondan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Тоғу тошлар пойимни кесди,  
Кездим дарвешона кечиб шараф-шондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Tog'-u toshlar poyimni kesdi,  
Kezdim darveshona kechib sharaf-shondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Ажал яроғи дарддир,  
Ки келса хаста даволарман, тоғ ошиб  
Бадахшондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ajal yarog'i darddir,  
Ki kelsa xasta davolarman, tog' oshib  
Badaxshondan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кездим хориж Фарангу Рум,  
Ватан туфроғисиз қолдим, бенасиб тузу  
нондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Kezdim xorij Farang-u Rum,  
Vatan tufrog'isiz qoldim, benasib tuz-u  
nondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Үрганиб илми табобатни,  
Гарчи аросатдаман кечмадим нури  
имондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
O'tganib ilmi tabobatni,  
Garchi arosatdaman kechmadim nuri  
imondan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Она юрт қадри бебаҳо,  
Ки, бир сиқим туфроғ учун кечдим  
жондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Ona yurt qadri bebaho,  
Ki, bir siqim tufrog' uchun kechdim  
jondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Сулолаи табибман,  
Ота мерос чун юракка ўтди қондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Sulolayi tabibman,  
Ota meros chun yurakka o'tdi qondan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Хаста ҳоли надур,  
Чи дарди чиқди ўлдирум қуввату  
дармондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Xasta holi nadur,  
Chi dardi chiqdi o'ldirum quvvat-u  
darmondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Давоси йўқдур ажалнинг,  
Топгай ўзга дард даво, топма  
даргумондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Davosi yo'qdur ajalning,  
Topgay o'zga dard davo, topma  
dargumondan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Хаста күнгил меваси,  
Ки ҳали соғ эрурсан, чиқди гумондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Xasta ko'ngil mevasi,  
Ki hali sog' erursan, chiqdi gumondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Қайдадур илму амал,  
Онча топдим анча даво, илму ирфондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Qaydadur ilm-u amal,  
Oncha topdim ancha davo, ilm-u irfondan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Аллоҳ қадрига ет,  
Ўтсаки умринг қадрини топма армондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Alloh qadriga yet,  
O'tsaki umring qadrini topma armondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Дардга даво ўту гиёҳ,  
Топмадинг танга малҳам кечмайин  
«дори-дармон»дан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Dardga davo o't-u giyoh,  
Topmading tanga malham kechmayin  
«dori-darmon»dan.





Менким Нурсафардий дедим:  
Баҳраманд бўл хуш ҳавода,  
Токи касаллик тили кесилсин хили  
фармондан.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Bahramand bo'l xush havoda,  
Toki kasallik tili kesilsin xili farmondan.



Менким Нурсафардий дедим:  
Дардлар эрур душманим,  
Гар кимни соғ кўрдим, кўнглим хуш  
маним.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Dardlar erur dushmanim,  
Gar kimni sog' ko'rdim, ko'nglim xush  
manim.





Менким Нурсафардий дедим:  
Кезиб Тошканду шахри Кеш,  
Халқ дардига даво излаб, бўлдим  
дарвеш.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Kezib Toshkand-u shahri Kesh,  
Xalq dardiga davo izlab, bo'ldim darvesh.



Менким Нурсафардий дедим:  
Аллоҳ карами хилқат,  
Анга етишмоқлик маъносидир ҳақиқат.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Alloh karami xilqat,  
Anga yetishmoqlik ma'nosidir haqiqat.





Менким Нурсафардий дедим:  
Онча қилсанг ният,  
Ниятким ондан топдинг моҳият.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Oncha qilsang niyat,  
Niyatkim ondan topding mohiyat.



Менким Нурсафардий дедим:  
Гуноҳдан этиб ор,  
Ки сен Аллоҳ ишқида тақвodor.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Gunohdan etib or,  
Ki sen Allah ishqida taqvodor.





Менким Нурсафардий дедим:  
Дил, пайдо ижозат,  
Ҳақнинг васли учун чекдим риёзат.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Dil, paydo ijozat,  
Haqning vasli uchun chekdim riyoza.



Менким Нурсафардий дедим:  
Бу олам синоат,  
Магар дард берса, қилгин қаноат.

Menkim Nursafardiy dedim:  
Bu olam sinoat,  
Magar dard bersa, qilgin qanoat.





Менким Нурсафардий дедим:  
«Ма фи қолби иллаллоҳ»  
Аллоҳ ягонадир, Ягона Аллоҳ.

Menkim Nursafardiy dedim:  
«Ma fi qolbi illalloh»  
Alloh yagonadir, Yagona Allah.



# *Нурсафардийя — сўз жавоҳири*



*Nursafardiyya — so‘z  
javohiri*



## **Нурсафардийя — сўз жавоҳири**

Инсонга яхшилик қилганингда фақат  
Аллоҳ йўлида юриб қилғил ва бандангдан яхшилик кутмагил, чунки ундан қўнглинг қолиши мумкин.

## **Nursafardiyia — so‘z javohiri**

Insonga yaxshilik qilganingda faqat  
Alloh yo‘lida yurib qilg‘il va bandangdan  
yaxshilik kutmagil, chunki undan  
ko‘ngling qolishi mumkin.





- ❖ Фалабани фақат ички қувватда била олиш мумкин. Аллоҳни эса фақат ўзингда топа олишинг мумкин.
- ❖ G‘alabani faqat ichki quvvatda bila olish mumkin. Allohni esa faqat o‘zingda topa olishing mumkin.



- ❖ Қалбнинг улуғланиши фақат Аллоҳ куввати билан рўй беради. Алишер Навоий бежиз айтмабдур: «Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан».
- ❖ Qalbning ulug‘lanishi faqat Alloh quvvati bilan ro‘y beradi. Alisher Navoiy bejiz aytmabdur: «O‘ynashmagil arbob bilan, arbob urat har bob bilan».





- ◆ У дунёю бу дунёning жаннати, ичдаги тинч ҳолатда Аллоҳни эслаб зикр қилиш ва абад билан қўшилиб кетишдир.
- ◆ U dunyo-yu bu dunyoning jannati, ichdagi tinch holatda Allohn ni eslab zikr qilish va abad bilan qo'shilib ketishdir.



- ◆ Кўнгли тўқ одамгина Ҳақиқатга эришади.
- ◆ Ko'ngli to'q odamgina Haqiqatga erishadi.





- ◆ Ҳолимга вой, ҳолимга вой, яна күп ҳолимга вой! Аллоҳ демадим!
- ◆ Holimga voy, holimga voy, yana ko‘r holimga voy! Allah demadim!



- ◆ Тангри-ла дардлашувдан улуг ҳолатни сезмадим.
- ◆ Tangri-la dardlashuvdan ulug' holatni sezmadim.





- ◆ Фақат ички қувват-ла танимоқни истайман Сени!
- ◆ Faqat ichki quvvat-la tanimoqni istayman Seni!



- ◆ Ўзгача йўлни танлаш — фақат Олий қувват фармони ила рўй беради.
- ◆ O‘zgacha yo‘lni tanlash — faqat Oliy quvvat farmoni ila ro‘y beradi.





- ◆ Сен шундай даражага етишким, бу дунёning ишлари Аллоҳ йўлидаги амалларингга халақит бермасин ва илоҳиётдаги юмушинг ушбу ҳаётдаги амалларингга унча зиён етказмасин.
- ◆ Sen shunday darajaga yetishkim, bu dunyoning ishlari Alloh yo'lidagi amallaringga xalaqit bermasin va ilohiyotdagi yumushing ushbu hayotdagi amallaringga uncha ziyon yetkazmasin.



- ◆ Жирканч туйғулардеганда: фаҳмсизлик, кўролмаслик, баъдпаратслик, умидсизлик, ваҳимабозлик, нодонлик, сабрсизлик, тушкунликни англаш лозим бўлади.
- ◆ Jirkanch tuyg'ular deganda: fahmsizlik, ko'rolmaslik, ba'dparastlik, umidsizlik, vahimabozlik, nodonlik, sabrsizlik, tushkunlikni anglash lozim bo'ladi.





- ◆ Сўфийнинг кучи — банданинг сезмаган ҳолатда тарбияланиши ва даволаниб кетишига таъсир қила олишдир.
- ◆ So‘fiyning kuchi — bandaning sezmagan holatda tarbiyalanishi va davolanib ketishiga ta’sir qila olishdir.



- ◆ Енгилдим дейиш, ҳали кучсизликдан дарак бермайди.
- ◆ Yengildim deyish, hali kuchsizlikdan darak bermaydi.





- ◆ Банда деб эмас, фақат Аллоҳ деб юргил.
- ◆ Banda deb emas, faqat Alloh deb yurgil.



- ◆ Сүфий суст эмас, балки ҳар қандай қийинчиликларга тайёр одам.
- ◆ So'fiy sust emas, balki har qanday qiyinchiliklarga tayyog odam.





- ❖ Жисмоний ҳолатда одам микрокосмос бўлса, руҳий ҳолатда макрокосмосдир.
- ❖ Jismoniy holatda odam mikrokosmos bo‘lsa, ruhiy holatda makrokosmosdir.



- ❖ Кўнгил Аллоҳни эслаш билангина таскин топади.
- ❖ Ko‘ngil Allohni eslash bilangina taskin topadi.





- ❖ Ҳар бир нафасингиз мақсадга интилиш бўлсин.
- ❖ Har bir nafasingiz maqsadga intilish bo'lsin.



- ❖ Бу дунёда ғолиб ва мағлуб бўлмайди, фақат яшашга ва курашга ўрган.
- ❖ Bu dunyoda g'olib va mag'lub bo'l-maydi, faqat yashashga va kurashga o'r-gan.





- ◆ Мендаги руҳият — бу борлиқдир.  
Мендаги борлиқ — бу фикрдир.  
Мендаги фикр — бу ҳаракатдир.  
Мендаги ҳаракат — бу амалдир.  
Мендаги амал — бу яратишдир.
  
- ◆ Mendagi ruhiyat — bu borliqdir.  
Mendagi borliq — bu fikrdir.  
Mendagi fikr — bu harakatdir.  
Mendagi harakat — bu amaldir.  
Mendagi amal — bu yaratishdir.



- ◆ Ичи тоза бўлғаннинг соғлиғи ҳам яхши бўлади.
- ◆ Ichи toza bo'lganning sog'lig'i ham yaxshi bo'ladi.





- ❖ Соғлом бўламан десанг, ўт-гиёҳлар билан машгул бўлишни ўзингга одат эт.
- ❖ Sog'lom bo'laman desang, o't-giyoh-lar bilan mashg'ul bo'lishni o'zingga odat et.



- ❖ Қирқ ёшдан кейин яхши табиинг бўлсин, агар у бўлмаса, яхши тобутинг бўлсин.
- ❖ Qirq yoshdan keyin yaxshi tabibing bo'lsin, agar u bo'lmasa, yaxshi tobuting bo'lsin.





- ◆ Агар табиб бўлолмасанг, яхши табиба яқин юргин.
- ◆ Agar tabib bo‘lolmasang, yaxshi tabibga yaqin yurgin.



- ◆ Ҳақиқий ҳаракат фақат нафас билан кучга киради.
- ◆ Haqiqiy harakat faqat nafas bilan kuchga kiradi.





- ◆ Баданга бир ҳаракатни такрорлаш эвазига сингдиришни одат қилма, вужудингни шундай тарбиялагилки, у такрорланмас ҳаракатлар туғдирсин. Илоҳий-зикрий ҳолатлар яратишдан толма.
- ◆ Badanga bir harakatni takrorlash evaziga singdirishni odat qilma, vujudingni shunday tarbiyalagilki, u takrorlanmas harakatlar tug'dirsin. Ilohiy-zikriy holatlar yaratishdan tolma.



- ◆ Ҳаракатда сувдай жўшқин, шамолдай тез бўлгин.
- ◆ Harakatda suvday jo'shqin, shamolday tez bo'lgin.





- ❖ Кўлларинг қушлар қанотидай парвоз қилсин.
- ❖ Qo'llaring qushlar qanotiday parvoz qilsin.



- ❖ Мукаммаллик — фикр, ҳаракат ва нафаснинг бирлигидадир.
- ❖ Mukammallik — fikr, harakat va nafasning birligidadir.





- ❖ Ҳаракатингда ҳавонинг мавжудлигини сез.
- ❖ *Narakatingda havoning mavjudligini sez.*



- ❖ Тўғри нафас олиш ва чиқариш — бир мукаммал оламни яратиш билан тенгдир.
- ❖ *To‘g‘ri nafas olish va chiqarish — bir mukammal olamni yaratish bilan tengdir.*





- ◆ Тана ибодатининг асосини Аллоҳ томонидан белгиланган ҳаракатлар ташкил этади. Буларга намоздаги тўртта ҳаракат: қиём, рукуъ, ташаҳхуд, сажда ва кундалик ҳаётингиздаги олдинга, орқага, ёнларга ва айлана ҳаракатлар киради. Ушбу ҳаракатлардан бири етмаса, тизим бузилади ва организмда хуружий хабар (информация) пайдо бўлади.
- ◆ Tana ibodatining asosini Allah tomonidan belgilangan harakatlar tashkil etadi. Bularga namozdagi to‘rtta harakat: qiyom, ruku’, tashahhud, sajda va kundalik hayotingizdagi oldinga, orqaga, yonlarga va aylana harakatlar kiradi. Ushbu harakatlardan biri yetmasa, tizim buziladi va organizmda xurujiy xabar (informatsiya) paydo bo‘ladi.





- ◆ Ҳаракатсиз сув сасийди, ҳаракатсиз бадан чирийди.
- ◆ Harakatsiz suv sasiydi, harakatsiz badan chiriydi.



- ◆ Иложи борича мен билан учрашиб ҳам суҳбатда бўлманг. Мабодо ушбу ҳолат руй берса, зиён топмаслик учун доимо мен билан яхши бўлиб қолишга ҳаракат қилинг.
- ◆ Iloji boricha men bilan uchrashib ham suhbatda bo'lmang. Mabodo ushbu holat ro'y bersa, ziyon topmaslik uchun doimo men bilan yaxshi bo'lib qolishga harakat qiling.





- ◆ Ҳар бир нарсанинг моҳиятини тушишишга ҳаракат қилинг. Ҳатто у арзимас бўлса ҳам.
- ◆ Har bir narsaning mohiyatini tushunishga harakat qiling. Hatto u arzimas bo'lsa ham.



- ◆ Муқаммал инсонни унинг соғлигидан билиб олиш мумкин.
- ◆ Mukammal insonni uning sog'ligidan bilib olish mumkin.





- ❖ Бекорчи фойдани табобатдан то-пишни хаёлингга ҳам келтирма.
- ❖ Bekorchi foydani tabobatdan topishni xayolingga ham keltirma.



- ❖ Мен сенсан, сен менман — менсан, сенман.
- ❖ Men sensan, sen menman — mensan, senman.





- ◆ Жуда қизғин ҳолатингда ҳам бир дақиқа тұхтаб, нафасни ростлаб, яратғанни эслашни ўзингга одат айла.
- ◆ Juda qizg'in holatingda ham bir daqiqqa to'xtab, nafasni rostlab, yaratganni eslashni o'zingga odat ayla.



- ◆ Кўп йўналишда ўта фаҳмли бўлиш, бир неча умрни бир пайтнинг ўзида яшаб ўтиш билан teng.
- ◆ Ko'p yo'naliشda o'ta fahmli bo'lish, bir necha umrni bir paytning o'zida yashab o'tish bilan teng.





- ◆ Ўз болангга ота бўлгандан, устоз бўлиб қолганинг афзалроқ.
- ◆ O'z bolangga ota bo'lidan, ustoz bo'lib qolganing afzalroq.



- ◆ Болаларингга ҳайвоний-хирсий меҳр қўйишдан ахлоқий-қувватий таъсир кўрсатиш унумли натижа беради.
- ◆ Bolalaringga hayvoniy-xirsiy mehr qo'yishdan axloqiy-quvvatiy ta'sir ko'r-satish unumli natija beradi.





- ◆ Қийин масала ечимини тез, дангал ва шафқатсиз ҳал қилганинг маъқул.
- ◆ Qiyin masala yechimini tez, dangal va shafqatsiz hal qilganing ma'qul.



- ◆ Умрингни бекорга хазон қилмайин десанг тезда устоз топгил.
- ◆ Umringni bekorga xazon qilmayin desang tezda ustoz topgil.





- ❖ Мусибат, қийинчилік ва муаммоларга туриб бериш сени енгилмас жангчига айлантиради.
- ❖ Musibat, qiyinchilik va muammolarga turib berish seni yengilmas jangchiga aylantiradi.



- ❖ Даражангни билмасдан — ҳаракатингни бошлама.
- ❖ Darajangni bilmasdan — harakatingni boshlama.





- ◆ Менга сўз билангина эмас, фикран қарши туришлик, мағлубиятдан дарак берали.
- ◆ Menga so'z bilangina emas, fikran qarshi turishlik, mag'lubiyatdan darak beradi.



- ◆ Ўзгани ўрганишга эмас — ўзингни чуқур ўрганишга кириш.
- ◆ O'zgani o'rganishga emas — o'zingni chuqur o'rganishga kirish.





- ❖ Душманга қарши курашга ўзингни кучли қилғил.
- ❖ Dushmanga qarshi kurashga o'zingni kuchli qilg'il.



- ❖ Бошдаги хаёлларингнинг кўпчилиги шайтондан эканлигини унутма.
- ❖ Boshdag'i xayollarining ko'pchiligi shaytondan ekanligini unutma.





- ◆ Фаҳмисизлик, нодонлик, қўролмаслик — саратон касаллиги билан тенгдир.
- ◆ Fahmsizlik, nodonlik, ko'rolmaslik — saraton kasalligi bilan tengdir.



- ◆ Даражаси паст одамдан ҳафа бўлишни ўзингга одат қилма.
- ◆ Darajasi past odamdan hafa bo'lishni o'zingga odat qilma.





- ◆ Рұхга әмас, Олий қувватта интилиб яша.
- ◆ Ruhga emas, Oliy quvvatga intilib yasha.



- ◆ Муқаммал соғлиқсиз — муқаммал интилиш бўлмас.
- ◆ Mukammal sog'liqsiz — mukammal intilish bo'lmas.





- ◆ Менинг шогирдларим — менинг қийинчиликларим.
- ◆ Mening shogirdlarim — mening qiyinchiliklarim.



- ◆ Сўздан амалга ўтмаган одамдан яхшилик кутма.
- ◆ So‘zdan amalga o‘tmagan odamdan yaxshilik kutma.





- ◆ Мендан зиён топмай десангиз, мен ҳақимда тўғри фикр ва гаплар юритингиз.
- ◆ Mendan ziyon topmay desangiz, men haqimda to‘g‘ri fikr va gaplar yuritingiz.



- ◆ Сендан бошқа бу дунёда мен учун нағам, на қувонч бор.
- ◆ Sendan boshqa bu dunyoda men uchun na g‘am, na quvonch bor.





- ❖ Нафас олиш ва чиқариш билан дарду ҳасратларни, оғири нокулайликни, қийинчилигу омадсизликни янчишга ўрганинг.
- ❖ Nafas olish va chiqarish bilan dard-u hasratlarni, og'ir-u noqulaylikni, qiyinchilig-u omadsizlikni yanchishga o'rganing.



- ❖ Сабру тоқат ва чидамлиликнинг асоси бу тўғри нафасдир.
- ❖ Sabr-u toqat va chidamlilikning asosi bu to'g'ri nafasdир.





- ❖ Инсон яшаши учун энг муҳим нарсалар сув ва нон бўлса, нафас энг муҳимнинг муҳимиdir.
- ❖ Inson yashashi uchun eng muhim narsalar suv va non bo'lsa, nafas eng muhimning muhimidir.



- ❖ Қанчалик нафас тўғри бўлса, шунчалик фикр равшан бўлади.
- ❖ Qanchalik nafas to'g'ri bo'lsa, shunchalik fikr ravshan bo'ladi.





- ◆ Ҳар бир нафасингизда мақсадга интилишни ўзингизга одат айланг.
- ◆ Har bir nafasingizda maqsadga intilishni o'zingizga odat aylang.



- ◆ Нафаснинг ўта кераклиги – нафас олишдан бир дақиқа тўхтаганликда билинади.
- ◆ Nafasning o'ta kerakligi – nafas olishdan bir daqiqa to'xtaganlikda bilinadi.





- ◆ Аллоҳ қувватига фақатгина инсондаги сўз, нафас ва ҳаракат ибодатга айланганидагина етиш мумкин, яъни ҳолат ҳол даражасига етмоғи лозим.
- ◆ Alloh quvvatiga faqatgina insondagi so‘z, nafas va harakat ibodatga aylan-ganidagina yetish mumkin, ya’ni holat hol darajasiga yetmog‘i lozim.



- ◆ Аллоҳ йўлида мукаммалликка интилмаган ва маълум даражага етмаган инсонларнинг хурмат-иззатига, хотирлашларига зор эмасман. Майти, бу дунёдан ном-нишонсиз ўтсам ҳам. Менга Олий қувватим баҳоси афзалроқ.
- ◆ Allah yo‘lida mukammallikka intilmagan va ma’lum darajaga yetmagan insonlarning hurmat-izzatiga, xotirlashlariga zor emasman. Mayli, bu dunyodan nom-nishonsiz o’tsam ham. Menga Oliy quvvatim bahosi afzalroq.





- ◆ Қаерда салқин жой бўлса, у ерда шаббода бор, кимда илмга интилиш бўлса, унда доимо мақсадга етиш бор.
- ◆ Qayerda salqin joy bo'lsa, u yerda shabboda bor, kimda ilmga intilish bo'lsa, unda doimo maqsadga yetish bor.



- ◆ Илоҳий оламнинг сирли сандиги-ни зикр калити бирла очгил. Зеро, сирли бу сандиқ чексиз хилқатдир. Унда ягона Аллоҳни кўрасан.
- ◆ Ilohiy olamning sirli sandig'ini zikr kaliti birla ochgil. Zero, sirli bu sandiq cheksiz xilqatdir. Unda yagona Allohni ko'rasan.



❖ Қадамингта яхшилаб қарасант, унда гуноҳ излари кўринади. Улар шу қадар кўпки, охиратни ўйлаб, дилингни хуфтон қилгинг келмайди.

❖ Qadamingga yaxshilab qarasang, unda gunoh izlari ko'rindi. Ular shu qadar ko'pki, oxiratni o'ylab, dilingni xufton qilgинг kelmaydi.



❖ Омонат дунёда ҳар бир инсоннинг сафари охират, манзили қабрдир. Худбин кимсалар қабр остонасига етгандагина ўз гуноҳларини кўра бошлайдилар.

❖ Omonat dunyoda har bir insonning safari oxirat, manzili qabrdir. Xudbin kimsalar qabr ostonasiga yetgandagina o'z gunohlarini ko'ra boshlaydilar.



- ◆ Вақтнинг шу қадар тезкорлигини сеза билган киши дунёning нақадар бешафқатлигини кўради.
- ◆ Vaqtning shu qadar tezkorligini sezab ilgan kishi dunyoning naqadar beshafqatligini ko‘radi.



- ◆ Нокас, ғаразгўй, худбин кимсалар кўкка интила олмайдилар. Уларнинг гуноҳкор вужуди оғирлик қиласди.
- ◆ Nokas, g‘arazgo‘y, xudbin kimsalar ko‘kka intila olmaydilar. Ularning gunohkor vujudi og‘irlik qiladi.





- ❖ Мен Аллоҳ дедим, сен Аллоҳ дединг, у Аллоҳ деди, тиллар бир. Лекин кимнинг кўнглида нима бор — Аллоҳ билади.
- ❖ Men Alloh dedim, sen Allah deding, u Allah dedi, tillar bir. Lekin kimning ko'nglida nima bor — Allah biladi.



- ❖ Дунёдан кечмоқ Аллоҳнииман, дегани эмас, кўнглинга бир боқ-чи, унда яшамоқлик армони йўқмикан?
- ❖ Dunyodan kechmoq Allohnikiman, degani emas, ko'nglingga bir boq-chi, unda yashamoqlik armoni yo'qmikan?





- ❖ Зинҳор кибрға берилмагилки, у шайтондан яралган васваса. Бир куни ўз бошингни ейди.
- ❖ Zinhor kibrga berilmagilki, u shaytondan yaralgan vasvasa. Bir kuni o‘z boshingni yeidi.



- ❖ Аллоҳга шак келтирмоқ — ўз томирини ўзи қирқишидир.
- ❖ Allohga shak keltirmoq — o‘z tomirini o‘zi qirqishdir.





- ❖ Сўфийлар донишманд эмас — улар донишмандларнинг устозидир.
- ❖ So‘fiylar donishmand emas — ular donishmandlarning ustozidir.



- ❖ Қалб шундай оламки, унга барча эзгуликни жамласанг кам, биргина ғайрлик эса ортиқчадир.
- ❖ Qalb shunday olamki, unga barcha ezgulikni jamlasang kam, birgina g‘ayrlik esa ortiqchadir.





- ◆ Эътиқод замирида мاشаққат бор, гарчи вужудинг синовда бўлса-да, руҳиятинг роҳат топади.
- ◆ E'tiqod zamirida mashaqqat bor, garchi vujuding sinovda bo'lsa-da, ruhiyatning rohat topadi.



- ◆ Шариатда Аллоҳни танидим, тарикатда нур изладим, маърифатда эса қувват топдим.
- ◆ Shariatda Allohn ni tanidim, tariqatda nur izladim, ma'rifatda esa quvvat topdim.





- ◆ Инсон танасида ўн тўртта қувватий тизим мавжуддир. Уни уйфота олган одамгина мукаммаллик, комиллик даражасига эришади.
- ◆ Inson tanasida o'n to'rtta quvvatiy tizim mavjuddir. Uni uyg'ota olgan odamgina mukammallik, komillik darajasiga erishadi.



- ◆ Танангга яхшилик қилиб, уни боқаверма — семизликни қўй кўтаради.
- ◆ Tanangga yaxshilik qilib, uni boqaverma — semizlikni qo'y ko'taradi.





- ◆ Касаллик шундай маккор душмани, ичингга кириб олганини баъзан жуда кеч биласан.
- ◆ Kasallik shunday makkor dushmanki, ichingga kirib olganini ba'zan juda kech bilasan.



- ◆ Мискинларга зинҳор озор бермагилки, қарғишининг давоси ажалдир.
- ◆ Miskinlarga zinhor ozor bermagilki, qarg'ishning davosi ajaldir.





- ❖ Ўлим ҳақида ўйламайдиган одам ёлғон дунёнинг эрмагидир.
- ❖ O'lim haqida o'ylamaydigan odam yolg'on dunyoning ermagidir.



- ❖ Ҳамма шафқатсизликларга чек қўйиш мумкинdir, аммо вақтнинг шафқатсизлиги бедаводир.
- ❖ Hamma shafqatsizliklarga chek qo'yish mumkindir, ammo vaqtning shafqatsizligi bedavodir.






- ◆ Тариқат шундайин йўлки, ундан илоҳий қувват топиб, Аллоҳнинг марҳаматига мушарраф бўласан.
- ◆ Tariqat shundayin yo‘lki, undan ilohiy quvvat topib, Allohning marhamatiga musharraf bo‘lasan.



- ◆ Баъзан менда шундай ҳаракатлар туғиладики, ҳатто ўзим ҳайратда қоламан. Йўқ, булар менинг эмас, Аллоҳнинг ҳаракати.
- ◆ Ba’zan menda shunday harakatlar tug‘iladiki, hatto o‘zim hayratda qolaman. Yo‘q, bular mening emas, Allohning harakati.




*Илоҳий қувватни  
излаб...*



*Ilohiy quvvatni  
izlab...*



Үқинг менинг ҳикматларим — маъноси  
йўқ,  
Унда бордир қувват, илоҳ ва нур далласи.  
Үқинг менинг ҳикматларим — маъноси  
йўқ,  
Унда бордир ваҳий эмас, илҳом сўзи.




Ҳикматлар айтибдур, Аршга етган  
Яссавий,  
Куйлабтур сенинг улут номинг баралла.  
Мен бечора қулингга на бергайсан, эй  
Аллоҳ,  
Куйламоқни истайди, аммо Аршга  
етмоқ, эҳ қайда?!





O'qing mening hikmatlarim — ma'nosi  
yo'q,  
Unda bordir quvvat, iloh va nur daldasi.  
O'qing mening hikmatlarim — ma'nosi  
yo'q,  
Unda bordir vahiy emas, ilhom so'zi.




Hikmatlar aytibdur, Arshga yetgan Yassaviy,  
Kuylabtur sening ulug' noming baralla.  
Men bechora qulingga na bergaysan, ey  
Alloh,  
Kuylamoqni istaydi, ammo Arshga yetmoq,  
eh qayda?!





Бу оламнинг моли дебон  
Бел-қувватинг кетказмагил.  
Бу дунёда жаннат дебон  
Аллоҳсиз қалб-ла кетмагил.




Бу дунёга келдиму, вафо топмадим,  
Қилдим вафо бандангта, жавоб топмадим.  
Зикр-ла, амал-ла етганда санга,  
Бу дунёда яшамоқни ўзимга раво  
топмадим.





Bu olamning moli debon  
Bel-quvvating ketkazmagil.  
Bu dunyoda jannat debon  
Allohsiz qalb-la ketmagil.




Bu dunyoga keldim-u, vafo topmadim,  
Qildim vafo bandangga, javob topmadim.  
Zikr-la, amal-la yetganda sanga,  
Bu dunyoda yashamoqni o'zimga ravo  
topmadim.





Зор қилдинг мени онам эрта кетқазиб,  
Зор қилдинг мени отам эрта кетқазиб.  
Зор бўлдим энди дийдорингга етолмай,  
Нечун бу дунёда зор қилиб яраттинг  
мени!




Биру борим кўрарманму дийдорингни,  
Деб куйлади Аршга етган Яссавий.  
Не деб куйсин, қалби ожиз, Ҳақдин  
узоқ,  
Кўнгли ғамгин, ўзи сўфий, Нурсафардий.





Zor qilding meni onam erta ketqazib,  
Zor qilding meni otam erta ketqazib.  
Zor bo'ldim endi diydoringga yetolmay,  
Nechun bu dunyoda zor qilib yaratting  
meni!




Bir-u borim ko'rарманму diydoringni,  
Deb kuyladi Arshga yetgan Yassaviy.  
Ne deb kuysin, qalbi ojiz, Haqdin uzoq,  
Ko'ngli g'amgin, o'zi so'fiy, Nursafardiy.





Хаёлим бор, сендан келган фикр йўқ,  
Хаёлим бор, сендан тушган илҳом йўқ.  
Хаёлим бор, йўқдир унинг сўнгги ҳеч,  
Сен борсан-ку, не учун манга керак хом  
хаёл.




Қандай нақшдор бўлмасин кўза,  
Ярайди у фақат суву олтинга.  
Менинг танам кўза кабидир,  
Не маънолар бор унинг ичинда?!





Xayolim bor, sendan kelgan fikr yo'q,  
Xayolim bor, sendan tushgan ilhom yo'q.  
Xayolim bor, yo'qdir uning so'nggi hech,  
Sen borsan-ku, ne uchun manga kerak xom  
xayol.




Qanday naqshdor bo'lmasin ko'za,  
Yaraydi u faqat suv-u oltinga.  
Mening tanam ko'za kabidir,  
Ne ma'nolar bor uning ichinda?!





Илҳом нури ёқар қалбим менинг,  
Илҳом кучи қувватлантирар кўнглим  
менинг.

Илҳом очар кучсиз дилимни,  
Келгин, илҳом, қалбим, кўнглим,  
дилимга.




Аллоҳ дедим — вужуд келди ларзага,  
Аллоҳ дедим — қалбим тўлди қувватга.  
Аллоҳ дедим — мусаффолик пайдо бўлди  
нафсимда,  
Аллоҳ дейман, Аллоҳимсан, ягонам.





Ilhom nuri yoqar qalbim mening,  
Ilhom kuchi quvvatlantirar ko'nglim  
mening.  
Ilhom ochar kuchsiz dilimni,  
Kelgin, ilhom, qalbim, ko'nglim, dilimga.




Alloh dedim — vujud keldi larzaga,  
Alloh dedim — qalbim to'ldi quvvatga.  
Alloh dedim — musaffolik paydo bo'ldi  
nafsimda,  
Alloh deyman, Allohimsan, yagonam.





Агар ниятинг пок бўлса,  
Кутгил илҳоминг бир кун.  
Агар ибодатинг пок бўлса,  
Кутгил жаннатинг ҳисоб кун.




Сендан зикр қилмоқ истайди қалбим,  
Талпинади фикру хаёл нафси нотиққа.  
Не қиласай, унутилмас менинг борлиғим,  
Наҳот танаңиз бўлмас интилиш сана?!





Agar niyating pok bo'lsa,  
Kutgil ilhoming bir kun.  
Agar ibodating pok bo'lsa,  
Kutgil jannating hisob kun.



Sendan zikr qilmoq istaydi qalbim,  
Talpinadi fikr-u xayol nafsi notiqqa.  
Ne qilay, unutilmas mening borlig'im,  
Nahot tanasiz bo'lmas intilish sana?!






Не борлиқ бор сендаю менда?!

Сен қайдасану, мен қайда?!

Не қувват бор сендаю менда?!

Наҳотки яккамиз, яккаю якка?!

Наҳотки биттамиз, биттаю битта?!



Сен гүзал ёрсан, умрим малаги,  
Сен умидвор жондорсан, Аллоҳ яроғи.  
Сенсиз мен қайдан ҳам билардим Уни,  
Яратган ким-у, яратилган ким?!






Ne borliq bor senda-yu menda?!

Sen qaydasan-u, men qayda?!

Ne quvvat bor senda-yu menda?!

Nahotki yakkamiz, yakka-yu yakka?!

Nahotki bittamiz, bitta-yu bitta?!




Sen go'zal yorsan, umrim malagi,  
Sen umidvor jondorsan, Alloh yarog'i.  
Sensiz men qaydan ham bilardim Uni,  
Yaratgan kim-u, yaratilgan kim?!





Зикр-ла күрмөқça интилар күнглим,  
Зикр-ла сезмоқça талпинар қалбим,  
Зикр-ла интилар жамолга күзлар,  
Күрмогу сезмогу интилмоқ бүлди.  
Куймогу ёнмогу йүқ бүлмоқ бүлди,  
Күнглиму қалбиму күзларим менинг.




Қанчалар «Аллоҳ» дея ўтди-кетди,  
Нафс балосин ўзи билан олиб кетди.  
Тилга тушган қалбга тушмас бало экан,  
Фикр боби қалбга керак даво экан.





Zikr-la ko'rmoqqa intilar ko'nglim,  
Zikr-la sezmoqqa talpinar qalbim,  
Zikr-la intilar jamolga ko'zlar,  
Ko'rmog'-u sezmog'-u intilmoq bo'ldi.  
Kuymog'-u yonmog'-u yo'q bo'lmoq bo'ldi,  
Ko'nglim-u qalbim-u ko'zlarim mening.




Qanchalar «Alloh» deya o'tdi-ketdi,  
Nafs balosin o'zi bilan olib ketdi.  
Tilga tushgan qalbga tushmas balo ekan,  
Fikr bobি qalbga kerak davo ekan.





Қандай гүзалликни яратдинг ўзи?!  
Сүзлару қарашлар, имолар нозик.  
Гүё фаришталар сиймоси каби,  
Харакату далдалар, мижозлар нозик!




Сезарман күрганда нозик қарашлар,  
Сезарман күрмасдан мижоз туйгулар.  
Сезарман қалбимда юрак далласин,  
Нақадар гүзалдир ички туйгулар!





Qanday go'zallikni yaratding o'zi?!  
So'zlar-u qarashlar, imolar nozik.  
Go'yo farishtalar siymosi kabi,  
Harakat-u daldalar, mijozlar nozik!




Sezarman ko'rganda nozik qarashlar,  
Sezarman ko'rmasdan mijoz tuyg'ular.  
Sezarman qalbimda yurak daldasin,  
Naqadar go'zaldir ichki tuyg'ular!





Девонаман, агар Машраб девона бўлса  
ундан,  
У сарвиноз қилди мени девона бир нигоҳ  
ила.  
Машраб-ку у нигоҳга сабр-ла девона бўлди,  
Менда сабр на қилсин, девоналиқ зиён  
қилмасин манга?!




Тўғри йўл ҳам, эгри йўл ҳам сендан экан,  
Шайтон ўзи ҳеч кимга керак бўлмас  
экан.  
Не синовлар бердинг, ожиз банданг  
таранг экан,  
Даражангдан қолдирмасанг, банданг  
учун аъло экан.





Devonaman, agar Mashrab devona bo'lsa  
undan,  
U sarvinoz qildi meni devona bir nigoh  
ila.  
Mashrab-ku u nigohga sabr-la devona bo'ldi,  
Menda sabr na qilsin, devonalik ziyon  
qilmasin manga?!



To'g'ri yo'l ham, egri yo'l ham sendan ekan,  
Shayton o'zi hech kimga kerak bo'lmas ekan.  
Ne sinovlar berding, ojiz bandang garang  
ekan,  
Darajangdan qoldirmasang, bandang uchun  
a'lo ekan.





Умримни боқий қилғон,  
Күнглимини яқин қилғон,  
Нафсимни аді қилғон,  
Сен қувватсан, Аллоҳсан.




Не қилсанг, қилурсан,  
Аллоҳ десам, билурсан.  
Бадан санга на керак,  
Қалбинг покла, деюрсан!





Umrimni boqiy qilg'on,  
Ko'nglimni yaqin qilg'on,  
Nafsimni ado qilg'on,  
Sen quvvatsan, Allohsan.




Ne qilsang, qilursan,  
Alloh desam, bilursan.  
Badan sanga na kerak,  
Qalbing pokla, deyursan!





Пир керакмасму сенга қувват бергали?!  
Пир керакмасму сенга қўлин бергали?!  
Пир эмасму Аллоҳ нури қуввати,  
Пир эмасму нурсиз қалбни билгали.




Мен истаган оламни Аллоҳ билур,  
Мен истаган зикрни Пирим билур.  
Мен истаган илмни устоз билур,  
Не истагай шунда қалбим менинг?!





Pir kerakmasmu senga quvvat bergali?!  
Pir kerakmasmu senga qo'lin bergali?!  
Pir emasmu Alloh nuri quvvati,  
Pir emasmu nursiz qalbni bilgali.




Men istagan olamni Alloh bilur,  
Men istagan zikrni Pirim bilur.  
Men istagan ilmni ustoz bilur,  
Ne istagan shunda qalbim mening?!





Менда ёр бўлсайди,  
Менда май бўлсайди.  
Менда сендай дўст бўлармиди?!  
Агар менда ёру май бўлсайди.




Фикр сенда, хаёл сенда,  
Нафас олиш сен ила фақат.  
Кувват сенда, нур сенда,  
Ҳароратинг бергил манга зикр-ла.





Menda yor bo'lsaydi,  
Menda may bo'lsaydi.  
Menda senday do'st bo'larmidi?!  
Agar menda yor-u may bo'lsaydi.




Fikr senda, xayol senda,  
Nafas olish sen ila faqat.  
Quvvat senda, nur senda,  
Harorating bergil manga zikr-la.






Аллоҳ дея сўйласа тилим,  
Пайдо бўлур дилимда сиймо.  
У сиймо ҳам дейди, Аллоҳман мана!  
Сен-у мен ягонаман — ягона.





Alloh deya so'ylasa tilim,  
Paydo bo'lur dilimda siymo.  
U siymo ham deydi, Allohman mana!  
Sen-u men yagonaman — yagona.




Sen haqingda fikr qilsam, sezarman o'zim,  
Sen haqingda zikr qilsam, zikrda menman.  
Fikrimda, zikrimda agar bo'lsang sen,  
Men kimman, emasmanmu sen?!





Йўқликда борликни излайди хаёл,  
Бормикин у йўқликда мен излаган зот?  
Мен борман-ку — яратилган ҳаёт,  
Бор бўлса керак яратувчи ҳам.



Улуғлигинг йўқлигингдадир,  
Улуғлигинг махфийликдадир.  
Улуғлигинг яқинлигингдадир,  
Йўқсан, махфийсан, ўзимсан ўзинг!





Yo'qlikda borlikni izlaydi xayol,  
Bormikin u yo'qlikda men izlagan zot?  
Men borman-ku — yaratilgan hayot,  
Bor bo'lsa kerak yaratuvchi ham.




Ulug'liging yo'qligingdadir,  
Ulug'liging maxfiylikdadir.  
Ulug'liging yaqinligingdadir,  
Yo'qsan, maxfiysan, o'zimsan o'zing!





Менда йўқ бўлди туйғу сезгиси,  
Менда йўқ бўлди хаёл истаги.  
Менда йўқ бўлди ҳаёт борлиғи,  
Йўқ бўлдим, бўлиб кетдим сен!




Нафасим бўлганда тенг сеники ила,  
Хаёлсиз бўламан сезмайин ўзим.  
Нафсимда йўқликдан бошқа ҳеч нарса,  
Наҳотки танамни йўқликка беролмас  
борлиқ.





Menda yo‘q bo‘ldi tuyg‘u sezgisi,  
Menda yo‘q bo‘ldi xayol istagi.  
Menda yo‘q bo‘ldi hayot borlig‘i,  
Yo‘q bo‘ldim, bo‘lib ketdim sen!




Nafasim bo‘lganda teng seniki ila,  
Xayolsiz bo‘laman sezmayin o‘zim.  
Nafsimda yo‘qlikdan boshqa hech narsa,  
Nahotki tanamni yo‘qlikka berolmas borliq.





Не бўлди манга, ҳидлар ўзгача,  
Не бўлди ҳолим, ҳислар ўзгача.  
Не бўлди бошим, саслар ўзгача,  
Не бўлди ўзи, даражам ўзгача.




Фаҳм борда — интилиш бор, етиш бор,  
Покланишда — ички жиҳод, кураш бор.  
Қўшилишда — йўқлик, жафо — сабр бор,  
Бари керак — Сенга бормоқ учун  
бандангта.





Ne bo'ldi manga, hidlar o'zgacha,  
Ne bo'ldi holim, hislar o'zgacha.  
Ne bo'ldi boshim, saslar o'zgacha,  
Ne bo'ldi o'zi, darajam o'zgacha.




Fahm borda — intilish bor, yetish bor,  
Poklanishda — ichki jihod, kurash bor.  
Qo'shilishda — yo'qlik, jafo — sabr bor,  
Bari kerak — Senga bormoq uchun  
bandangga.





Мақсад бўлса етмоқ Аллоҳга,  
Кўнглингни тўқ қил, хаёлинг тўхтат.  
Бўлмасин исёну туғён юришлар,  
Кўнглингни тўқ қил, ҳаракатни тўхтат.




Бу дунёning яроғин кўрдим зикр-ла,  
Кўрдиму англадим даргоҳинг кенгdir.  
Кенгдур орзулар, умидлар, амаллар яна,  
Кўпдур экан, синову юришлар яна.





Maqsad bo'lsa yetmoq Allohga,  
Ko'nglingni to'q qil, xayoling to'xtat.  
Bo'lmasin isyon-u tug'yon yurishlar,  
Ko'nglingni to'q qil, harakatni to'xtat.




Bu dunyoning yarog'in ko'rdim zikr-la,  
Ko'rdim-u angladim dargohing kengdir.  
Kengdur orzular, umidlar, amallar yana,  
Ko'pdur ekan sinov-u yurishlar yana.





Күйиб-ёниб кул бўлдим сенинг йўлингда,  
Номинг қалбимдаю яна тилимда.  
Тўймас бўлдим худди чўл каби,  
Сенинг номинггаю борлиқ қувватга.




Не бўлди манга, кўзлар ожиз кўрмоқقا,  
Не бўлди манга, тилларда йўқ ҳеч жумла.  
Не бўлди манга, ақлда йўқ бир хаёл,  
Телбадай бўлиб қолдим, кўзсиз, тилсиз,  
аклсиз.






Kuyib-yonib kul bo'ldim sening yo'lingda,  
Noming qalbimda-yu yana tilimda.  
To'ymas bo'ldim xuddi cho'l kabi,  
Sening nomingga-yu borliq quvvatga.





Зор йиғлайман онам ёдга олганда,  
Зор йиғлайман отам ёдга олганда.  
Зор йиғлайману, күзимда нам йўқдур,  
Ички туйғум айтар манга: «Улар сенинг  
олдингда».




Нафас олдим, киарсан ичимга қувват  
ила,  
Чиқарганда нафас бир зум қўшилгандай  
бўламан санга.  
Зикр сўзинг титратар омонатингни,  
Керакмидир манга энди сен яратган  
тана?





Zor yig'layman onam yodga olganda,  
Zor yig'layman otam yodga olganda.  
Zor yig'layman-u, ko'zimda nam yo'qdur,  
Ichki tuyg'um aytar manga: «Ular sening  
oldingda».




Nafas oldim, kirarsan ichimga quvvat ila,  
Chiqarganda nafas bir zum qo'shilganday  
bo'laman sanga.  
Zikr so'zing titratar omonatingni,  
Kerakmidir manga endi sen yaratgan tana?





Мавхұм ҳис титратар қалбимни,  
Бу титроқдан қүрқади қүнгил.  
Наҳот шунчалик яқинман санта  
Балким сенсан яқындуру манга.




Күймоқ бўлди ишим менинг,  
Севмоқ бўлди қўнглим менинг.  
Етмоқ бўлди ишққа қўнглим,  
Муҳаббатни қайдан, кимдан олай?!

Муҳаббатсиз олам манга на керак,  
Фамсиз, ҳиссиз дунё манга на керак.  
Куйдир, ёндин қалбим менинг,  
Бўлсин хазон, сендан ўзга ҳис манга на  
керак?!





Mavhum his titratar qalbimni,  
Bu titroqdan qo'rqadi ko'ngil.  
Nahot shunchalik yaqinman sanga  
Balkim sensan yaqindur mana.




Kuymoq bo'ldi ishim mening,  
Sevmoq bo'ldi ko'nglim mening.  
Yetmoq bo'ldi ishqqa ko'nglim,  
Muhabbatni qaydan, kimdan olay?!

Muhabbatsiz olam manga na kerak,  
G'amsiz, hissiz dunyo manga na kerak.  
Kuydir, yondir qalbim mening,  
Bo'lsin xazon, sendan o'zga his manga na  
kerak?!





Зикр-ла кирганда қувват қалбимга,  
Титратар бадан бардош беролмай.  
Титроқ ҳиссидан бор санга илтижо,  
Бергил манга зикр-ла қувват.




Не учун туғилдигу, яшаймиз яна,  
Наҳот мақсад ҳавасста етмоқ.  
Ҳавас қайдаю, улуғ йўл қайда,  
Ул йўлни топмоқ қайдаю, етмоқ — эҳ,  
қайда.





Zikr-la kirganda quvvat qalbimga,  
Titratar badan bardosh berolmay.  
Titroq hissidan bor sanga iltijo,  
Bergil manga zikr-la quvvat.




Ne uchun tug‘ildig-u, yashaymiz yana,  
Nahot maqsad havasga yetmoq.  
Havas qayda-yu, ulug‘ yo‘l qayda,  
Ul yo‘lni topmoq qayda-yu, yetmoq — eh,  
qayda.





Истаганлар кўпdir сенинг йўлингни,  
Етолмасдан кетганлар кўп йўлингда.  
Кетсам кетай, етолмасдан ишқингга,  
«Алҳамдулиллоҳ», бердинг поклаб  
қалбимни.




Ошиқлигим фақат сендан бўлсайди,  
Умрим ўтса, қалбим фақат сени десайди,  
Охиратда жаннат истамасдан мен,  
Яна қўисам, ёнсам сенинг йўлингда.





Istaganlar ko'pdır sening yo'lingni,  
Yetolmasdan ketganlar ko'p yo'lingda.  
Ketsam ketay, yetolmasdan ishqingga,  
«Alhamdulilloh», berding poklab qalbimni.




Oshiqligim faqat sendan bo'lsaydi,  
Ummim o'tsa, qalbim faqat seni desaydi,  
Oxiratda jannat istamasdan men,  
Yana kuysam, yonsam sening yo'lingda.





Устоз күрмоқ истар бўлсанг,  
Ақлинг йиққил, нафсинг ўлдир.  
Пирдан қўлин олмоқ бўлсанг,  
Имонли бўл, амалли бўл.




Назар тушсин десанг агар,  
Мағрурлигинг вайрон айла.  
Ҳаққа етмоқ истар бўлсанг,  
Қон йиғлашга одат айла.





Ustoz ko'rmoq istar bo'lsang,  
Aqling yig'gil, nafsing o'ldir.  
Pirdan qo'lin olmoq bo'lsang,  
Imonli bo'l, amalli bo'l.




Nazar tushsin desang agar,  
Mag'rurliging vayron ayla.  
Haqqa yetmoq istar bo'lsang,  
Qon yig'lashga odat ayla.





Илм истар бўлсанг, агар,  
Устозингдан қолма қадам.  
Тасаввуфни топмоқ бўлсанг.  
Пирнинг кўлин тутғил маҳкам.



Йўлнинг боши калимаи шариатда,  
Пирнинг йўли калимаи тариқатда.  
Нур излабон тилдан қўйма калимаи  
маърифатни,  
Боқий санга, Аллоҳ илми — калимаи  
ҳақиқатда.





Ilm istar bo'lsang, agar,  
Ustozingdan qolma qadam.  
Tasavvufni topmoq bo'lsang.  
Pirning qo'lin tutg'il mahkam.




Yo'Ining boshi kalimayi shariatda,  
Pirning yo'li kalimayi tariqatda.  
Nur izlabon tildan qo'yma kalimayi ma'rifatni,  
Boqiy sanga, Alloh ilmi — kalimayi  
haqiqatda.





Пешонани ёритқай сендаги нурлар,  
Қалбимни түлдирғай сендаги қувват.  
Нафс балосин үйғотар шайтон ҳийласи,  
Қайси бириң истайди мендаги ҳислар.




Оlam узра ёйилмиш сенинг қувватинг,  
Ёйилмиш ҳар банданғга нотекис-тengsиз.  
Бирида бор сенға ишонч ва юриш,  
Бирида бор нафс балоси шайтон туйғулар.





Peshonani yoritqay sendagi nurlar,  
Qalbimni to'ldirg'ay sendagi quvvat.  
Nafs balosin uyg'otar shayton hiylasi,  
Qaysi birin istaydi mendagi hislar.




Olam uzra yoyilmish sening quvvating,  
Yoyilmish har bandangga notekis-tengsiz.  
Birida bor senga ishonch va yurish,  
Birida bor nafs balosi shayton tuyg'ular.





Илҳом келди қалбимга,  
Аллоҳ дейди тинимсиз.  
Илҳом келди қўлимга,  
Яхши амал истайди.





Ҳақ йўлини излаб адо бўлдим, адоингман,  
Тополмасдан сен яратган яроғингдан  
адо бўлдим, адоингман.  
Умрим хазон бўлса бўйла, адо бўлдим,  
адоингман,  
Не амал-ла барор эдим, адо бўлдим,  
адоингман.  
Кўшилмоққа сен яратган ҳақиқатга адо  
бўлдим, адоингман.






Ilhom keldi qalbimga,  
Alloh deydi tinimsiz.  
Ilhom keldi qo'limga,  
Yaxshi amal istaydi.










Нола қилдим санга, ноламни эшит,  
Не қилайким лойдан йироқ кетмоқ  
учун?!  
Не қилайким йўлимнию тақдирни  
оқламоқ учун?!  
Не қилсам бўларкан шайтондан йироқ,  
Нола ила талпинсам, етсам-да санга.



Руҳиятда поклик бор, нафс балоси адо,  
Руҳиятда мангулик, йўқ бўлишлик, адо.  
Берсанг эрди мовий бўшлиқ қувватин,  
Етармиди поклигу мангуликка, бу гадо?!


Тўғри йўлу тескарисин бермоқ сендантур,  
Ният ила баҳоламоқ фақат сендантур.  
Йўлни танлаш ният билан бўлса агар,  
Уни қайдан олсин ожиз банданг,  
гадо-ку, гадо.





Nola qildim sanga, nolamni eshit,  
Ne qilaykim loydan yiroq ketmoq uchun?!  
Ne qilaykim yo'limni-yu taqdirni oqlamoq  
uchun?!

Ne qilsam bo'larkan shaytondan yiroq,  
Nola ila talpinsam, yetsam-da sanga.




Ruhiyatda poklik bor, nafs balosi ado,  
Ruhiyatda mangulik, yo'q bo'lishlik, ado.  
Bersang erdi moviy bo'shliq quvvatin,  
Yetarmidi poklig-u mangulikka, bu gado?!

To'g'ri yo'l-u teskarisin bermoq sendandur,  
Niyat ila baholamoq faqat sendandur.  
Yo'lni tanlash niyat bilan bo'lsa agar,  
Uni qaydan olsin ojiz bandang, gado-ku,  
gado.





Чилла тутдим бандангдан,  
Нозик кўнгил гадосиман.  
Чилла тутдим нафсимдан,  
Пок баданнинг гадосиман.




Қийнадим ўзим, сенга етмоқ учун,  
Уйқусиз ўтказдим тунлар, сенга етмоқ  
учун.  
Очликда синадим ўзим, сенга етмоқ  
учун,  
Нечун хабар олмайсан ҳолимдан ўзинг?!





Chilla tutdim bandangdan,  
Nozik ko'ngil gadosiman.  
Chilla tutdim nafsimdan,  
Pok badanning gadosiman.




Qiynadim o'zim, senga yetmoq uchun,  
Uyqusiz o'tkazdim tunlar, senga yetmoq  
uchun.  
Ochlikda sinadim o'zim, senga yetmoq  
uchun,  
Nechun xabar olmaysan holimdan o'zing?!





Етмадим қадрига ота-онамнинг,  
Етолмадим қадрига устоз-пиrimнинг.  
Қадрсиз эдинг ҳатто сен ҳам, Аллоҳим,  
Энди қадрсиз бўлиб қолдим дунёда ўзим.




Нозик жамол — шайдосиман,  
Ички туйғу — адосиман.  
Шайдо қилиб руҳлантирдинг,  
Адо ила ўзинг шараф юксалтирдинг.





Yetmadim qadriga ota-onamning,  
Yetolmadim qadriga ustoz-pirimning.  
Qadrsiz eding hatto sen ham, Allohim,  
Endi qadrsiz bo'lib qoldim dunyoda o'zim.




Nozik jamol — shaydosiman,  
Ichki tuyg'u — adosiman.  
Shaydo qilib ruhlantirding,  
Ado ila o'zing sharaf yuksaltirding.





Олсалар улар хуш дамларни майу сафо,  
гүзалдан,  
Қаҳ-қаҳ уриб күнгүлни ёйсалар айшу  
ишрат қүйнида.  
Мен олмоқ истайман күнглим оҳини,  
Сендан, сен билан ва абадий сен-ла.




Севмоқ бўлди, куймоқ бўлди ишим  
менинг,  
Ёнмоқ бўлди, ўлмоқ бўлди дардим  
менинг.  
Майли эди куйсам, ўлсам фироғингда,  
Агар етар бўлсам жамолингу жалолингта.






Olsalar ular xush damlarni may-u safo,  
go'zaldan,  
Qah-qah urib ko'ngulni yoysalar aysh-u  
ishrat qo'ynda.  
Men olmoq istayman ko'nglim ohini,  
Sendan, sen bilan va abadiy sen-la.





Адо бўлдим сенинг йўлинг тополмасдан,  
Топдим деган шайтон ўйлар фироғида.  
Расво бўлдим умидсизлик чоғларимда,  
Не йўлингни бердинг манга, яраттаним.




Сенга етмоқ бўлди ният, дилларнинг  
рози,  
Йўлингни топишда тилим лолу, бошим  
гаранг.  
Қани энди у замон пирларию устози?!  
Кимни излай, кимдан излай, охири йўқ  
йўлимни?!





Ado bo'ldim sening yo'ling topolmasdan,  
Topdim degan shayton o'ylar firog'ida.  
Rasvo bo'ldim umidsizlik chog'larimda,  
Ne yo'lingni berding manga, yaratganim.




Senga yetmoq bo'ldi niyat, dillarning rozi,  
Yo'lingni topishda tilim lol-u, boshim garang.  
Qani endi u zamon pirlari-yu ustoz?!  
Kimni izlay, kimdan izlay, oxiri yo'q  
yo'limni?!





Уйқусиз тунда илҳом келди пиrimдан,  
Туркистондин ёғилди руҳий олам манга.  
Ҳикматлар ёзмоққа илҳом берганда,  
Янграйди қалбимда Сенинг номинг  
баралла.



Бу дардnidосида адо бўлсам мен,  
Етолмасдан олий қувват мақсадига мен.  
Хазон кўнгил сезмас берган оламингни  
ҳам,  
Қайдан олай бошқа дунё рамзини  
сендан?





Uyqusiz tunda ilhom keldi pirimdan,  
Turkistondin yog'ildi ruhiy olam manga.  
Hikmatlar yozmoqqa ilhom berganda,  
Yangraydi qalbimda Sening noming baralla.




Bu bard nidosida ado bo'lsam men,  
Yetolmasdan oliy quvvat maqsadiga men.  
Xazon ko'ngil sezmas bergen olamingni  
ham,  
Qaydan olay boshqa dunyo ramzini sendan?






Синар бўлдинг бирини — фарзанд доги  
иля,  
Синар бўлдинг бошқасин — оғриғу  
хасталик ила.  
Синар бўлдинг жазо бериб — ҳасад кўзлар  
яратиб,  
Қайдан билсин бу ишинг — фаҳмсиз  
ожиз банданг.



Синашинг на билсин, тилда гийбат  
банданг-ку,  
Синашинг на билсин, ҳасад дил-ла  
юрганлар.  
Ваҳмда юрганлар синов йўлинг на билсин?!  
Манманликни севганлар синовингни на  
билсин?!






Sinashing na bilsin, tilda g'iybat bandang-ku,  
Sinashing na bilsin, hasad dil-la yurganlar.  
Vahmda yurganlar sinov yo'ling na bilsin?!  
Manmanlikni sevganlar sinovingni na  
bilsin?!






Сени күрмөк бўлса банданг, бўлар экан  
кўзи ожиз,  
Сени сезмоқ бўлса банданг, унутармиш  
фоний дунёинг.  
Сенга етмоқ бўлса нияти, ўлмоқ экан  
ўлмай турууб,  
Сен йўлингда ожиз бўлай, сезмас бўлай,  
ўлмай туриб ўлган бўлай.



Кўз ёшларим тўхтамай қолди нечун?!  
Эслаган чоғда сени умидворим.  
Қалб йиглайди сени излаб борлиқдан,  
Кўнгил чидамас тополмай сенинг изингни.






Ko‘z yoshlarim to‘xtamay qoldi nechun?!  
Eslagan chog‘da seni umidvorim.  
Qalb yig‘laydi seni izlab borliqdan,  
Ko‘ngil chidamas topolmay sening izingni.





Излади омонатинг сени шариат аҳкомида,  
Дил истайди қониқмасдан ўзгасин буткул.  
Қалбда бор зикр-ла йиги сен учун,  
Кўнгил озука олар бир зумда таскин.




Йўқликка юз тутмоқ истайди қалбим  
менинг,  
Не истайди борлиқдан роҳат топмасдан  
үзи?!  
Наҳот у йўқликда мавжуддир вужуд?!  
Бўм-бўшлиқдасан: илоҳ, маъбуд,  
мавжуд ва мақсуд.





Izladi omonating seni shariat ahkomida,  
Dil istaydi qoniqmasdan o'zgasin butkul.  
Qalbda bor zikr-la yig'i sen uchun,  
Ko'ngil ozuqa olar bir zumda taskin.




Yo'qlikka yuz tutmoq istaydi qalbim mening,  
Ne istaydi borliqdan rohat topmasdan o'zi?!  
Nahot u yo'qlikda mavjuddir vujud?!  
Bo'm-bo'shliqdasan: iloh, ma'bud, mavjud  
va maqsud.





Наҳот бадан түйғусига ошиқ бўлибман,  
Ўрганибман нозик қарашу имоларга мен.  
Қалб тори чалганда нотаниш навони,  
Билолмай қолдим: у сенмусан ё сен  
яратган най?!




Бўлаверсин гўзаллар — малаклар,  
Бўлаверсин гўзал нигоҳу қарашлар.  
Сенсан-ку ахир улар яралмиш,  
Сенсиз бўлармиди чукур туйғулар.





Nahot badan tuyg‘usiga oshiq bo‘libman,  
O‘rganibman nozik qarash-u imolarga men.  
Qalb tori chalganda notanish navoni,  
Bilolmay qoldim: u senmusan yo sen  
yaratgan nay?!




Bo‘laversin go‘zallar — malaklar,  
Bo‘laversin go‘zal nigoh-u qarashlar.  
Sensan-ku axir ular yaralmish,  
Sensiz bo‘larmidi chuqur tuyg‘ular.





Фаҳмда бўл дейди манга устозим,  
Наҳот бўлса эди фаҳм мен тараф.  
Бўлар эмиш фаҳм Аллоҳдан,  
Не қилсам экан бўлмоқ учун фаҳмли?!




Фаҳм-фаросатдир йўлнинг асоси,  
Ундандур қалбнинг поклиги.  
Улардир инсон зийнати,  
Не қилсам экан бўлмоқ учун фаҳмли?!





Fahmda bo'l deydi manga ustozim,  
Nahot bo'lsa edi fahm men taraf.  
Bo'lar emish fahm Allohdan,  
Ne qilsam ekan bo'lmoq uchun fahmli?!




Fahm-farosatdir yo'lning asosi,  
Undandur qalbning pokligi.  
Ulardir inson ziynati,  
Ne qilsam ekan bo'lmoq uchun fahmli?!





Фаҳм топмоқ истасанг агар,  
Бўлгин пирга содиқ қулидек.  
Боқкил юзига ҳар дам оҳиста,  
Топгайсан унда фаҳм далдаси.




Кирсайди қувват йўлимга — фаҳм,  
Пирим ички назари ила,  
Ёйилиб кетса бутун баданга,  
Мовий бўшлиқ бўлсайди тўлик.





Fahm topmoq istasang agar,  
Bo'lgin pirga sodiq qulidek.  
Boqkil yuziga har dam ohista,  
Topgaysan unda fahm daldasi.




Kirsaydi quvvat yo'limga — fahm,  
Pirim ichki nazari ila,  
Yoyilib ketsa butun badanga,  
Moviy bo'shliq bo'lsaydi to'liq.





Не сабабдан Куръон ўқуб, намоз ўқуб —  
етолмас санга?!  
Наҳот эмиш ул бандалар — қалби мухр!  
Наҳот эмиш ул бандалар — кўзи ожиз,  
кулоқ гаранг?!  
Не сабабдин ул бандалар — қора парда  
ортига ташладинг ўзинг?!



Оlamни ёритғил, эй қуёш яратган Аллоҳ,  
Кўринсин қораю оқлар, яширин олам.  
Кўринсин бандаю шайтон изида  
юрган,  
Фосиклар, нафс балоси, жирканч  
туйғулар.






Ne sababdan Qur'on o'qub, namoz o'qub —  
yetolmas sang'a?!

Nahot emish ul bandalar — qalbi muhr!  
Nahot emish ul bandalar — ko'zi ojiz, qulqoq  
garang?!

Ne sababdin ul bandalar — qora parda ortiga  
tashlading o'zing?!




Olamni yoritg'il, ey quyosh yaratgan Alloh,  
Ko'rinsin qora-yu oqlar, yashirin olam.  
Ko'rinsin banda-yu shayton izida yurgan,  
Fosiqlar, nafs balosi, jirkanch tuyg'ular.





Шайтон изидан юрган дамларни кўргил,  
Яна уларни яширмоқ истагим, кўргил.  
Минг оқламоқ истай ўзимни,  
Буюрган эдинг-ку йўлимни ўзинг.

Ташқи муҳитни ёлғон қилғон сен,  
Ички дунёинг яширмоқ учун.  
Қайдан билсин ғофил тандан хабарни,  
Ичкарига киравмикин, ташқи гўзалликни  
кўргани?!




Мусаффо бўлсайди сен берган онгим,  
Фақат сени йўқласайди оҳланган онгим.  
Етсайди бир талпиниб даргоҳинг сари,  
Билар эдим, онгим эмасмикин сендаги  
борлиқ?!





Shayton izidan yurgan damlarni ko'rgil,  
Yana ularni yashirmoq istagim, ko'rgil.  
Ming oqlamoq istay o'zimni,  
Buyurgan eding-ku yo'limni o'zing.

Tashqi muhitni yolg'on qilg'on sen,  
Ichki dunyoying yashirmoq uchun.  
Qaydan bilsin g'ofil tandan xabarni,  
Ichkariga kirarmikin, tashqi go'zallikni  
ko'rgani?!




Musaffo bo'lsaydi sen bergen ongim,  
Faqt seni yo'glasaydi ohlangan ongim.  
Yetsaydi bir talpinib dargohing sari,  
Bilar edim, ongim emasmikin sendagi  
borliq?!





Етар бўлди манга дунё неъмати,  
Етар бўлди манга бахтли туйғулар.  
Етар бўлди манга қайғу ва алам,  
Не етмайди қалбда йўқ уйку?!




Машрабдай девона бўлдим, яна дардим  
сўйлаб санга,  
Мансур Ҳаллож каби бўлиб кетмасайдим  
бечорадай.  
Ё Яссавийдай очиқ гўрга кириб  
кетсаммикин мен?!  
Нурсафардийнинг жойи қайда,  
билиурмисан, Яратганим?!





Yetar bo'ldi manga dunyo ne'mati,  
Yetar bo'ldi manga baxtli tuyg'ular.  
Yetar bo'ldi manga qayg'u va alam,  
Ne yetmaydi qalbda yo'q uyqu?!




Mashrabday devona bo'ldim, yana dardim  
so'ylab sanga,  
Mansur Halloj kabi bo'lib ketmasaydim  
bechoraday.  
Yo Yassaviyday ochiq go'rga kirib  
ketsammikin men?!  
Nursafardiyning joyi qayda, bilurmisan,  
Yaratganim?!





Қай оламни сен күрдингү мен  
күрмадим нега?!  
Қай азал сен сирларни билдингү —  
мен билмадим?!  
Билмаганим, күрмаганим ҳам сенсан,  
Күрмоғу билмоғу ниятим фақат сен,  
сенсан, фақат сен!



Беҳуда шайтон сўзлаб ақли доно бўлма,  
дўстлар,  
Ҳар инсонни бир ўлчамда кесманг,  
дўстлар,  
Даражаси, ўлчови ҳам ўзи маълум  
Яратганга,  
Уни кесиш шайтон эмас, Аллоҳ иши.






Qay olamni sen ko'rding-u men ko'rmadim  
nega?!

Qay azal sen sirlarni bilding-u — men  
bilmadim?!

Bilmaganim, ko'rmaganim ham sensan,  
Ko'rmog'-u bilmog'-u niyatim faqat sen,  
sensan, faqat sen!




Behuda shayton so'zlab aqli dono bo'lma,  
do'stlar,  
Har insonni bir o'lchamda kesmang,  
do'stlar,  
Darajasi, o'lchovi ham o'zi ma'lum  
Yaratganga,  
Uni kesish shayton emas, Alloh ishi.





Сендан келсак, сенга қайтсак,  
Жамолингни қайдан излаб топсак,  
Кетар бүлсак нега келдик?  
Наҳотки фақат ният мақсадга етмоқ?!




Бандангдан не истайсан,  
Үзи муҳтож истакка.  
Ҳакимингдан не истайсан,  
Үзи муҳтож йўқликка.





Sendan kelsak, senga qaytsak,  
Jamolingni qaydan izlab topsak,  
Ketar bo‘lsak nega keldik?  
Nahotki faqat niyat maqsadga yetmoq?!




Bandangdan ne istaysan,  
O‘zi muhtoj istakka.  
Hakimingdan ne istaysan,  
O‘zi muhtoj yo‘qlikka.





Күнгил бергил умр ҳазон айлама,  
Ҳақдин ўзга зотни истадим дема.  
Ҳақдан топгил бахту саодатингни,  
Ҳақдан топгил ички туйфу жамолингни.




Талаб қилдинг яхши амални,  
Қилсанг уни келарсан манга.  
Қайдан билсин, қайси яхшию ёмон,  
Қайдан билсин қилмоқни амал.





Ko'ngil bergil umr hazon aylama,  
Haqdin o'zga zotni istadim dema.  
Haqdan topgil baxt-u saodatingni,  
Haqdan topgil ichki tuyg'u jamolingni.




Talab qilding yaxshi amalni,  
Qilsang uni kelarsan manga.  
Qaydan bilsin, qaysi yaxshi-yu yomon,  
Qaydan bilsin qilmoqni amal.





Нозик Жамол шайдосиман,  
Ички түйғу адосиман.  
Шайдо қилиб руҳлантирдинг,  
Адо ила ўзинг тараф юксалтиридинг.




Сенга етган замон йўқотдим йўлни,  
Билолмадим сендаги яхши-ю ёмонни.  
Не учун айладинг кўнглимни вайрон,  
Наҳот келди санга қўшилмоқ замон.





Nozik Jamol shaydosiman,  
Ichki tuyg'u adosiman.  
Shaydo qilib ruhlantirding,  
Ado ila o'zing taraf yuksaltirding.




Senga yetgan zamon yo'qotdim yo'lni,  
Bilolmadim sendagi yaxshi-yu yomonni.  
Ne uchun aylading ko'nglimni vayron,  
Nahot keldi sanga qo'shilmoq zamon.






Ибодатни ўзда изланг, ичда изланг,  
Яратганинг Мұҳаммадга берган  
жавобин эсланг,  
Фоғил бўлманг илмсизлик ила давлат  
айлаб,  
Аллоҳ билур, у истаса ўзи сизни ромлар  
қилур.



Билим бердинг бандам онги ўссин деб,  
Сен тарафга зикр ила юрсин деб.  
Олган билими шайтон қилди хулқини,  
Фарқларга бўлиниб кетди билим ила  
билимсиз.  
Қайси сендан, аросатда фаҳми йўқ,  
Шайтон йўлин танлатди асл илм ишқи  
йўқ.






Bilim berding bandam ongi o'ssin deb,  
Sen tarafga zikr ila yursin deb.  
Olgan bilimi shayton qildi xulqini,  
Farqlarga bo'linib ketdi bilim ila bilimsiz.  
Qaysi sendan, arosatda fahmi yo'q,  
Shayton yo'lin tanlatdi asl ilm ishqisi yo'q.





Сени излаб тополмасдан жанг қилур,  
Үзи қолиб бирор йўлини хор қилур.  
Демаганмидинг, жангни қилинг нафс  
учун,  
Менман, йўлим жангсиз, этган равон —  
ибодат.




Қай бир оламни гулистон этдинг,  
Яратиб бир оламда Одам Атони.  
Не ниятда яратмиш эдинг,  
Синашму, ибодатмиди мақсадинг фақат?!





Seni izlab topolmasdan jang qilur,  
O'zi qolib birov yo'lin xor qilur.  
Demaganmiding, jangni qiling nafs uchun,  
Menman, yo'lim jangsiz, etgan ravon —  
ibodat.



Qay bir olamni guliston etding,  
Yaratib bir olamda Odam Atoni.  
Ne niyatda yaratmisht eding,  
Sinashmu, ibodatmidi maqsading faqat?!



## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

## **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент. Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 (нашрға тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Иброҳим Ҳақкулов)
2. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Тасаввуф ва инсон. Тошкент, Адолат, 2001
3. Маҳкам Маҳмуд. Аҳли дил. Тошкент, «Ўқитувчи», 1997
4. Ҳамиджон Хомидий. Тасаввуф алломалари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент, 2004
5. Алишер Кушкаров. Сўфий табобати. Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти, 2004
6. С. Кушкаров, У. Кушкаров. Сўфий жанг санъати. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2003
7. Шоҳсанам Кушкарова. Сўфий гимнастикаси. «Zargalam» нашриёти, 2004
8. Ҳожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. «Моварунаҳр». Тонкент, 2004
9. Mystical dimensions of Islam. Annemarie Schimmel, USA, 1997

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	5
Сўфийликда шеъриятнинг моҳияти .....	12
Сўфийликда сулук .....	62
Нурсафардий ҳикматлари .....	91
Нурсафардиия — сўз жавоҳири .....	153
Илоҳий қувватни излаб...	199



## MUNDARIJA

Kirish .....	8
So‘fiylikda she’riyatning mohiyati .....	37
So‘fiylikda suluk .....	77
Nursafardiy hikmatlari .....	91
Nursafardiyya — so‘z javohiri .....	153
Ilohiy quvvatni izlab... .....	199



**САПАРБОЙ НУРБОЕВИЧ КУШКАРОВ  
СҮФИЙ ШЕЪРИЯТИ**

*Тошкент, 700129, «ZAR QALAM» нашиёти,  
Навоий кўчаси, 30.*

Муҳаррир *Д. С. Турсунова*  
Техник муҳаррир *М. Суркова*  
Расмлар муҳаррири *М. Кочаров*  
Бадиий муҳаррир *Т. Н. Бутунбоеев*

Оригинал -макетдан босишга рухсат этилди 23.12.04. Бичими  
84x108<sup>1/2</sup>. Офсет босма усулида босилди. Босма т. 9,5. Шартли б. т.  
12,6. 3000 нусхада босилди. Буюртма № 401.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'qituvchi»  
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод  
даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

## **Қайдлар учун**

---

## **Қайдлар учун**

---